

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2020.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАЛЯМОВ ФАХРИДДИН МИРКАМАЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ  
РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13- Менежмент**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Тошкент – 2021**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	3
<b>I-боб. Рақобатбардошликини бошқариш тизимининг назарий жиҳатлари, унинг моҳияти ва ривожланиши .....</b>	14
1.1. Тадбиркорлик тўғрисидаги иқтисодий қарашларда рақобат ва ишбилармонлик муҳити .....	14
1.2. Рақобатбардошликини бошқариш тизимида ишбилармонлик муҳитининг шакллантирилиши ва қўллаб-қувватлаш амалий жиҳатлари.....	33
1.3. Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши ва тадбиркорлик менежменти тизимининг ўзига хос хусусиятлари.....	46
<b>I-боб бўйича хulosалар .....</b>	57
<b>II-боб. Ўзбекистон тадбиркорлик тизимида рақобатбардошликини бошқариш асосида миллий иқтисодиётни ривожлантириш .....</b>	61
2.1. Ўзбекистон тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигига тадбиркорликни йириклиштиришнинг замонавий тизимлари .....	61
2.2. Тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқаришда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган сиёsat ....	72
2.3. Тадбиркорлик рақобатбардошлигини бошқаришда хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлари қўллаб-қувватлаш тизимининг амалий жиҳатлари .....	88
<b>II-боб бўйича хulosалар.....</b>	102
<b>III-боб. Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқаришнинг замонавий асосларини шакллантириш .....</b>	106
3.1. Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқаришда рақамли трансформация экотизимини шакллаштириш.....	106
3.2. Тадбиркорликда рақобатбардошликини бошқаришда юкори технологиялар ва инновацион ёндашувлар.....	124
<b>III-боб бўйича хulosалар.....</b>	142
<b>Хulosса .....</b>	145
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	147

## **Кириш**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳондаги глобал пандемия шароитида ҳар бир давлат миллий тадбиркорлик тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратади. Мазкур ҳолатда тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқариш қулай ишбилармонлик муҳитига эга бўлишни талаб этади. Бироқ “глобал пандемия таъсирида жаҳонда ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари кескин тушиб кетди: S&P500 индекси 13,4 фоизга, Европанинг EUROSTOXX50 ишбилармонлик фаоллиги индекси 24,3 фоизга, Япониянинг NIKKEY225 ишбилармонлик фаоллиги индекси 19 фоизга камайди. Ривожланаётган давлатларда (Сингапур, Корея Республикаси, Хиндистон, Малайзия) инқироздан чиқишининг асосий омилларидан бири сифатида корхоналарни рақамлаштириш жараёнларига самарали жалб қилиш учун шарт-шароитларни шакллантириш ҳамда миллий тадбиркорлик тизимиға инновацияларни самарали жорий этиш орқали рақобатбардошликини оширишга қаратилмоқда”<sup>1</sup>. Шунингдек, тадбиркорлик рақобатбардошлигини бошқаришни такомиллаштириш орқали иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш мамлакатни жаҳон хўжалик тизимиға интеграциялашувини таъминлайди.

Жаҳонда тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришда замонавий моделлари инновацион ва инвестицион фаолиятни фаоллаштиришни бошқариш, мамлакатни ва миллий корхоналарини ташқи муҳитга доимий мослаштириш ва моддий, меҳнат, интеллектуал ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни бошқариш бўйича кўп функционал ва мураккаб ўзаро тизимни ривожлантиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада биринчи навбатда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги, молиявий

---

<sup>1</sup> <https://www.mckinsey.com/industries/financial-services/our-insights>

фаолиятнинг муваффақияти, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва уларнинг сифати ва савдо фаолияти самарадорлиги оширишга қаратилсада, замонавий тенденция сифатида рақамли иқтисодиётда рақобатбардошликини бошқаришнинг экотизимини ҳамда ташкилий механизмни яратиш ва такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар доирасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, энг аввало мулкчиликнинг давлат секторида ёки хусусий секторда бўлишилигидан катъий назар маълум бир риск асосидаги тадбиркорлик фаолиятини бозор муносабатларини ҳаракатга келтиришнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Хусусан, “иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш ҳамда принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш”<sup>2</sup> **тадбирларни амалга ошириш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш имконини беради.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 24 октябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сон «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль сони

тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609 сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик мухитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 526-сон «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 8 январдаги 8-сон “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бир қатор илмий мақола ва монографияларда иқтисодий масалалар қаторида тадбиркорлик субъектларини **рақобатбардошлигини бошқаришнинг** замонавий

хусусиятлари, жаҳон тажрибалари ва уни иқтисодиётга кенг қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари етакчи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Ушбу масалаларнинг айрим жиҳатлари Аванесов А.Н., Ансофф И., Балабанов К.Т., Балабанов А. И., Герчикова И.Н., Brooke M., Mills W., Chandler A., Day G.S., Robert D. каби иқтисодчи олимларнинг асарларида кўриб чиқилган ва уларнинг назарий илмий ишларида тадбиркорлик рақобатбардошлигини таъминлашда жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро узвийлик масалаларига катта эътибор қаратилган<sup>3</sup>.

Тадбиркорлик рақобатбардошлигини бошқариш тизимида тадбиркорлик муҳитининг шакллантирилиши ва қўллаб-қувватлашнинг умумий муаммолари кўриб чиқилган тадқиқотлар орасида Глазунов В.Н., Горохов Б., Argenti J., Hirich R.D., Peters M.P., Sandberg W.R., Hofer C.W., Shepherd D., Stenberg E.<sup>4</sup> илмий асарларини қайд этиш мумкин. Ушбу нашрларда асосан ташқи иқтисодий фаолият кўрсатувчи миллий компаниялар фаолиятини бошқариш ва инвестицион ресурслар жалб қилиш вахалқаро интеграцион жараёнлардаги иштироки кенг ёритилган.

Республикамизда бозор муносабатларини кенгайтириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга бағишланган тадқиқот С.С.Ғуломов, Ш.Н. Зайнутдинов, Н.Қ.Йўлдошев, Д.С.Қосимова, Д.Н. Рахимова, Қ.Х.Абдурахмонов,

<sup>3</sup>Аванесов А.Н. Правила рынка: иностранные инвестиции, внешняя торговля, трудовая миграция, конкурентоспособность, дипломатия: -М.: Международные отношения, 1994,- 350 с., Ансофф И. Стратегическое управление: перевод с английского, М.: Экономика, 1998,- 120 с., Балабанов К. Т. Балабанов А. И. Внешнеэкономические связи М.: Финансы и статистика, 1998 - 512 с., Герчикова И.Н. Маркетинг и международное коммерческое дело. М.: Международные отношения, 1990,- 504 с., Brooke M., Mills W. Profits from Abroad: Managing Foreign Business. -L. Kogan Page, 1989, p 218, Chandler A. Strategy and Structure: Chapters in the History of the Industrial Enterprise. Cambridge, L.: MIT Press, 1990, p 463, Day G.S. Tough Questions for Social Responsibility. Ethical Theory and Business, 1979, p 213, Robert D. Hisrich. Entrepreneurship. Boston, MA 02116, 1992, p. 255 с.

<sup>4</sup>Глазунов В.Н. Финансовый анализ и оценка риска рыночных инвестиций. М.: Финстатинформ, 1997,- 136 с., Горохов Б. Стратегия и гибкость управления предприятием: трудный баланс // Проблемы теории и практики управления, 1994.- №4 с. 13-20., Argenti J. Corporate Planning A Practical Guide. Homewood, III. Dow Jones Irvin, 1969, p 178, Brooke M., Mills W. Profits from Abroad: Managing Foreign Business. -L. Kogan Page, 1989, p 218, Chandler A. Strategy and Structure: Chapters in the History of the Industrial Enterprise. Cambridge, L.: MIT Press, 1990, p 463, Sandberg W.R Hofer C.W. The effects of strategy and industry structure on new venture performance. Proceeding, 1986, p. 187, Shepherd D. British Manufacturing Investment Over seas. London, Stenberg E. Steering of Foreign Subsidiaries. Helsinki: Helsinki School of Economics and Business Administration, 1992, p. 234

Н.Х.Жумаев, Р.А.Алимов, Д.Х.Суюновнинг<sup>5</sup> илмий мақола ва монографиялари чоп этилган. Ушбу илмий ишларда ишбилиармонлик муҳити, миллий иқтисодиёт ва тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигининг турли жабҳалари ёритилган бўлсада, танланган мавзуни ёритишда жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувнинг кучайиши шароитида ишбилиармонлик муҳитини яратиш, рақобатбардошликни бошқариш ҳамда такомиллаштириш, шу асосда миллий тадбиркорларни ташки бозордаги рақобатбардошлигини барқарор ҳолатини таъминлашга асосий эътибор қаратилади. Хусусан. Ўзбекистон иқтисодиётининг миқдорий ўсиши, миллий тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш ва бизнес алоқаларининг турли давлатларда ташкил этиш ва уларнинг ривожини жадаллашуви, чукурлашуви ва хилма-хиллиги, шунингдек, халқаро меҳнат тақсимотига жалб этилганлиги ўзаро таққослаш ва таҳлилий кўрсаткичлар, тадбиркорлик субъектларини ташки бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш доирасида илмий-тадқиқотлар ўтказишни ва илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишини талаб этади.

**Тадқиқот диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сон «Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-

---

5 Зайнутдинов Ш.Н., Раҳимова Д.Н. Корпоратив бошқарув. - Т.: Академия, 2010, 69 бет., Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион мене жмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286-б., Раҳимова Д.Н., Абдураҳмонов Қ.Ҳ. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси. –Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи. 2009, Қосимова Д.С., Собиров А.А. Бошқариш назарияси асослари. ОЎЮ лари учун дарслик. - Т: ТДИУ. 2011, Жумаев Н.Х., Абдураҳмонов О.Қ., Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари., Монография., Академнашр. -2010,: 160 б., Алимов Р.А. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии, система показателей, факторы развития. Материалы республиканского научного семинара «Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики» Ташкент: 2004 г. – 212с.; Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. Т.: «Konsauditinform-Nashr». 2006 й. – 440 б.; Расулов А.Ф. Экспортная ориентация национальной экономики в условиях рыночной экономики трансформации (на материалах Республики Узбекистан): Автореф. док. экон. наук. Ташкент, 1996. – с. 42; Суюнов Д.Х. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари// Молия ва банк иши, 2099, №4.

иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг илмий методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқариш тизимини назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш ва уни тадбиркорлик тизимидағи моҳиятини очиб бериш;

тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқаришда рақамли платформалар ёрдамида қарорлар қабул қилиш натижасида харажатларни қисқариши эвазига иқтисодий самарадорликка эришишликни тадқиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигига оид ахборотларни қайта ишлаш тезлигини ошириш, рақобат муҳити диагностикасини баҳолаш ёрдамида миллий тадбиркорларнинг ташқи бозордаги экспорт ҳажми улушини кўпайтириш механизми бўйича амалий хусусиятларини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектлари бошқаруви ташкилий тузилмасида, ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ва ишбилармонлик фаоллигини уйғунлаштирувчи “бизнес миссияси”ни жорий қилишга йўналтирилган сиёсатни тадқиқ этиш;

тадбиркорлик субъектларини бошқаришда бизнес муҳитни замонавий механизmlар воситасида такомиллаштириш орқали ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари тадқиқига доир таклифларни ишлаб чиқиш;

маҳаллий корхоналарда ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва экспортбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришга йўналтирилган фаолияти олинган.

**Тадқиқот предметини** тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқаришни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш, мантиқий ва сабаб-оқибат таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

ахборотни қайта ишлаш тизимининг тезлигини ошириш, харажатларни камайтириш ва маҳсулотлар сотиш ҳажмини аниқ баҳолаш имконини берадиган рақамли экотизимни жорий қилиш орқали тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

рақамлаштиришнинг инновацион технологик трендларини, яъни сунъий интеллект, рақамли технологик платформалар, “Agile” технологияси, хавфсизлик архитектурасига мос равища тадбиркорлик субъектларининг қиймат занжирини моделини трансформациялаш асосланган;

корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган мақсадлар ва вазифалар декомпозицияси ва морфологик ечимни таснифлашга асосланган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни такомиллаштирилган;

микдорий баҳолаш, ҳамда прогнозлаш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларни рақобатбардошлик имкониятлари ҳамда унинг экспорт салоҳиятини замонавий омиллар асосида

янада кенгроқ очиб бериш ва тадбиркорлик менежментининг тузилмаси такомиллаштирилган;

тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини услубий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

рақамлаштириш орқали ахборотни қайта ишлаш тезлигини ошириш, рақобат муҳити диагностикаси, рақобатбардошликни баҳолаш, бошқариш механизмини шакллантириш, бошқариш тадбирларини амалга оширишда қиймат яратишнинг рақамли моделини яратиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида рақобатбардошлик бошқаруви стратегиясини ишлаб чиқиши босқичлари таклиф этилган;

миллий тадбиркорларнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграцияланиш даражаси халқаро бозорларга кириш миқёслари, ресурслардан оқилона фойдаланиш маҳоратини ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик менежментининг бошқарув тизими ташкилий тузилма, замонавий ахборот технологиялари, ходимларнинг унумдорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш асосида самарадорлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганилиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг статистика маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколати давлат ташкилотлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришда рақамли трансформация, рақобатбардошликни микро/макро даражада тартибга солиш,

тадбиркорлик бизнес мухитини яратиш бўйича иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқаришда “йўл харита”лари ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари *рақобатбардошлигини бошқарииш ва тартибга солишига* қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар жаҳоннинг турли бозорларига кириб бориши ҳамда тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқаришда рақамли экотизимни ривожлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатаси фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатасининг 2021 йил 13 апрелдаги 11/03-15-2899-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши маҳаллий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида маъмурӣ харажатларни 15 фоиз қисқартиришга эришилган.

маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий тузилмасига доир таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатаси фаолиятида ҳудудлар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш, миқдорий баҳолаш, прогнозлаштириш, маркетинг ва молиявий кўрсаткичлар орқали бошқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатасининг 2021 йил 13 апрелдаги 11/03-15-2899-сон

маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида худудлар бўйича инвестиция дастурларини тузиш натижасида миллий тадбиркорларнинг ташқи бозордаги экспорт ҳажми 10 фоизда ошишига олиб келган.

тадбиркорлик субъектлари менежментининг ташкилий тузилмаси, замонавий ахборот технологиялари, ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ва ишбилармонлик фаоллигини уйғунлаштирган "бизнес миссияси"ни шакллантириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатаси фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатасининг 2021 йил 13 апрелдаги 11/03-15-2899-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилишида маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини бошқаришнинг ташкилий-иктисодий тузилмасига доир таклифи асосида худудлар иқтисодиётини, миқдорий баҳолаш, прогнозлаштириш бўйича чора-тадбирлар (йўл хариталари) ишлаб чиқишида қўлланилган.

мамлакатда ишбилармонлик муносабатларини қўллаб-қувватлашга, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, янги иш ўринлари яратишга, айниқса, хотин-қиз-ёшларни иш билан таъминлашга йўналтириш, шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда тадбиркорлик бизнес мухитини яратиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатаси фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатасининг 2021 йил 13 апрелдаги 11/03-15-2899-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида маҳаллий корхоналарнинг ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги 2019 йилга нисбатан 3,5 фоизга ошиши ёки 2,5 млрд сўмни ташкил этган.

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларига кириб бориши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришда рақамли трансформация экотизимини ривожлантириш ҳамда маҳаллий корхоналарни ташқи бизнес мухитга доимий мослаштириш орқали моддий, меҳнат, интеллектуал, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини

ошириш юзасидан рақобатбардошлигини бошқаришга доир таклифлари (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатасининг 2021 йил 13 апрелдаги 11/03-15-2899-сон ҳамда “Rostı Rasti Baraka” МЧЖнинг 2021 йил 6 февралдаги 4-сон маълумотномалари) корхонанинг маҳаллий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир бошқарув қарорларини қабул қилишнинг рақамли трансформациясини амалга оширишда, шунингдек, ҳудудлар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини микдорий баҳолаш, таҳлил қилиш, прогнозлаштириш, маркетинг ва молиявий кўрсаткичлар орқали бошқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 161 бетни ташкил этади.

## **I-боб. Рақобатбардошликини бошқариш тизимининг назарий жиҳатлари, унинг моҳияти ва ривожланиши**

### **1.1. Тадбиркорлик тўғрисидаги иқтисодий қарашларда рақобат ва ишбилармонлик мухити**

Глобаллашув жараёнининг кучайиб бориши шароитида Ўзбекистон иқтисодиётида рақобат муаммолари биринчи ўринга чиқади. Табиийки, сўнгги пайтларда илмий доираларда “рақобатдошлик”, “миллий рақобатдошлик” атамаси ва уни такомиллаштириш зарурлигини эътироф этиш тадқиқотчилар, олимлар ва мутахассислар томонидан тез-тез муҳокама қилинмоқда. Бироқ, у билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммолар бўйича ҳали ҳам ечимини топгани йўқ. Чунки, рақобатдошлик даражаси ва динамикасини қайси омиллар белгилаши ва ушбу мақсадга қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида яқдиллик мавжуд эмас. Шунингдек, ушбу концепциянинг орқасида нима борлиги ва рақобатбардошликини қандай баҳолаш мумкинлиги ҳақида умумий тушунча мавжуд эмас. Айнан шу сабаблар мазкур тадқиқот ишига тўртки бўлиб, илмий ишда рақобатбардошлик тушунчасини унинг турли даражаларида таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Сўнгти йилларда нафақат миллий ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш ҳажмларининг суръатлари, балки унинг мамлакат кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотидаги улушининг ўсиши ҳам давом этмоқда. Бозор механизмларини фаоллаштириш, энергия тежовчи технологияларни татбиқ қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, корхоналарнинг моддий, молиявий ва меҳнат фаолиятининг яхшиланиши, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминловчи тармоқларга инновацияларни жорий этиш кузатилмоқда.

Шу вақтнинг ўзида миллий тадбиркорларнинг ташқи бозордаги савдо ҳажмини ўсишини таъминлаш салоҳияти бир қатор йўналишлар бўйича пасайиб бормоқда, бу эса асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскириши ва инвестицион имкониятларининг чекланганлиги билан боғлиқдир. Ҳозирги

кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар асосий воситалар таркибини тўлдириш ва янгилашда, кредит ва молиявий ресурсларда, ташқи бозордаги рақобатбардошлигини бошқаришда, хорижий ҳамкорларни жалб қилишда, менежмент тизимиға илғор халқаро тажрибаларни жорий қилишда катта танқисликни ҳис этмоқда.

Бугунги кунда дунёning ривожланган давлатлари (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва Хитой)да иқтисодиёт тармоқларида кластерларни шакллантириш асосида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш тенденцияси кўзатилмоқда. Бу ўз навбатида миллий иқтисодиётда фаолият юритишдан жаҳон ҳўжалик тизимга ўтишида миллий компанияларнинг ташқи бозордаги узок муддатли фаолият юритишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини бошқариш функциялари (режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат)ни такомиллаштиришни тақозо этади.

Деярли барча собиқ иттифоқ республикаларида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти тизимиға ўтиш ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига, истеъмол товарлари билан таъминланишининг ёмонлашишига олиб келди. Тадбиркорлар қийин аҳволга тушиб қолишиди, бу салбий ҳолат асосан халқ фаровонлигига таъсир ўтказди.

Табиийки, бозор муносабатлари чукурлаштириш, иқтисодиётда замонавий инфратузилмани ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида тадбиркорлик фаолияти энг муҳим соҳага айланди ва бугунги кунда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашинув, истеъмол каби иқтисодий жараёнларнинг барча босқичларида фаол иштирокчи ҳисобланади<sup>6</sup>.

Тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса саналиб, у ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган. Унда ҳукуқий, руҳий, ташкилий,

---

<sup>6</sup> Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Проф. Н.Х.Жумаевнинг таҳрири остида. Т.: Adib nashriyoti.2011

иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Мазмуни ва моҳият жиҳатдан эса барча учун унумли фаолиятни англатади<sup>7</sup>.

Тадбиркорликнинг ривожланишида назарий ёндашувларни М.Болтабоев раҳбарлигига бир қатор муаллифлар классик олимларнинг Адам Смит, Ричард Кантильон, Жон Батист Сей, Жон Бейц Кларк, Й.Шумпетер ва Г.Пиншо фикрларини батафсил ёритганлар<sup>8</sup> Демак, XVIII асрда иқтисодчи Ричард Кантильон (1680-1734) “Умумий савдо табиати юзасидан иншо” (Essay on the Nature of Trade in General) номли китобида қўллаган эди<sup>9</sup>. Ричард Кантильоннинг фикрича, тадбиркор – риск (хавф-хатар) шароитида фаолият юритувчи шахсн. Шунга кўра тадбиркор ер ва меҳнат омилига иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойликлар сифатида қараган<sup>10</sup>.

Сўнг, иқтисодчиси Жон Батист Сей (1767-1832) “Сиёсий иқтисод трактати” китобида тадбиркорлик фаолиятидаги ишлаб чиқариш омилларини кўрсатиб ўтган, унга ер, капитал ва меҳнат киритилган<sup>11</sup>. Жон Батист Сейнинг таъкидлашича, тадбиркор даромади меҳнат, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, маҳсулотни сотиш жараёнида пайдо бўладиган фойдали иноятдир. Тадбиркор маълум бир рискка бориб, муайян маҳсулотни ишлаб чиқариши натижасига бунга эришади.

Инглиз иқтисодчи олимлари Адам Смит (1723-1790) ва Давид Рикардо (1772-1823) томонидан олға сурилган асосий фикр бу иқтисодиётни ўз-ўзини тартибга солувчи механизм сифатида таъкидланишидир. Иқтисодиётни ўз-ўзини тартибга солувчи механизмда ижодий тадбиркорликка жой ажратилмаган. Меҳнат барча тадбиркорликнинг асосидир - кейинчалик классик сиёсий иқтисод деб номланган таълимотни яратган А.Смитнинг “Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш” асаридан

<sup>7</sup> Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Проф. Н.Х.Жумаевнинг таҳрири остида. Т.: Adib nashriyoti.2011

<sup>8</sup> Болтабоев М.Р ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т: Фан. 2011 й.

<sup>9</sup> Nevin, Seamus. "Richard Cantillon: The Father of Economics". *History Ireland (JSTOR)* 21 (2): 20–23.

<sup>10</sup> Кантильон Р. Эссе о природе торговли в общем плане // Мировая экономическая мысль. Сквозь призму веков. — М.: Мысль, 2004. Т. 1.

<sup>11</sup> Сэй Ж.-Б. Трактат по политической экономии. Бастиа Ф. Экономические софизмы. Экономические гармонии. / Сост., вступ. ст. и comment. М. К. Бункиной и А. М. Семенова. — М.: Дело, 2000.

келиб чиқадиган хулосалардан бири. Мехнат барча яхшиликларнинг ягона манбаи, деб таъкидлайди А.Смит. Бу дегани, маҳсулот ишлаб чиқаришга маълум миқдордаги меҳнатни сарфлаган шахс ушбу маҳсулотни ёки ўзи сотиб олиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни эркин тасарруф этишининг тўлиқ ва ажralmas ҳукуқига эга бўлади. Бироқ, ушбу имтиёзлар турли йўллар билан йўқ қилиниши мумкин. Тадбиркор уларни бутунлай ўзининг эҳтиёжлари ва қулайликлари учун ишлатиши мумкин, шунда аввалги меҳнат томонидан яратилган барча қийматлар йўқолади. Ёки яратилган эҳтиёжнинг бир қисмини зарур эҳтиёжларни қондириш учун ишлатиб, яна бир қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, тупроқни яхшилашга, асбоб-ускуналарни яхшилашга, бино қуриш ёки техникани сотиб олишга сарфлаши мумкин. Бунда яратилган қиймат сақланиб қолади, бойлика айланади, яъни капиталлаштирилади.

А.Смит, бозор жамият сотиб олишни хоҳлаган ва керакли миқдордаги товарларни ишлаб чиқаради деб ҳисоблайди. А.Смит рақобат ва даромад ишларига давлатнинг аралashiшига қарши бўлиб, ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими ривожланади ва бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади, деб ҳисоблаган.

Америкалик иқтисодчи Жон Бейц Кларк (1847-1938)нинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади<sup>12</sup>: капитал; ишлаб чиқариш воситалари ва ер; тадбиркорлик фаолияти; ишчининг меҳнати.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради, яъни капиталдан капитал эгаси қўшимча фоиз олади; ер рента беради; тадбиркорлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди<sup>13</sup>.

Иқтисодчи Й.Шумпетер<sup>14</sup> тадбиркорни новатор (янгиликни дунёга келтирувчи шахс) сифатида қараган.

<sup>12</sup> Кларк Ж.Б. Распределение богатства. М.: Финиздат. 2004

<sup>13</sup> Болтабоев М.Р ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т: Фан. 2011 й.

<sup>14</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., Финиздат. 2002

Ҳозирда иқтисодчи олимлар тадбиркорликнинг ривожланиш назариясини тўртта даврини эътироф этадилар.

Шу жиҳатдан олганда, тарихан ривожланиш дастлабки даври 1873 йилдан бошланади. Тахминан эллик йилдан кўпроқ даврни қамраб олади. тадбиркорлик ўсиш суръатларининг асосий йўналиши мазкур даврларда фаолият юритган монополистик характердаги корхоналарга рақобатчи сифатида қайд этилади. Аммо уша даврда ҳам кичик маштабдаги ишлаб чиқариш кучлари мавжуд бўлган кичик бизнес “ороллари” фаолият юритишида давом этарди. Майда ишлаб чиқариш йирик тадбиркорлар билан қарши фаолият юритишида бозор муҳитига мослашиш ва шу асосда янги даврда тартибга талабаларига жавоб берса олди.

Кейинги давр 1929 йилдан бошланади. Мазкур давр товарларнинг турли туманлиги ва диверсификатсиянинг кучайиши билан тавсифланади. Шуни ҳам эътироф қилиш мумкинки, жамиятда руй бераётган илмий техник инқилоб (ИТИ) ҳам айнан мазкур даврга мос келади. ИТИнинг бозор иштирокчилари ва истеъмолчилари ҳаётига туб ўзгаришлар ясади. Чунки техни кўзгаришлар асосида товарлар сони ва номи кенгайди, янгидан янги товарлар пайдо бўлди. Майда корхоналар техник ютуқларни тезда жорий қилиб юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришдилар. Шу билан бирга, компьютерлашувнинг кенгайиши, бизнесменлар иш фаолиятига молиявий маблағлар жалб қилишга шароит яратиб келди. Янги шароитлар ва муҳит ижаравий ҳамда лизингли муносабатлар инновацияон ёндашувлар негизида кичик корхоналарни ривожлантиришга тўртки бўлди.

1970 йиллар ўртасида бошланган йирик иқтисодий таназзул йирик тадбиркорлар фаолиятга жуда катта салбий таъсир ўтказди. Аммо бундай мураккаб шароитда ҳам тез мослашувчан кичик компаниялар нисбатан қийин шароитга тезда мослаша олиб, йирик компанияларга таянч воситасини бажарди. Энди кичик компаниялар фаолиятда миқдорий қиймат ўзгаришларидан фарқли улароқ сифатий қиймат ўзгаришлар катта аҳамият

касб эта бошланди. Кичик компанияларни бу каби хислати бозор конюнктурасига ҳам таъсир ўтказа оладиган, истеъмолчининг талабларига тезкор равишда мослаша оладиган жиҳатлари янада кенгайишига сабаб бўлди.

Шунингдек, кичик бизнесни тараққиётига катта бурилиш ясаган янги йўналиш бу ахборот технологиялар инсоният жамиятига кириб келишини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ахборот технологиялар кичик компаниялар учун янги техникавий имкониятларни очиб берди. Саноат ривожланишининг янги кўринишдаги тимсолига кичик бизнес катта таъсир ўтказди. Янги замонавий ишлаб чиқариш турлари дунёга келди, жумладан, микропротессор, микрочиплар, миникомпьютерлар ишлаб чиқарила бошланди. Биотехнология, нанотехнологияга асос солинди. Энергетикада энергия тежовчи янги йўналишлар, муқобил энергияни ишлаб чиқарувчи тизимлар пайдо бўлди.

Кичик бизнеснинг хизмат кўрсатиш тизимидағи тараққиёти пайдо бўлаётган янгидан янги соҳалар билан боғлиқ. Кичик барча бюрократик тўсиқларни енгувчан ва ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларини самарали фойдаланиш имконини берди. Айнан кичик бизнес янги инновация ташкилий тузилмалар кескин ривожланди.

Таниқли олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тадбиркорнинг ўз фаолияти соҳасида олиб борадиган ишлари кўп қирралидир. Бу бозор сиёсатининг ўзгариши билан ёки корхонанинг ички ва ташқи омиллари таъсирида аниқланади. Лекин тадбиркорнинг асосий мақсади манфаат (фойда) кўриш билан бир қаторда, бозорда самарали фаолият юритишини таъминлайдиган ишларни амалга оширишdir. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишини таъминлаш зарурдир<sup>15</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мурожаат қилинадиган

---

<sup>15</sup> Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Проф. Н.Х.Жумаевнинг таҳрири остида. Т.: Adib nashriyoti.2011

бўлсак, унда “Тадбиркорлик – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият<sup>16</sup>” деб таъриф берилган.

Бугунги кунда тадбиркор нафақат ўз фаолияти орқали фойда орттириш, балки давлат томонидан яратилаётган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда мамлакатдаги ижтимоий масалалар, хусусан ахоли бандлигини таъминлаш, миллий даромадни ўстириш ва ҳалқнинг фаровонлиги учун хизмат қилиш кабиларда ҳам катта рол ўйнайди. Ўз навбатида, ҳар бир тадбиркорлик фаолияти муайян бир минтақада: мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ худудида ташкил этилади. Тадбиркорлик фаолиятининг самарали асоси бўлиб, ишбилармонлик муҳити хизмат қиласди.

Ишбилармонлик муҳити худудлар миқёсида ўзида ишбилармонлик функцияларини амалга оширишни мужассамлантиради ва мамлакатнинг ривожланиш асосини ташкил этади. Умумий ҳолда ишбилармонлик муҳити асосан қуидаги тўртта омил: ҳукуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғликлиги натижасида амалга оширилади<sup>17</sup>. Ушбу омилларнинг тадбиркорликни яна ривожлаштиришга шарт-шароит яратади. Мазкур ҳолда мамлакат ёки минтақадаги мавжуд шарт-шароитлар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мос бўлади. Чунки, бундай муҳит тадбиркорга амалга ошираётган ишларининг натижалари қандай бўлишини олдиндан кўра билишига кенг имконият туғдиради<sup>18</sup>.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити, ишchan муҳит ва ишбилармонлик муҳити бир хил мазмунда қўлланилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи кўплаб

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуни. <https://lex.uz/docs/31846>

<sup>17</sup> Boltabaev M.R., Qosimova M.S.Kichik biznes va tadbirkorlik. – T.: Noshir, 2011.

<sup>18</sup> Юсупова, И. Р. Мамлакатимизда мавжуд ишбилармонлик муҳити натижасида ҳалқимиз фаровонлигини ошиб бормокда // Молодой ученый. — 2017. — № 24.1 (158.1). — С. 35-37

хуқуқий қонунчилик хужжатларида ишchan мухит ва ишбилармонлик мухити шаклида қўлланиб келинмоқда<sup>19</sup>.

### Ишбилармонлик мухитининг шаклланиши

Замонавий тадбиркорлик фалсафаси

Ишбилармонлик мухити

Иқтисодий фаоллик

Ижтимоий мухит

Бойлик ва фаровонлик

Тадбиркорлик инфратузилмаси

#### 1.1-расм. Ишбилармонлик мухитининг шаклланиши<sup>20</sup>

Ишбилармонлик мухитини шакллантириш бошқариладиган жараёндир. Ишбилармон мухити тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига тескари таъсир тадбир эмас, унинг тадбиркорлик субъектларнинг шакллантиришг борасида қулай инфра-тузилмани таркиб топтиришдан иборатdir.

Юқоридаги расмда (1.1-расм) давлат томонидан ижтимоий жараён сифатида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай ишбилармонлик мухитини шакллантириш орқали миллий бойлик ва миллий фаровонликни ўстириш, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашга таъсирини кўрсатади. Шунингдек, агар ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тадбиркор фаол субъект ҳисобланса, унда

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик мухитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаша ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида. 2011 йил 7 январь, ПҚ-1464-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2011 йил 24 август, ПФ-4354-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида. 2012 йил 18 июль, ПФ-4455-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида инвестиция иклими ва ишбилармонлик мухитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2014 йил 7 апрель, ПФ-4609-сон.

<sup>20</sup> Илмий манбалар асосида муаллиф ишланмаси

тадбиркорлик жараёнининг ўзи, унинг самарадорлиги ва мазмуни нуқтаи назаридан истеъмолчи фаол рол ўйнайди.

Амалда кўп ҳолларда ишбилармонлик муҳитининг маълум бир омили тадбиркорнинг иш натижаларига асосий таъсир қўрсатади, деб бўлмайди. Чунки, тадбиркорни кўпроқ ишбилармонлик муҳитини белгиловчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги қизиқтиради<sup>21</sup>.

Ишбилармонлик муҳити, аввала, “ишиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий қўнималар шакллантириш, психологик, ҳукуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш<sup>22</sup>”, кейингиси, “бизнес юритиши шартшароитларни янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизmlарини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш<sup>23</sup>”ни ифода этади.

Фикримизча, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимларини ривожлантириш мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим шартидир. Республика тадбиркорлик тизимини қўллаб-қувватлашда ҳукumat тоионидпн чора-тадбирлари тизими ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларининг ўзаро фаолияти ўртасида уйғунлашган боғлиқлик бўлтшт лозим. Демак, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш орқалигина ҳар қандай корхонанинг иқтисодий қўрсаткичларини яхшилаш мумкин.

Шуни қайд этиш керакки, турли тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги – қулай ишбилармонлик муҳитида рақобатбардошлиги бошқариш имконини беради. Самарали кооперация натижасида йирик корхоналар атрофида тўпланиб, синергия самараси ҳосил қилиши корхоналар ўзаро бир бирларига керак бўлган муҳим қисмларга айланишлари мумкин, натижада барча иштирокчилар муҳим афзалликларга эга бўладилар – бозорда тўла

<sup>21</sup> Boltabaev M.R., Qosimova M.S.Kichik biznes va tadbirkorlik. – T.: Noshir, 2011.

<sup>22</sup> <https://uznews.uz/ru/article/25169/>

<sup>23</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4342>

ҳаракатчанлик, ўсувчанлик ва янги инновацион ёндошувлар имкониятларига эга.

Турли тадбиркорлик субъектларини ўзаро ҳамкорлигини боғловчи тугун бу фойдадан ташқари мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш интилиши жиҳатидан кўриб чиқиш мумкин. Табиийки, тадбиркорлик субъектлари молиявий-иктисодий фаолиятининг ҳар бир йўналиши учун корхоналарнинг ўзаро кооперацияси учун вазифаларни аниқлаш керак.

Шундай қилиб, самарадорликни ошириш учун корхоналар интеграциясининг муҳим жиҳати янги бозорларга чиқиш, харажатларни камайтиришдир. Бу орқали кооперация иштирокчилари бозордаги улушкини ва рақобатбардошлигини оширади, бу эса операцион даромаднинг юқори бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, ўзаро биргаликдаги фаолият натижасида ҳамкор корхоналарнинг умумий харажатлари пайдо бўлсада, бу уларнинг молиявий ҳолатини яхшилайди ва харажатларни камайтиради.

Тадбиркорликни давлат томонидан иқтисодиётни мақсадли қўллаб-куватлаш шароитида алоҳида аҳамиятга эга, чунки иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, жаҳон бозори талабларига мос, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг, шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади<sup>24</sup>. Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига нисбатан олиб борадиган узоқ муддатли режалари ҳам шундан келиб чиқади. Республикаизда


---

<sup>24</sup> Камилова Ф.К. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш шароитида туризм хизматлари маркетингини такомиллаштириш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил

тадбиркорлик фаолиятига нисбатан олиб борадиган узоқ муддатли режалари ҳам шундан келиб чиқади<sup>25</sup>.

Халқ фаровонлигини ошириш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Томорқани ривожлантириш” каби дастурлар қабул қилинди. Бу дастурлар аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилмоқда<sup>26</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони -19121 минг, банд аҳоли сони - 13205 минг ташкил этади.<sup>27</sup>



**1.2.-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт асосий тармоқларидағи улуси<sup>28</sup>**

<sup>25</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3408>

<sup>26</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3408>

<sup>27</sup> <https://mehnat.uz/uz/news/aellarni-ish-bilan-taminlash-tadbirkorlikka-zhalb-etishda-davlat-tashkilotlari-bilan-hamkorlikning-ahamiyati-va-istiqbollari>

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Тадбиркорликни шакллантириш ва уни ривожлантириш учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа муайян шароитлар яратилиши керак.

Хусусан, иқтисодий шароитларга қуидагилар киради<sup>29</sup>:

- товарга бўлган таклиф ва талаб;
- харидор сотиб олиши учун товар турларининг мавжудлиги;
- харидор сотиб олиши учун керак бўлган пул ҳажмининг мавжудлиги;
- ишчиларнинг маошига, яъни сотиб олиш имкониятига таъсир кўрсатувчи ишчи жойларининг, ишчи кучларининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги.

Молиявий ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, киритилган капиталдан олинаётган даромад миқдори ва ўз ишбилармонлик операцияларини молиялаштириш учун олинмоқчи бўлган кредит миқдори иқтисодий шароитга таъсир этади<sup>30</sup>.

Бу каби тадбирларнинг ҳаммаси бозор инфратузилмасини ташкил қилувчи турли хилдаги муассаса ва ташкилотлар фаолиятидир. Тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари шу каби муассаса ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда, савдо-савдо амалиётларини амалга оширадилар. Хизмат кўрсатувчи тижорат банклар, турли таъминотчилар, жумладан хом-ашё, ускуна, материаллар харид қилиш учун; ҳуқуқий, бухгалтерия хизматларни тақдим қилувчи муассасалар; меҳнат бозорида ёлланма ишни тартибга солувчи ташкилотлар, агентликлар, меҳнат бозори талабларига асосида кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ўрта-махсус таълим ўкув юртлари; турли маркетинг, логистика компанияларини ва турли муассасалар ушбу ташкилотлар тизимини ташкил этади.

Мамлакатда сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу жараённда соҳада ижтимоий-

<sup>29</sup> Boltabaev M.R., Qosimova M.S.Kichik biznes va tadbirkorlik. – T.: Noshir, 2011.

<sup>30</sup> Boltabaev M.R., Qosimova M.S.Kichik biznes va tadbirkorlik. – T.: Noshir, 2011.

мехнат муносабатларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

### **1.1.-жадвал**

#### **Тармоқлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофир-малар сони (фермер ва дехқон хўжаликларисиз, бирлик)<sup>31</sup>**

Тадбиркорлик муҳитига бевосита таъсир этувчи амалдаги солиқ қонунчилиги истеъмол товарлари, болалар учун товарлар, аёллар гигиена буюмлари, бадиий хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳамда Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошираётган ва бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналарга энг кўп миқдорда имтиёзлар беради. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига берилаётган имтиёзлар доираси жуда кенг бўлиб, улар: барча солиқ ва йифимларни тўлашдан тўлиқ озод этишдан то солиқларни пасайтирилган ставкалар бўйича тўлашгача; корхона фаолиятининг бутун муддатига ёки бир неча йилгacha улардан озод этиш бўлиши мумкин. Агар истеъмол товарлари ҳажми корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 60 фоизидан кам бўлмаса, у ихтисослашган корхона деб ҳисобланади.

Замонавий менежментда тадбиркорликни бошқаришнинг янги усусларини жорий этиш долзарблиги мамлакатимиз иқтисодиётида юз беряётган кескин ўзгаришларга боғлиқ.

Ривожланаётган рақобат корхоналарнинг янада очиқ бўлиши менежер ишини тубдан ўзгартирмоқда. Корхоналарда ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятида бизнес-жараёнларни бошқариш учун замонавий ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган тубдан қайта ташкил этишга муҳтождир.

Буларнинг барчаси бўлмаса, товарлар ва хизматлар бозорида талаб қилинадиган маҳсулотларнинг маҳсулдорлигини ва сифатини ошириш деярли мумкин эмас.


Мамлакатимиз учун тадбиркорликни моделлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг сабаби мамлакатимизда менежментнинг назарий ва амалий ривожланишида катта муваффақиятларга эришмаганлиги билан боғлиқ. Монополликка асосланган маъмурий бошқарув тизимида узоқ йиллар давомида менежментга паст муносабатда бўлган психология ва мотивация принципларига асосланган. Бундан ташқари, саноат ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш бўйича мутахассисларни малакасини оширишга этарлича эътибор берилмади. Натижада, барча даражадаги мутахассисларнинг тадбиркорлик маданияти юқори эмас.

Яна бир сабаблардан бири бу тадбиркорлик менежментининг роли, унинг ташкилий тузилмаси ва ваколатлар тақсимотидаги роли паст баҳоланишидадир. Натижада, методик жиҳатдан тадбиркорликни бошқариш моделлаштиришнинг кўплаб масалалари талаб жавоб бермай қолди. Ташқи мухитда вазиятнинг фаол ўзгарувчанлиги кучайди, бу йирик бизнеснинг асосий фаолият йўналишларини танлашга кучли таъсир кўрсатмоқда.

Кўриб турганимиздек, тадбиркорлик менежментида етарли даражада эътибор берилмаслиги, унинг тадқиқоти учун муҳим методологик ва назарий шартлар мавжуд. Тадбиркорликни бошқариш самарадорлигини ва моделлаштиришни баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларнинг аҳамияти амалий саноат ва тижорат фаолияти билан мосдир. Бу борадаги ижтимоий-иқтисодий билим ва амалиёт ўртасидаги зиддиятнинг мавжудлиги. Бу охирги ҳолат биринчи навбатда маъмурий-режа моделидан бозор-тадбиркорлик моделига кескин бурилиш билан боғлиқ.

Ҳозирги менежерларнинг уч босқичли бошқарув тизими бизнеснинг "миссияси" тушунчасига асосланган. Ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг тадбиркорлик фаолиятига сармоялаши, биринчи навбатда, ишлаб чиқарилган

маҳсулотларни истеъмолчиларга, корхонанинг ходимларига нисбатан муносабати ва фойдани (тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги) хизмат қилиш маъносидир.



**Расм 1.2. Тадбиркорлик менежментининг уч босқичли бошқарув тизими<sup>52</sup>**

1.2- расмда келтирилганидек, бизнес бошқаруви ривожланишининг ҳозирги босқичида марказида тадбиркорлик менежменти жойлашиб, бу бозорнинг янги маҳсулотларини топиш ва сотиш, сотиш ва фойда ҳажмини ошириш имконини беради.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг доирасида бизнес-жараёнларни ташкил этишга ўтишни назарда тутади, бу эса маҳсулот истеъмолчилари билан ўзаро муносабатлар билан бошланиб ва тугайдиган операциялар кетма-кетлигини англатади.

Тадбиркорлик менежментида учта муҳим омил: корхонанинг янги ташкилий тузилмаси, замонавий ахборот технологиялари, ходимларнинг унумдорлик ва ишбилармонлик фаоллигини оширишга қаратилган салоҳиятни ривожлантириш дастури. Шунингдек, янги қадриятларни ва эътиқодларни рағбатлантириш усусларини излаб, керакли хатти-ҳаракатларни кўллаб қувватлаш керак. Бу ерда, биз тадбиркорлик менежментининг маданияти ҳақида сўз юритмоқдамиз, шунга мувофиқ корхона ходимлари

<sup>52</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

ташаббускорликка интилиши, рискни қабул қилишга, ўзгаришларга мослашибашга тайёрлиги алоҳида ўрин туради.. Муҳими, ташкилий ва бизнес маданияти ишонч, ҳурмат (мижозлар, етказиб берувчилик, ҳамкаслар) принциплари ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш тамойилларини қурилса бўлди.

Тадбиркорлик менежменти корхоналарда тадбиркорлик фаолиятининг муҳим омили сифатида бошқарувчининг шахсига нисбатан алоҳида талаблар кўяди. М. Портер бир вақтнинг ўзида икки турдаги рақобатбардош афзалликларга эга эканлигини кўрсатди: паст харажатлар (жами ишлаб чиқариш ва транзакцияларда) ва "етакчилик сифати" бўйича ноёб ихтиносослашув<sup>53</sup>.

Менежернинг вазифаси маҳсулот харажатлари ёки сифатидаги муайян устунликларга эришишга қаратилган ўзгаришларда муҳим ўринга эга бўлишидир (кўпчилик компанияларда менеджер етакчи раҳбар эмас, балки маъмуриятчи). Бунинг сабаби шундаки, бошқарувни марказизлаштириш ва унинг даражасини пасайтириш бозор кучи тобора кўпроқ бўйсуниши билан, яъни ишни тақсимлаш эмас, балки функционал тарзда тугалланган бизнес жараёнларини амалга оширишга асосланган маълум мижозларнинг талабларини бажаришга қаратилган ташкилий қайта қуролланишдир.

Тадбиркорлик менежменти тизимининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги расмда қўриш мумкин. Бу бошқарувнинг ушбу турдаги жараёнларини, функцияларини ва усулларини бирлаштирувчи бошқарувнинг сифатини англатади.

Шуни хulosа қилиш мумкинки, замонавий бизнес уч босқичли бошқарув тизимидағи асосий рол корхонада бизнесни бошқариш, бизнесни бошқариш соҳасидаги билим ва қўникмалар, бошқарувни ўзгартириш, ўрганиш ва ривожланиш, етакчилик каби малакали бошқарув функциялари билан бошқарилади.

---

<sup>53</sup> Портер, М. Международная конкуренция / М. Портер. - М.: Междунар. отношения, 1993



**Расм 1.3. Тадбиркорлик менежменти тизимининг асосий параметрлари<sup>54</sup>**

Тадқиқот натижасида бизнеснинг уч босқичли бошқарув тизимини тадбиркорлик менежментининг асосий усулларини аниқланди. Аввало, бу:

- бошқарувнинг янги фалсафаси (барча тизимлар ва фаолият турларининг сифатини ошириш жараёнида етакчилик учун доимий ва узлуксиз истак);
- кўркув билан курашиш (унинг юқори раҳбаридан чўчиш натижасида ҳар қандай киши билан у билан тўғри ҳамкорлик қила олмаслиги);
- тўсиқларни йўқ қилиш (турли функционал кичик гурухлардан одамларни бирлаштириш);
- ходимларга ўз ишлари билан фахрланишга, сифатли ишларга қизиқиш кўрсатишга имкон бериш;
- илмга бўлган иштилишни рағбатлантириш рақобатдошликка эришиш йўлида муваффакиятли ривожланишнинг манбаи ҳисобланади.

Тадбиркорлик менежменти самарадорлигини белгиловчи тамойиллари куйидаги жадвалга кўрсатилган.

<sup>54</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

### Жадвал 1.3.

#### Тадбиркорлик менежменти тамойиллари

Тамойиллар	Кисқача мазмуни
Ўз-ўзини бошқариш	Қоидалар ва процедураларни мижозлар билан бевосита ишлайдиган менежерларнинг эркин ва аниқ чегаралари билан тез ва самарали қарор қабул қилиш учун ўзгартериш.
Самарадорлик учун жавобгарлик	Зарур ходимларни жалб қилиш ва мижозлар билан ишлашга тайёр ходимларни ривожлантириш ва бизнес муваффакиятини аниqlайдиган натижаларга эришиш учун жавобгар бўлиш.
Менежернинг ваколати	Мижозлар билан бевосита ишлайдиган менежерларга ваколат ва масъулият делегацияси
Тармоқ тузилиши	имкон қадар кўп кичик бизнесни ташкил қилиш (тезкор вертикал ва горизонтал ахборот алмашуви билан мустақил бўлинмалар)
Бозор назорати	Буюртмачи билан мижоз ўртасида тузилган шартномалар натижасида пайдо бўладиган бозор шароитлари марказлаштирилган назорат ўрнини эгаллайди ва ўзларининг натижалари учун масъул бўлади
Қўллаб-қувватланган етакчилик	Сизнинг бошқарув услугингизни ўзингизнинг менежерларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ўқитишга йўналтириш
Нисбий мақсадлар	Нисбий (мутлақ эмас) мақсадлар стратегик ва молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун бир қатор асосий кўрсаткичлар ва ташқи стандартларга асосланган бўлиши керак
Мослашувчан стратегиялар	Менежер мустақил фикрлаши ва "мижозлар қадриятларини" етказиб беришнинг янги усулларини кашф қилиши, ҳатто янги турдаги бизнесларни яратиш имкониятини яратиши лозим.
Огоҳлантириш тизимлари	Менежерларнинг тижорий фаолиятига таъсир кўрсатадиган ўзгаришларни эрта огоҳлантириш
Ресурслардан фойдаланиш	Ички бозор моделини қўллаш, унда ички бўлинмалар – корхона доирасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар ўз хизматларини мижозлар бўлимларига сотадилар
Тарқатилган бошқарув	Маҳаллий даражадаги батафсил маълумот билан бир вақтнинг ўзида бошқарувнинг барча

	даражалари учун фаолиятни кенг тарқатиш ва ундан юқори -
Мотивация ва мукофотлаш	Жисмоний шахслар эмас, балки гурухларга алоҳида эътибор берадиган нисбатан қўрсаткичлар асосида самарадорликни баҳолаш (ўзаро муносабатларни такомиллаштириш ва барча корхоналарни тўғри йўналишда ҳаракатланишини таъминлаш)

Шунингдек, тадқиқотларимиз, тадбиркорлик менежменти тизимининг навбатдаги параметрларни ажратиб бериш имконини берди: ташкилот, режалаштириш, назорат қилиш, мотивация. Уларнинг барчаси замонавий корхонанинг уч босқичли бошқарув тизимида ўзига хос хусусиятларга эга. Демак, мотивацияда менежмент, фойда, мол-мулқда (айниқса, бизнес жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлган) иштирок этаётган ходимлар алоҳида ўрин тутади.

Тадбиркорлик менежменти тизимида ахборот, коммуникация, ечимлар ва маданият боғловчи элементлардир.

### I-боб бўйича хулосалар

1. Тадбиркорлик – шахсий даромад, тижорат мақсадда фойда олишга қаратилган шахсларнинг мустақил фаолиятидир. Бу тадбиркорлик, ўз мулкий масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти ҳисобига амалга оширилади. Тадбиркор қонунчилик томонидан таъқиқланмаган барча хўжалик фаолиятининг ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш, харид, харид қилиш, консультация бериш, қимматли қофозлар билан амалиётларни олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

2. Тадбиркорлик шахсий ва тижорат мақсадларни кўзлаб даромад олиш учун харажат қилинаётган маблағлар билан амалга ошилилаётган фаолиятдир. Бу тушунчада тадбиркорлик асосан муайян фаолият билан шуғулланиш давомида бевосита ижтимоий йўналишдаги фаолиятларни амалга ошириши кераклиги таъкидланган.

3. Тадбиркорлик фаолияти учун муҳим бўлган ишбилармонлик муҳитини шакллантириш эса бошқариш мумкин бўлган жараён ҳисобланади. Шу билан бирга, бошқарув усули маъмурӣ-буйруқбозлик кўринишида бўла олмайди. Уларнинг асосан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қиладиган тадбир эмас, балки бу каби субъектларнинг шаклланишига етарли шароитларни таркиб боптиришдан иборат бўлиши керак. Шунга кўра, ишбилармонлик муҳитига ўзаро мувофиқ ва мутаносиб тарзда шаклланган ҳамда уйғунликда амал қилувчи таркибий қисмларнинг мажмуи сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

4. Республика қайд этилган 550 мингга яқин тадбиркорлик субъекти мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг сезиларли қисми кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётгани, шунингдек, республикамиздаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисмини иш билан таъминламоқда.

5. Ўзбекистон республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги пф-4947-сон фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича белгиланган вазифаларни ижро этишда, бизнес ва давлат ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизmlарини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, вилоятлар ва туманларда бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига, биринчи навбатда, вилоят, шаҳар ва туман кесимларида сифатли давлат хизматлари тақдим этишга эришиш давлат ва хўжалик органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг бу борадаги ҳамкорлигини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини дастлабки даврлариданок қўллаб-қувватлашнинг энг самарали тизимни шакллантириш талаб қиласди.

6. Мамлакатимиз учун тадбиркорликни моделлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг сабаби мамлакатимизда менежментнинг назарий ва

амалий ривожланишида катта муваффақиятларга эришмаганлиги билан боғлик. Монополикка асосланган маъмурий бошқарув тизимида узоқ йиллар давомида менежментга паст муносабатда бўлган психология ва мотивация принципларига асосланган. Бундан ташқари, саноат ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш бўйича мутахассисларни малакасини оширишга этарлича эътибор берилмади. Натижада, барча даражадаги мутахассисларнинг тадбиркорлик маданияти юқори эмас.

7. Тадбиркорлик менежментининг роли, унинг ташкилий тузилмаси ва ваколатлар тақсимотидаги роли паст баҳоланишидадир. Натижада, методик жиҳатдан тадбиркорликни бошқариш моделлаштиришнинг кўплаб масалалари талаб жавоб бермай қолди. Ташқи муҳитда вазиятнинг фаол ўзгарувчанлиги кучайди, бу йирик бизнеснинг асосий фаолият йўналишларини танлашга кучли таъсир кўрсатмоқда.

8. Тадбиркорлик менежментида етарли даражада эътибор берилмаслиги, унинг тадқиқоти учун муҳим методологик ва назарий шартлар мавжуд. **Тадбиркорликда рақобатбардошликтини бошқариш самарадорлигини ва моделлаштиришни баҳолашга оид илмий изланишларнинг зарурлиги тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш амалий саноат ва тижорат фаолиятларига билан тўғри келади.** Бу борадаги ижтимоий-иқтисодий билим ва амалиёт ўртасидаги зиддиятнинг мавжудлиги. Бу охирги ҳолат биринчи навбатда маъмурий-режа моделидан бозор-тадбиркорлик моделига кескин бурилиш билан боғлик.

9. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг кучайиши билан рақобат муҳити ҳам кучая боради. Кучли рақобат муҳитига бардош бериш учун ишлаб чиқариш жараёнига техникавий янгиликларни жорий этиш заруриятини тутдиради ва оқибатда рискни кўпайтиради.

10. Бундай ҳолда рискни баҳолаш ва унинг натижасида кутилаётган заарларни олдини олиш муҳим ҳисобланади.

11. Рисксиз бизнес бўлиш мумкин эмас. Риск тадбиркорнинг фаолият юритиш бўйича қарор қабул қилишдаги мустақиллигининг маҳсулидир.

12. Корхоналар фаолиятини узоқ муддатли режалаштиришда ташқи рискларни таҳлил қилишга, хусусан, рақобатлик устунлигини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қиласидилар. Бозор иқтисодиётида барча иқтисодий субъектлар фаолияти рақобатлилик тамойилига асосланади. Дунё мамлакатларида ракобат муҳити давлат томонидан тартибга солинади ва бу иқтисодиёт ресурсларини оптимал фойдаланиш имконини беради. Шуни ҳам қайд этиш керакки, рақобат муҳитида фаолияти самарасиз бўлган корхоналар инқирозга учрайдилар.

13. Сўнгги йилларда қабул қилинаётган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиғи тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини таъминлаш, бизнесни ташкил этиш ва юритишда ёрдам кўрсатиш, давлат хизматларини тақдим этиш, шу билан бирга, ишбилармон-муҳитни ривожлантиришга йўналтирилган тадбиркорлар билан ахборот айирбошлиш қулай усулларини татбиқ қилишга шароит туғдиради ва республикамизда хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорликни янада тараққий эттирилиши, хорижий инвестициялардан янада кенгроқ қиритиш ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг жағон бозорига чиқаришга хизмат қиласи.

## **П-боб. Ўзбекистон тадбиркорлик тизимида рақобатбардошликтини бошқариш асосида миллий иқтисодиётни ривожлантириш**

### **2.1. Ўзбекистон тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигига тадбиркорликни йириклаштиришнинг замонавий тизимлари**

Ташқи бозорга интеграция Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш шартларидан биридир, чунки, одатда, бу савдо ҳажмини ошириш, қўшимча даромад олиш, капитал қийматини ошириш, шунингдек мамлакат ишлаб чиқарувчиларини олдида бир қатор янги вазифаларни ҳал қилишга олиб келади. Мамлакат иқтисодиётини ташқи иқтисодий соҳаси жадал ривожланаётганига қарамай, мамлакат иқтисодий имкониятларини тўла намоён қилиш учун тизимли ёндашувларни талаб этади.

Айниқса, ўзгарувчан молиявий – иқтисодий муҳит миллий иқтисодиётнинг ривожланиш омилларига ўз таъсирини ўтказиши натижасида бир томондан иқтисодий ресурслар ва савдо бозорларини эгаллаш учун мамлакатлар ўзаро рақобатнинг кучайиши, иккинчи томондан эса, мисол учун, Марказий Осиё мамлакатларининг рақобатбардошлик имкониятларини ошириш мақсадида турли туман халқаро ташкилотларга иштирок этиши кузатилмоқда. Бу каби интеграцион жараёнларнинг кучайиши иқтисодиётнинг ривожланиши учун салбий кўриниш олиб, мамлакатимизни турли молиявий ва иқтисодий ресурслар манбаидан фойдаланиш имконини чеклаб қўймоқда.

Шунингдек, интеграцион жараёнларда компаниялар ўз манфаатларидан, аввало бозорларда етакчиликни ушлаб қолиш нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда, турли мамлакатларда жойлашган компаниялар билан шерикчилик муносабатлари ривожлантирилиб, ўзаро рақобатлашиш, стратегик шерикчилик асосидаги компаниялар ташкил қилинмоқда. Сўнгги ўн йилликларда интеграциялашув жараёнини янада чуқурлашуви туфайли АҚШ, Европа ва Осиёда турли фирмалар ва банкларнинг ўзаро қўшилишларини кузатиш мумкин. Бундай тартибдаги битимлар халқаро характерга эга бўлиб,

халқаро тадбиркорликда янги тенденцияни, яъни трансмиллий компанияларнинг ташкил топишига асос бўлди<sup>55</sup>.

Бу каби компанияларнинг тузилиши, таркиби ва ихтисослашуви турли туман бўлсада, ушбу бирлашмаларнинг негизини йирик капитал ташкил этади. Демак, миллий тадбиркорликда молиявий ва саноат капиталини концентрация қилмасдан иқтисодиётни кўтариш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш мушкул. Хусусан, мисол учун саноат ишлаб чиқариш корхоналарига сезиларли миқдорда молиявий ресурслар киритиш эвазига капитал сифими юқори бўлган йирик лойиҳаларда иштирок қилиши мумкин. Чунки саноат ишлаб чиқариши катта миқдорда капитални жалб қилиш ва зарур тармоқларга йўналтиришнинг самарали ташкилий шаклларидан ҳисобланади. Саноат корхоналарининг янги технологияларга инвестиция киритиши натижасида илмий техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиги тезлашади<sup>56</sup>.

Компаниялар фаолиятини молиялаштиришда тижорат банклари ҳам ҳар бир мижоз учун бўлган рақобат шароитида ишлаб чиқариш тармоқларига катта эътибор қаратадилар. Шу билан бирга тижорат банклари рискларни камайтириш мақсадида компанияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишга ҳамда корхонанинг бошқарув жараёнига фаол иштирок қилишга интилади. Замонавий тадбиркорлик тузилмаларининг ташкилий жиҳатлари бундай имкониятни таъминлайди. Чунки тижорат банклари тўғридан тўғри маблағ киритиш билан бирга катта миқдордаги акцияларни харид қилишдан манфаатдор бўладилар. Молиявий ва саноат тузилмаларнинг бирлашишига асосий мотив кафолатланган молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб, бизнесда қатор молия саноат гурухларининг шаклланиши саноат компанияларида стратегик мақсадларни ҳал қилиш заруриятидан келиб чиқади<sup>57</sup>.

<sup>55</sup> Бортова М.П. Современные проблемы транснационализации производства и капитала // [www.cfin.ru/management/200-3/13.shtml](http://www.cfin.ru/management/200-3/13.shtml)

<sup>56</sup> Ерошкин А. Механизмы государственной поддержки инноваций: зарубежный опыт // Мировая экономика и международные отношения, 2011, № 10

<sup>57</sup> Косолапов. М. Глобализация: сущность и международно-политические аспекты // Мировая экономика и международные отношения, 2001, № 3.

Тадбиркорликни йириклаштиришда ташаббус саноат ёки банк томонида бўлиши қатъий назар истиқбол режаларини асосли бўлиши, ҳисобкитобларнинг аниқлиги, давлат органлари томонидан қўллаб – қувватлаши шарт.


Бу каби тадбиркорлик тузилмасини шакллантиришда ташкилий тузилманинг шаклини танлашнинг муҳим жиҳатларидан саналади. Чунки янги тузилманинг қулай шакли бошқа турли тузилмалар билан ишлаб чиқариш заруриятлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш имконини беради. Айниқса, халқаро тадбиркорлик йирик молия-саноат гуруҳ фаолиятини самарали ташкил қилиш ва молиявий ресурслар ҳаракатини таъминлашда турли туман акционерлик жамиятлари тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади<sup>58</sup>.

Айнан бундай тузилмалар юқори технологик ишлаб чиқаришни нисбатан тез ва кам маблағ сарфлаб ташкил қилиш имконига эга, одатда вертикал корпоратив равишда ўзаро боғланган илмий тадқиқот муассалари, савдо фирмалари, банклар, инвестицион фонdlар кўринишида бўлиб, бунда ресурсларни жамғариш, ишлаб чиқариш масштаби эвазига тежамкорликка эришилади.

Молия – саноат гуруҳларини ривожланаётган бозорларда белгиланиш шарт-шароитлари қуйидаги расмда келтирилган:

---

<sup>58</sup> Шимаи. М. Роль и влияние транснациональных корпораций в глобальных сдвигах в конце 20 столетия // Проблемы теории и практики управления. 1999. № 3. С. 27.



## **2.1-расм. Молия – саноат гурухларини ривожланаётган бозорларда белгиланиш шарт-шароитлари.**

Тадбиркорликда молия - саноат гурухларини ташкил қилишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, гурухнинг иқтисодий, ташкилий, технологик ва интелектуал салоҳияти интеграцияси натижасида инвестицион ресурсларни мақсадли йўналтирилади ва юқори самарали ишлаб чиқаришга эришилади.

Айнан шунинг учун йирик тадбиркорликнинг бундай шакли ишлаб чиқаришнинг истиқболли тармоқларини ривожлантириш, саноатда таркибий ўзгартириш сиёсатини амалга оширишнинг амалий дастаги ҳисобланади. Молиявий ресурслар ва илмий-ишлаб чиқаришнинг сезиларли қисмини йирик бизнесда тўплаш товар ва хизматларга бўлган давлат эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Шундай қилиб, молия - саноат гурухларни қуидаги тамойиллар асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир:

- йирик ҳажмдаги ишлаб чиқаришда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвестициялар ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар ва технологияларни жорий этиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни

ишлаб чиқаришнинг аҳамияти нихоятда каттадир;

- йирик ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг асосий тури бу синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз риски ва маблағлари билан иштирок этади. Айниқса, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган ҳар бир манба ўз қийматига эга, яъни молиявий ресурсдан фойдаланганлик учун тўлов тўланади;

- йирик ишлаб чиқаришни ташкил қилишининг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб бу усуллардан фойдаланиши мумкин.

- молия-саноат гурухлари ташкил қилиш, аввола, унинг ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ва узоқ муддат мобайнида амалга оширилиши билан изоҳланади.

- ривожланаётган мамлакатларда молия - саноат гурухларининг инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш ва шу асосда чет эл инвестициясини фаол жалб этиш, худудлар, тармоқларнинг инвестицион жозибадорлик рейтингини таҳлил этиш, баҳолаш муҳим. Бу ерда, асосан, чет эл инвестициясини миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича тўғри жалб этишнинг тизимини шакллантириш ва молия-саноат гурухларини устувор даражада реал секторга жалб қилиб, бу соҳадаги стратегик аҳамият касб этувчи инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтириш зарур.

- Замонавий шароитларда инвестиция капиталини ресурслари манбалари ичida тижорат кредити стратегик жиҳатдан алоҳида аҳамиятга касб этади. Сабаб, янги бозорни ўзлаштириш шароитида йирик бизнес компанияларининг ўз маблағ манбалари ҳажми юқори эмас, чунки, мазкур маблағлар жорий мажбуриятларни қоплаш учун ишлатилади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўйсада, йирик бизнеснинг молиялаштириш манбаларини шакллантиришда молия - саноат корхонанинг ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятларини янада

шакллантириш зарур бўлиб, инвестиция фаоллигининг барқарорлигидан далолат беради.

Катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришга сармоя киритиш учун маълум миқдордаги пул маблағлари ёки инвестиция манбаларининг мавжудлиги ёки тўпланиши керак. Бунинг учун тижорат банкларида маблағ тўплаш ва улардан иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида капитал йўналишини таъминлаш учун фойдаланиш мумкин. Бу, авваламбор, банкларнинг инвестиция фаолиятидаги иштирокини оширишни талаб қилади.

Банклар фойда олиш мақсадида реал активларни яратиш ё уларга эгалик қилиш, молиявий активларни сотиб олиш учун инвестицияларни инвестор сифатида киритади. Аммо банклар молиявий воситачи вазифасини ҳам бажаради. Бунда улар хўжалик субъектлар ва мамлакат иқтисодиётининг эҳтиёжларини қондиради. Банклар инвестицион фаолиятининг мазкур йўналиши ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Демак, миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалик тизимига интеграциясини кучайиши натижасида: биринчидан, миллий иқтисодиёт хўжалик субъектлари қўшимча молиявий ресурслар ва янги ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлади; иккинчидан, маҳаллий корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигининг ўсишини таъминлайди.

Йирик ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш манбаларини шакллантиришда молия - саноат корхонанинг ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятларини янада шакллантириш зарур бўлиб, инвестиция фаоллигининг барқарорлигидан далолат беради.

Молия-саноат гурӯхлар фаолиятини ташкил қилиш мамлакат равнақини ҳамда аҳоли фаровонлиги таъминлашда ва миллий иқтисодиётни юксалишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Тадбиркорликда йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

Ўтган асрнинг 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб аср охирига келиб, “ТМК компанияларнинг сони 7 мингдан 40 мингга қадар ошди ва энг йирик 500 та трансмиллий корпорация жаҳон савдосининг 70 фоизини назорат қилмоқда”<sup>59</sup>. Шунингдек, ушбу давр оралиғида “йирик бизнес замонавий кўриниш эга бўлиб, миллий ва халқаро монополиялар шаклланди”<sup>60</sup>. 2018 йил маълумотлар кўра ҳам трансмиллий компаниялар халқаро тадбиркорликнинг асосий бўғини сифатидаги ўрнини тўла оқламоқда. Йирик ТМКларнинг топ йигирмалигининг ялпи тушуми 2017 йилда 4308,0 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 4,5 фоизга ўсди, шу билан ТМКларнинг фойда кўрсаткичи деярли барча компанияларда ижобий натижага эга бўлди. Айниқса жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатларини ортда қолдирган Exxon Mobil (400,4 млрд. АҚШ долл.), Chevron (232,5 млрд. АҚШ долл.), Apple (416,6 АҚШ долл.) фойда кўрсаткичлари бошқа ТМКларга қараганда сезиларли даражада юқори бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти даражасида молиявий ва саноат капиталини концентрация қилмасдан миллий иқтисодиётни кўтариш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш мушкул. Тадбиркорлик фаолиятида диверсификация жараёни етакчи тенденцияга эга бўлмоқда. Йирик бизнеснинг “савдо фаолияти ишлаб чиқариш, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа турдаги бизнес фаолияти билан тўлдирилмоқда ва айнан соҳаларга юқори суръатларда инвестициялар йўналтирилмоқда”<sup>61</sup>.

<sup>59</sup> Евстигнеев В. Финансовая глобализация - явление и методологический инструмент// Мировая экономика и международные отношения, 2001, № 3, с.74

<sup>60</sup> Адам Ш. М. Место и роль транснациональных корпораций в современной мировой экономике // Молодой ученый. — 2017. — №11.

<sup>61</sup> Козякин П.В. Влияние транснациональных корпораций на развитие процесса глобализации мировой экономики // Российское предпринимательство» № 8 Вып. 1 (189) за 2011 год, стр. 4-9.

## 2.1-жадвал

### **Тадбиркорликда йирик трансмиллий компанияларнинг ўрни, 2017-2018 йиллар, млрд. АҚШ доллари**

<b>№</b>	<b>Компания</b>	<b>Мамлакат</b>	<b>Тушумлар</b>	<b>Фойда</b>	<b>Активлар</b>	<b>Бозор қиймати</b>
1.	ICBC	Хитой	134,8	37,8	2 800	237,3
2.	Хитой қурилиш банки	Хитой	113,1	30,6	2 241	202
3.	JPMorgan Chase	АҚШ	108,2	21,3	2 359,1	191,4
4.	General Electric	АҚШ	147,4	13,6	685,3	243,7
5.	Exxon Mobil	АҚШ	420,7	44,9	333,8	400,4
6.	HSBC Holdings	Буюк Британия	104,9	14,3	2 684,10	201,3
7.	Royal Dutch Shell	Нидерландия	467,2	26,6	360,3	213,1
8.	Хитой қишлоқ хўжалик банки	Хитой	103,0	23,0	2 142,20	150,8
9.	Berkshire Hathaway	АҚШ	162,5	14,8	427,5	252,8
10.	Petro China	Хитой	308,9	18,3	347,8	261,2
11.	Хитой банки	Хитой	98,1	22,1	2 033,8	131,7
12.	Wells Fargo	АҚШ	91,2	18,9	1,423	201,3
13.	Chevron	АҚШ	222,6	26,2	233	232,5
14.	Volkswagen гурухи	Германия	254	28,6	408,2	94,4
15.	Apple	АҚШ	164,7	41,7	196,1	416,6
16.	Wal-Mart Stores	АҚШ	469,2	17,0	203,1	242,5
17.	Газпром	Россия	144	40,6	339,3	111,4
18.	BP	Буюк Британия	370,9	11,6	301,0	130,4
19.	Citigroup	АҚШ	90,7	7,5	1 864,7	143,6
20.	Petrobras	Бразилия	144,1	11,0	331,6	120,7
20.	Samsung Electronics	Корея Республикаси	187,8	21,7	196,3	174,4

*Манба: forchune.com сайти маълумотлари асосида тайёрланди.*

Йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари сезиларли миқдорда молиявий ресурслар киритиш эвазига капитал сифими юқори бўлган йирик лойиҳаларда иштирок этиши мумкин. Чунки йирик саноат ишлаб чиқариши йирик капитални жалб қилиш ва зарур тармоқларга йўналтиришнинг самара-ли ташкилий шаклларидан ҳисобланади. Йирик саноат корхоналари янги технологиялар-га инвестиция киритиши натижасида илмий техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқи тезлашади. Шуни ҳам қайд этиш

керакки, 2008-2009 йилларда молиявий-иктисодий инқироз етакчи давлатларнинг инновацион соҳадаги дастурлари фаолияти кучайишига тўртки бўлди”<sup>62</sup>.

Йирик компаниялар фаолиятини мо-лиялаштиришда тижорат банклари ҳам ҳар бир мижоз учун бўлган рақобат шароитида ишлаб чиқариш тармоқларига катта эътибор қаратадилар. Шу билан бирга тижорат банклари рискларни камайтириш мақсадида ком-панияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишга ҳамда корхонанинг бошқарув жараёнида фаол иштирок этишга интилади. Йирик бизнес тузилмала-рининг ташкилий жиҳатлари бундай имкониятни таъминлайди. Чунки тижорат банклари тўғридан-тўғри маблағ киритиш билан бирга катта миқдордаги акцияларни харид қилишдан манфаатдор бўладилар. Йирик молиявий ва саноат тузилмалари бирлашишига асосий мотив кафолатланган молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб, “бизнесда йирик молия-саноат гурухларининг шаклланиши саноат компанияларида стратегик мақсадларни ҳал қилиш заруратидан келиб чиқади”<sup>63</sup>.

Йирик ишлаб чиқариш тузилмасини шакллантиришда ташкилий тузилманинг шаклини танлаш муҳим жиҳатлардан саналади. Чунки янги тузилманинг қулай шакли турли тузилмалар билан ишлаб чиқариш заруратига кўра, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга имкон беради. Тадбиркорликка асосланган йирик молия-саноат гурухлари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва молиявий ресурслар ҳаракатини таъминлашда турли-туман акционерлик жамиятлари тузиш мақсадга мувофиқ.

Россиялик олим А.Полонская фикридан келиб чиқиб, акционерлик жамиятларининг бошқа хўжалик шаклларига нисбатан қатор устунликларини ажратиб кўрсатиш мумкин<sup>64</sup>. Уларда жумладан:

<sup>62</sup> Ерошкин А. Механизмы государственной поддержки инноваций: зарубежный опыт. // Мировая экономика и международные отношения, 2011, № 10, с.21

<sup>63</sup> Косолапов М. Глобализация: сущность и международно-политические аспекты. // Мировая экономика и международные отношения, 2001, № 3, с.69

<sup>64</sup> Полонская А. Особенности и проблемы американской инновационной модели // Общество и экономика, 2012, №11

- технологик жиҳатдан бир бутун занжирсимон хўжалик тузилмаси ташкил қилинади;
- савдо операцияларида тежамкорликка эришилади;
- риск даражасини камайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имкониятлари юзага келади;
- солик имтиёзларига эга бўлиш мақсадида йиғма хисоботлар шакллантирилади;
- бозор позицияларини мустаҳкамлаш, маҳсулотлар, хизматларнинг муайян турлари бўйича монопол даражасига чиқилади.

Давлат турли хўжалик субъектларини қўллаб-куватлашда энг самарали ишлаб чиқариш субъектларига эътибор қаратиши муҳим. Айниқса, “инновацияни рафбатлантириш иқтисодиётга ижобий таъсир қиласди”<sup>65</sup>. Биринчидан, табиий равища ишлаб чиқариш жараёнига янги технологиялар кириб келади, иккинчидан инновация катта микдордаги янги корхоналарни пайдо бўлишига, янги тармоқларни ривожланишига, янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлади.

Чунки, инновацион тузилмалар юқори технологик ишлаб чиқаришни нисбатан тез ва кам маблағ сарфлаб ташкил қилиш имконига эга. Одатда вертикал корпоратив равища ўзаро боғланган илмий тадқиқот муассасалари, савдо фирмалари, банклар инвестицион фонdlар қўринишида бўлиб, бунда ресурсларни жамғариш, ишлаб чиқариш кўлами эвазига тежамкорликка эришилади.

Молия - саноат гурухлари ривожланаётган бозорларда қуидаги шартшароитлар билан белгиланади:

- саноатда хусусийлаштириш жараёнларида монополиядан чиқариш ва таркибий қайта қуришни бирлаштириш;
- саноатга инвестиция киритишнинг янги тизимини яратиш эҳтиёжи;

---

<sup>65</sup> Шимаи М. Роль и влияние транснациональных корпораций в глобальных сдвигах в конце 20 столетия. // Проблемы теории и практики управления. 1999, № 3, с. 27.

- бозор шароитида ўз-ўзини ривожлан-тириш имконига эга тузилмаларни шакллан-тириш;

- саноатга инвестиция киритиш имко-нига эга бўлган тижорат банклари сони ва молиявий маблағлар ҳажмининг ошиши;

- саноатга юқори технологиялар ва фан-техника ютуқларини киритишида ва таркибий ҳамда молиявий инвестицион инқирознинг мавжудлиги;

Тадбиркорликда молия - саноат гурухларини ташкил қилишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, гурухнинг иқтисодий, ташкилий, технологик ва интелектуал салоҳияти интеграцияси натижасида инвестицион ресурслар мақсадли йўналтирилади ва юқори самарали ишлаб чиқаришга эришилади. Айнан шу боис йирик ишлаб чиқаришнинг бундай шакли ишлаб чиқаришнинг истиқболли тармоқларини ривожлантириш, саноатда таркибий ўзгартириш сиёсатини амалга оширишида амалий дастак ҳисобланади. Молиявий ресурслар ва илмий-ишлаб чиқаришнинг сезиларли қисмини йирик бизнесда тўплаш товар ва хизматларга бўлган давлат эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Банклар фойда олиш мақсадида реал активларни яратиш ёки уларга эгалик қилиш, молиявий активларни сотиб олиш учун инвестицияларни инвестор сифатида киритади. Аммо банклар молиявий воситачи вазифасини ҳам бажаради. Бунда улар хўжалик субъектлари ва мамлакат иқтисодиётининг эҳтиёжларини қондиради. Банклар инвестицион фаолиятининг мазкур йўналиши ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Демак, иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимиға интеграцияси кучайиши натижасида биринчидан, хўжалик субъектлари қўшимча молиявий ресурслар ва янги ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлади; иккинчидан, маҳаллий корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлиги ўсишини таъминланади.

## **2.2. Тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини бошқаришда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган сиёsat**

Жаҳон хўжалик тизимиға интеграция жараёнларини чуқурлаштириш ривожланаётган мамлакатлардан миллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиши талаб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Гап Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий давлатлар бозорларига экспорт қилишга ҳар жиҳатдан амалий кўмаклашиш ҳақида бормоқда”<sup>66</sup> деб таъкидлагани мамлакатимизда амалга оширилаётган ташқи иқтисодий сиёsatининг устувор йўналишларини кўрсатиш билан бирга, бугунги кундаги дунёдаги кўплаб давлатлар, хусусан, ривожланган мамлакатларнинг ташқи сиёsat фаолиятида айнан шу масалага энг устувор аҳамият берилаётганлиги билан изоҳланади.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш ривожланаётган мамлакатлардан ташқи савдони фаоллаштиришнинг турли ёндашувлардан самарали фойдаланишини талаб этади. Одатда, мамлакатлар ташқи савдода икки хил ёндашувдан бирини танланган ҳолда кенг фаолият юритишлари мумкин.

Бунга асосий омил ривожланаётган давлатлар учун иқтисодий ривожланишида ташқи бозорнинг муҳим аҳамиятидир. Барча давлатлар ислоҳотлар бошланишида ташқи бозор, жаҳон конъюнктурасида шаклланаётган вазиятларни инобатга олишади, лекин улар ташқи савдода ҳар хил йўналишлар танлашади.

Импорт ўрнини босиш – маҳаллий ишлаб чиқаришни импорт қилинадиган саноат товарлари ва технологиялар ўрнини босиш йўли билан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишни давлат ва хўжалик

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташки ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишиланган йиғилишдаги нутқи // <http://president.uz/uz/lists/view/1423>

юритувчи субъектларнинг иқтисодий стратегияси ва саноат сиёсатининг кўринишидир. Импорт ўрнини босиш сиёсатининг мақсади ишлаб чиқариш соҳасини янги маҳсулотлар ва самарадорлигини ошириш орқали маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлиқ даражасини кўтариш ҳисобланади<sup>67</sup>.

Рақобатбардошликни бошқаришда импорт ўрнини босиш стратегиясини юқори савдо тўсиқлари кўйиш орқали импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда импортга квота, лицензия ва тарифлар жорий этиш, чет эл маҳсулотлари ўрнига маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланишга талаб ўрнатиш, импорт учун валютадан фойдаланишни чегаралаш ва бошқа турли усуслардан фойдаланилади<sup>68</sup>.

Ривожланаётган мамлакатлар импорт ўрнини босиш стратегиясини танлашда ишлаб чиқариш асосларини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишга ҳам эътибор қаратади. Ташқи омиллар таъсирида ишлаб чиқариш ресурслари кўпроқ хизматлар соҳасига жалб этилиши орқали ўзгариб кетиши мумкин. Лекин, ички ишлаб чиқарувчи ўз вақтида ташқи ишлаб чиқарувчи билан рақобат қилмас экан, унинг рақобатбардошлиги анча пасайиб кетади ва бу ҳодиса амалиётда жуда кўп учрайди. Шу аснода, импортни чегараловчи сиёsat натижасида қишлоқ хўжалиги ва баъзи бир соҳалар ривожланмай колади, бу, ўз навбатида, экспортга салбий таъсир кўrsатади<sup>69</sup>.

Рақобатбардошликни бошқаришда импорт ўрнини босиш стратегияси ривожланиш жараёнига икки томонлама қаралади: аввало, меҳнат ресурсларига нисбатан юқори талабга эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланади. Бунда кўлам самараси муҳим бўлмай, қўшимча ишлаб чиқаришни ташкил этишга зарурият сезилмайди. Бунга асосан, енгил саноат тармоқларини киритиш мумкин. Сўнгра, узоқ муддатли йирик миқдорда капитал қўйилмаларга эҳтиёж бўлган кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб

<sup>67</sup> Захарченко Е.А. Задачи стратегии импортозамещения с учетом мирового опыта. Economics. № 2 (11) / 2016

<sup>68</sup> [https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text130451\\_import\\_urnini\\_bosish\\_sari](https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text130451_import_urnini_bosish_sari)

<sup>69</sup> <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/44649-import-ornini-bosuvchi-mahsulotlarni-ishlab-chiqarishga-yonaltirilgan-siyosat>

чиқариш тармоқлари ривожланади. Бундай шароитда айрим мамлакатларда йирик капитал жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланишда қатор муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бунга сабаб, ишлаб чиқаришнинг қўлам самараасига боғлиқлиги, ички бозорнинг торлиги ва минтақавий бозорлар шакллантиришдаги қийинчиликлар бўлади. Натижада ишлаб чиқариш монополлашади, чунки ички бозорнинг қўламишинг пастлиги бошқа ишлаб чиқаришлар пайдо бўлишига тўсқинлик қиласди. Импорт ўрнини босиш жараёнида пошлинадан фойдаланган ҳолда божхона тариф инструментлари ҳамда квоталар нотариф тартибга солиш, маҳсулот киритишини лицензиялаш, мамлакат ичкарисида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни субсидиялаш ва бошқа тадбирлар<sup>70</sup>.

Импорт ҳажмини қисқартиришнинг яна бир сабаби – маҳаллий маҳсулотни харидорбоп қилиш, ички бозорни хорижий товарлар экспансијасидан ҳимоялаш, миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлаштириш ҳисобланади.

Импортга чегара қўйиш туфайли янги иш жойлари ташкил қилиниши мумкин. Масалан, 1996 йилда Ўзбекистонда “ЎзДэу” корхонаси ишга туширилиши ҳисобига бир неча минг янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Таҳлилларга кўра, сўнгги уч йил ичида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига 100 дан ортиқ гурӯҳ товарларнинг импорти бутунлай тўхтатилган. Шахта вагонеткалари, вакуум насослар, кўтарма кранлар, ўтга ва кислотага чидамли материалларнинг айрим турлари, хар хил қурилиш жиҳозлари, сэндвич панеллар, сунъий синтетик газонлар, шиша банкалар, бутилкалар, крахмал, нон маҳсулотлари учун ачитқилар шулар жумласидандир. Телевизор, совутгич ва музлатгич, ёритиш мосламалари, чангютгич, автомобиль фильтрлари ва радиаторлари, пўлат қувурлар, керамик плиталар, синтетик толаларнинг айрим турлари, тиббиёт ампулалари, полиграфик бўёқлар, болалар ўйинчоқлари, спорт анжомлари каби жами

<sup>70</sup> Папахчян И.А., Лисовская Р.Н. Возможности импортозамещения и экспортноориентирования отраслевой экономики // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского ГАУ, 2015, №111

350 дан ортиқ турдаги маҳсулотни четдан келтириш 2 баравардан зиёдга камайган.

Күшимча иш жойлари яратиш мақсадида ҳам импортта чегара қўйилди. Лекин бу билан боғлиқ бошқа муаммолар келиб чиқиши мумкин. 1930 йилнинг июнида АҚШ конгресси навбатдаги инқирозни олдини олиш мақсадида кучли божхона қонунларини қабул қиласди ва ушбу қонунлар асосида Европадан импорт кескин қисқаради. Бундан қарор бошқа мамлакатларни АҚШга нисбатан қатъий чора кўришига олиб келди ва оқибатда АҚШ экспорти кескин камайди.

Давлатнинг ташқи савдога араласиши сабабларидан яна бири – саноатлашишdir. Кейинги вақтларда бир қатор олимларнинг фикрига кўра, кўпчилик давлатлар протекционизм сиёсатини қўллаб-қувватлашнинг сабабларини ажратиб кўрсатадилар<sup>71</sup>:

–одатда, саноатни ривожлантиришга қаратилган уринишлар ишлаб чиқаришлар ҳажмини ўсишига олиб келади, қишлоқ хўжалигини аҳамияти паст;

–саноат тармоқларида чет эл инвестицияларини киритишни кенгайтириш орқали иқтисодиётнинг ўстириш;

–тайёр маҳсулотларнинг нарх-навоси хом-ашёнинг нархларига нистабан тезроқ ўсади..

Давлат томонидан имортта тўсиқларни қўйилишидан мақсад четдан олиб келинадиган маҳсулотни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишидир. Бу билан эса тармоқни протекционизм чоралари билан ҳимоялашни тақозо этади. Агар ҳимоялананаётган тармоқ вақт ўтиши билан самарадорликка эришмаса, у ҳолда нарх ва солиқ миқдори қанча вақт юқори бўлиб туриши номаълум. Бундан ташқари, асосий асбоб-ускуналар ва материал техник қурилмалар иморт қилиниши зарур бўлганлиги учун валютани тежалиши минимал бўлади. Бунга бир қатор Жанубий-Шарқий Осиё

---


<sup>71</sup> Вавилова Е.В., Бородулина Л.П.. Международная торговля. М.: ГАРДАРИКИ, 2006

мамлакатлари тажрибаси мисол бўлиши мумкин. Ушбу мамлакатлар импорт ўрнини босувчи ёки экспортга мослашган ривожланиш сиёсатини қўллаш натижасида қисқа вақт ичиде актив тўлов балансига эришиб, иқтисодий ўсиш суръатларини юқори бўлишини таъминлашга эришдилар. Саноатлаштириш бошлангич вақтларда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, сўнгра ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳисобига маҳсулотни экспортга мослаштириш мумкин бўлди.

Шундай қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётида мустаҳкам ўрин олишга интилган мамлакат томонидан танланган протексионистик чора-тадбирлар миллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ҳамда турли даврлар оралиғида давлатнинг ўзига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Рақобатбардошликтин бошқаришда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегияси бир қарашда импортни чеклаш, ички ишлаб чиқарувчиларни ташки бозордаги йирик рақобатчилардан ҳимоялаш сифатида қаралса ҳам, пировардида саноат ишлаб чиқариш базасини шакллантириш орқали экспортни ривожлантиришга кўмак берувчи сиёsat сифатида қараш мумкин.

Рақобатбардошликтин бошқаришда саноат тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ва миллий иқтисодиётда диверсификация, маҳаллийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши, моддий-техника таъминотини янада мустаҳкамлаш мамлакат саноат ишлаб чиқаришини ривожланишига шароит тўғдирди.


1995 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1990 йилга нисбатан 0,2 фоизга камайганига қарамай, 2000 йилдан бошлаб (1990 йилга нисбатан) ўсиш 1,2 м., 2005 йилда – 1,8 м., 2010 йилда – 3,0 м. ва 2019 йилда эса 5,3 м. ошганини кўрсатмоқда.



**2.2-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари динамикаси**

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари кўра 2019 йилда жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳаси - 22,3 % (2018 йилга нисбатан физик ҳажм индекси ўсиши - 19,9 %), металлургия саноатининг улуши - 22,0 % (2018 йилга нисбатан физик ҳажм индекси ўсиши 6,9 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 16,1 % (2018 йилга нисбатан физик ҳажм индекси ўсиши 5,7 %), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 16,1 % (2018 йилга нисбатан физик ҳажм индекси ўсиши 8,5 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш - 9,7 % (2018 йилга нисбатан физик ҳажм индекси ўсиши 4,0 %) ни ташкил этди<sup>72</sup>.

<sup>72</sup> <https://www.stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/3.pdf>



**2.3-расм. 2016-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудларнинг улуши, фоизда**

Рақобатбардошликтин бошқаришда импорт ўрнини босиш давлат дастурининг асосий вазифа ва йўналишлари импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳалари орқали амалга ошириш мумкин. Бу борада маҳаллийлаштириш дастурига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтисодий лугатда “Маҳаллийлаштириш” (инглиз тилида “Localization” лотин тилининг “locus” сўзидан олинган бўлиб, “жой, макон” маъноларини ифодалайди) – муайян бир жойга тегишли бўлмоқ, тарқалиб

кетишни чеклаш, меъёр ва чегараларни қуриш” деб таърифланган. А.М.Вазъянский ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳақида қўйидаги фикрни билдиради: “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – асл ҳорижда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни бошқа мамлакат ҳудудида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёни”<sup>73</sup>. Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ этишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш жойларини яратиш имконини беради. Рақобатбардошликтин бошқаришда импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари қўйидаги мезонларга тўғри келиши керак: импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маҳаллий хомашё ресурслари ва етарли ишлаб чиқариш қуввати мавжудлиги; маҳсулотга ички ва ташқи бозорда талабнинг мавжудлиги; худди шундай маҳсулотнинг импорти мавжудлиги; тимпорт ўрнини босувчи маҳсулотнинг нархи, импорт қилинаётган ўхшаш маҳсулотдан юқори бўлмаслиги (транспорт харажатлари, солиқ ва божхона тўловларини ҳисобга олган ҳолда); лойиҳа амалга оширилганда қўшимча янги иш ўринлари яратишилиши. Импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда импорт ўрнини босиш сиёсати кўпгина мамлакатларда олиб борилмоқда. Фикримизча, меркантилистларнинг асосий қарашлари ички бозорни ташқи бозор маҳсулотларининг кириб келишидан ҳимоялаш ва мумкин қадар ўз

---

<sup>73</sup> Кузнецов В.П., Вазъянский А.М. Локализация производства как инструмент повышения экономической эффективности организации / Вестник Череповецкого Государственного Университета.

маҳсулотларини сотишга қаратилган. Бу ҳам импорт ўрнини босиши механизмларининг бирига мисол бўла олади<sup>74</sup>.

Саноат кооперацияси асосида амалга оширилаётган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 714 та лойиҳа бўйича 15,0 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 457,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 1092 та янги иш ўринлари яратилди. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан лойиҳалар сони камайишига қарамай, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 1,5 мартаға, шу билан бирга уларнинг экспорти ва яратилган иш ўринларини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан камайганлигини кузатиш мумкин.

2018 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 94,0 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 135,8 % ни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 35,1 % ни ташкил этган бўлса, ҳисбот даврида бу кўрсаткич 41,1 % гача ошди. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмини

---

<sup>74</sup> Бобојонов Б.Р., Мингишов Л.Ў. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ракобатбардошлигини оширишда импорт ўрнини босувчи ракобатбардош саноат маҳсулотларининг ўрни. [http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/20\\_B\\_Bobojonov.pdf](http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/20_B_Bobojonov.pdf)

ошишига қўшма корхоналарнинг қўшган ҳиссаси 12,3 % ни ташкил этди, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни имконини берди<sup>75</sup>

## **2.2-жадвал**

### **2016-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>	<b>2018 йил</b>	<b>2019 йил</b>
1.	Лойиҳалар сони	695	799	714	839
2.	Корхонлар сони	287	343	297	340
3.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм	6145,8	9860,6	14999,4	21750,7
4.	Маҳсулотлар экспорти, млрд АҚШ доллари	425,7	512,4	457,8	549,4
5.	Яратилган янги иш ўринлари	1510	3018	1092	10038

Шу билан бирга, маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 2019 йилда Андижон (3,3 марта), Навоий (2,2 марта), Жиззах (2,0 марта), Наманган (169,4 % га), Сирдарё (111,0 % га), Фарғона (109,7 % га), Тошкент (102,5 % га) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (2,3 марта) ва Тошкент шаҳрида (136,6 % га) ошиши кузатилди.

2018 йилнинг январ-декабр ойларида маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2016 йилнинг мос даврига нисбатан солиштирилганда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида камайиши кузатилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорти ҳам 2017 йилнинг тегишли даври билан солиштирганда 20,4 фоизга ошиши кузатилди. Ўз навбатида, экспортнинг энг

<sup>75</sup> <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/3.pdf>

кўпроқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси (республика экспортининг умумий ҳажмига нисбатан 73,3 %) Тошкент шаҳрига (15,1 %) ва Андижон вилоятига (8,9 %) тўғри келади.

Умуман олганда, 2019 йили маҳаллийлаштириши кенгайтириш хисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш бўйича аниқ чоратадбирлар оширилган. Хусусан, республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг юқори ўсиш суръатларига еришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 839 та лойиха бўйича 21,8 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб жами саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 6,6 % ни ташкил этди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 549,4 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди жами республика экспорт ҳажминиг 3,1 %ни ташкил этди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2019 йил январь-декабрь ойларида 10 038 та янги иш ўринлари яратилди ўтган йилнинг мос даври билан таққослагандан янги ташкил этилган иш ўринлари сони 9,2 марта ошди. Шу билан бирга, 2018 йил январь-декабрга нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни экспорт ҳажмининг 91,6 млн.АҚШ долларига ошгани таъкидлаш лозим<sup>76</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев

Маҳаллийлаштириш дастури ва импортни қисқартириш режаси ижросини чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий баҳолади. 2017 йилда 948 та маҳаллийлаштириш лойиҳасидан 176 таси бўйича ишлаб чиқариш бошланмагани, 218 таси бўйича эса ишлаб чиқариш прогнози бажарилмагани кўрсатиб ўтилди<sup>77</sup>.

Масалан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 77 та лойиҳаси бўйича 206 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмаган.

<sup>76</sup> <https://www.stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/3.pdf>

<sup>77</sup> <http://president.uz/uz/lists/view/1515>

“Ўзбекозиқовқатхолдинг”да 12 та, “Ўзавтосаноат”да 17 та, Тошкент шахрида 65 та, Тошкент вилоятида 65 та лойиха етарли даражада бажарилмаган<sup>78</sup>.

Импортни қисқартириш режаси 88 фоизга бажарилгани танқидий таҳлил қилинди. 2017 йилда 185 миллион долларлик, жорий йил январь ойида эса 65 миллион долларлик шундай маҳсулотлар импорт қилинган<sup>79</sup>.

Масалан, 2017 йили “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан 9 млн. АҚШ долларлик светодиод чироқлар, прожекторлар ва бошқа товарлар, “Ўзбекнефтегаз” тизимиға 2 миллион долларлик пўлат қувур, кабель, иситиш қозони, электродлар, “Ўзбекэнерго” томонидан 800 минг долларга пўлат сим ва енгил автомобиль олиб келинган<sup>80</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Тармоқлар учун зарур ускуналар ва тез ишдан чиқувчи бутловчи қисмларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида 10-15 йилдан буён гапирамиз. Лекин, ташаббус ва амалий ҳаракат йўқ. Бир қатор соҳа раҳбарлари маҳаллийлаштиришни ўйламаяпти, зарур маҳсулотни осонгина четдан олиб келиб қўяяпти. Бунга ҳозирги рақобат шароитида мاشаққат билан топилаётган, иқтисодиётнинг асоси бўлган валюта маблағлари сарф бўлиб кетмоқда<sup>81</sup>» таъкидлаб, маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш учун берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг натижадорлиги ҳам таҳлил қилинди.

Айрим товарлар бўйича божхона тўловлари асосиз тайинлангани натижасида юртимизда ишлаб чиқарилган баъзи товарлар нархи импорт қилинганига нисбатан юқори бўлмоқда. Масалан, тўқимачилик саноати учун импорт қилинадиган тайёр ускуналар барча божхона тўловларидан озод этилган. Аммо, шу ускунани ишлаб чиқариш учун бутловчи қисм импорт қилинадиган бўлса, 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи тўланади<sup>82</sup>.

<sup>78</sup> <http://president.uz/uz/lists/view/1515>

<sup>79</sup> <http://president.uz/uz/lists/view/1515>

<sup>80</sup> <http://president.uz/uz/lists/view/1515>

<sup>81</sup> <http://president.uz/uz/lists/view/1515>

<sup>82</sup> <https://president.uz/uz/1515>

Солиқ имтиёзларида ҳам муайян муаммолар бор. Шу боис 2018 йил 1 апрелдан бошлаб, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича имтиёзлар тўхтатилди. Ҳар хил нопок корхоналарнинг Маҳаллийлаштириш дастурига кириб олиб, солиқ тўлашдан қочиши учун энди имконият бўлмайди. Маҳаллийлаштириш дастурига иқтисодиёт учун ҳақиқатда зарур бўлган лойиҳалар киритилиб, қатъий назоратга олинади<sup>83</sup>.

Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишида масъул вазирликларнинг ваколатлари ҳамда функциялари аниқ белгилаб берилган тизимни ташкил этиш бўйича қабул қилинган хукумат қарорларининг ижросини мантиқий охирига етказиш бунга имкон беради. Унда қуидаги масалалар<sup>84</sup>:

- янги экспортбоб ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлами ишлаб чиқарилишини ташкил этиш яъни иқтисодиёт учун жуда зарур бўлган, хорижий мамлакатлардан келтириладиган маҳсулотлар ўзимизда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашни ўзлаштириш;
- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришда тизимли ишлами амалга оширишда аниқ тадбиркорлик субъектларини манфаатдорлигини ошириш амалдаги механизми ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашни ўзлаштириш;
- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришда тизимли ишлами амалга оширишда аниқ тадбиркорлик субъектларини манфаатдорлигини ошириш амалдаги механизми ташкил этиш;
- чет-эл маҳсулотларини сотиб олиш ва келтириш учун сарфланаётган валюта маблағларини тежаш;

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишлиган йигилиши. <https://president.uz/uz/1515>

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишлиган йигилиши. <https://president.uz/uz/1515>

- ишлаб турган корхоналами модемизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш;
- янги иш ўринларини яратиш, яъни, минглаб фуқароларни муқим иш жойлари билан таъминлаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда халқаро стандартларни ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлилигини ошириш масалалари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Фикримизча, рақобатбардошликни бошқаришда импортни тиклаш сиёсатини амалга оширишда юзага келадиган муҳим масала - янги лойиҳаларни амалга оширишнинг ҳозирги шартлари ва хусусиятларидир. Шу муносабат билан бир неча асосий муаммоларни эътиборга олиш муҳим. Биринчидан, молиявий ресурслар муаммоси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. Импорт ўрнини босиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш муҳим молиявий инвестицияларни талаб қиласи, бу эса компаниянинг жаҳон капитал бозорига кириш чекловлари билан мураккаблашади.

Иккинчидан, мамлакатда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган талабнинг мавжудлиги. Импорт ўрнини босиш жараёни импортнинг ўрнини тўлдирадиган соҳаларда суръат юқори эмас: миллий маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан импорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ бўлган сотиш хавфи мавжуд.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг мураккаблигига, янги технологиянинг мавжудлиги ёки эҳтиёжига ва ресурс базасининг мавжудлигига қараб, 1-2 йилдан 3-5 йилгача бўлиши мумкин. Бундан ташқари, импорт ўрнини босиш натижасида яратилган маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари жиҳатидан энг яхши дунё намуналарига тўлиқ мос келиши аниқ эмас.

Келгусида корхоналар миллий маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига ишонишлари учун алмаштириш учун вақт керак бўлади. Натижада, қисқа ва ўрта муддатли истиқболда истеъмолчилар валютанинг ўзгаришига қараб

ўзгариб турадиган хорижий ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиб олишга мажбур бўлишмоқда.

Учинчидан, корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратадбирлар натижасида ички бозорда рақобатни сусайиши билан муаммоси. Айирбошлиш курси ўзгариши ва ташки рақобатни чеклаш ички бозорда ишлаб чиқаришнинг муайян турларини ижобий ривожлантириш учун шароит яратди.

Шу муносабат билан, айрим лойиҳаларни корхоналарни маҳсулот турларини жойлаштиришга асосланган қўшимча импорт ўрнини босадиган индустриализацияни амалга ошириш бозорда сунъий жойлаштириш ва рақобатни камайтиришга олиб келиши мумкин, бунда бозор кучи таъсирида мувозанатли ва ривожланган бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, техник жиҳатидан мураккаб импорт товарларни миллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш муаммоси. Ушбу соҳаларда Ўзбекистон маҳсулотларига нархларнинг ўсиши хорижий компонентлар ёки импорт қилинадиган хом ашё ва асбоб-ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳаллий товарлар нархининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунга алоҳида шуни қайд этиш керакки, валюта курслари билан доимги ўзгариши инфляция таъсирида харажатларни ошиб бориши натижасида қўшимча нарх кўтарилишига олиб келадиган импортга боғланиб қолган корхоналарга ва турли тармоқлар учун катта риск туғдиради.

Жаҳон кичик ва ўрта бизнеси аста-секин коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловлар режимидан чиқмоқда. Кўпчилик учун бу оғир давр бўлди: тадбиркорлар, янги воқеликка мослашишлари керак бўлди. Кичик бизнес эгалари ва бизнес уюшмаларининг вакиллари коронавирус уларни ўз бизнесига янгича қарашга, ишлаб чиқаришни бошқа йўналтиришга ёки ҳатто фаолиятнинг мутлақо янги ва кутилмаган йўналишларини кашф этишга мажбур бўлдилар.

БМТ маълумотларига кўра, микро, кичик ва ўрта корхоналар меҳнатга лаёқатли жаҳон аҳолисининг қарийб 70 фоизини ишлайди ва глобал ЯИМнинг

50 фоизини ташкил этиб, барча корхоналарнинг қарийб 90 фоизини ташкил қиласди<sup>85</sup>.

2017 йилда БМТ янги байрамни - 27 июнь куни нишонланадиган Микро, кичик ва ўрта корхоналар кунини белгилади. Одатда 250 кишидан ортиқ бўлмаган ишлайдиган ушбу корхоналар кўпчилик иқтисодиётларнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда кенг қамровли ишлар натижасида сўнгти ўн йилда ялпиички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 31,1 фоиздан 55,8 фоизгача, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 49,7 фоизидан 74,5 фоизигача ўсди. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши ахоли умумий даромадининг 47 фоизидан ортигини ташкил этади. Ушбу соҳадаги корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтани ташкил этди<sup>86</sup>.

Пандемия даврида кўпгина давлатлар ҳукуматлари пандемия даврида ёрдам чоралари сифатида корхоналар ва аҳолига тўғридан-тўғри субсидиялар ажратишни танладилар.

Ўзбекистонда инқироз таъсирини юмшатиш бир қатор тадбирлар амалга оширилди: кичик бизнес ва фермер хўжаликларига ижтимоий солиқ ставкаси 12%дан 1%га туширилди, 3 ой давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилди, инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қоплаб берилди<sup>87</sup>.

Кўпинча, қўллаб-қувватлаш чоралари самарасиз, чунки ушбу масалага ҳар томонлама ёндашиш ва кичик ва ўрта бизнес иштирокчиларининг фикрини инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш муҳимдир.

Шундай қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётида мустаҳкам ўрин олишга интилган мамлакат томонидан амалга оширилаётган

---

<sup>85</sup> <http://www.worldbank.org>

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари. Monetary-Policy-Guidelines-2019\_2021.pdf (cbu.uz)

<sup>87</sup> Президент бизнес ва ахолини қўллаб-қувватлаш бўйича янги чораларни эълон қилди – Газета.uz (gazeta.uz)

чора-тадбирлар миллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ҳамда турли даврлар оралиғида давлатнинг ўзига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегияси бир қарашда импортни чеклаш, ички ишлаб чиқарувчиларни ташки бозордаги йирик рақобатчилардан ҳимоялаш сифатида қаралса ҳам, пивовардида саноат ишлаб чиқариш базасини шакллантириш орқали экспортни ривожлантиришга кўмак берувчи сиёsat сифатида қараш мумкин.

### **2.3. Тадбиркорлик рақобатбардошлигини бошқаришда хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлари қўллаб-куватлаш тизимининг амалий жиҳатлари**

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнининг кучайиши билан бир қаторда турли мамлакатларда жойлашган компаниялар ўртасида ҳам ўзаро савдо-иктисодий алоқалар ривожланиб боради. Бу каби иқтисодий ҳамкорлик турли мамлакатлардаги компанияларни мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви даражаси унинг жаҳон хўжалик тизимидағи тутган ўрнига боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодиёти таркибий қисми бўлган миллий иқтисодиётимиз халқаро меҳнат тақсимоти ва глобаллашувнинг имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш ташки савдони фаол амалга ошириш учун имкониятлар яратди.

Иқтисодий ислоҳотларни миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини изчил олиб борилиши натижасида мамлакат ташки савдоси ва унинг таркибида муҳим ўзгаришлар юз берди. Сўнгги йилларда соф экспортнинг барқарор ижобий кўрсаткичлари кузатилмоқда. Мазкур ўзгаришлар бир қанча ташки ва ички омиллар натижасида юзага келди. Уларга жаҳон конъюнктурасининг ўзгариши ва миллий валюта курсининг ўзгаришини қайд этиш мумкин.

Ушбу давр оралиғида ташки савдонинг товар тузилмасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Мамлакат экспорти таркибида хом-ашё товарлари

улушининг камайиб бориши кузатилди. Экспорт ва импорт жарёнига жалб қилинган мамлакатлар таркибида катта ўзгаришлар ташки савдони диверсификациялаш зарурати ва бошқа объектив омиллар орқали кўринади.

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини бошқаришда таркибий ўзгаришлари ва экспорт диверсификациясида эришилган ютуқларга қарамай, ҳозирги кунда ушбу соҳада қатор муаммолар мавжуддир. Булар биринчидан, мамлакат экспортида хом-ашё товарларининг улуси сезиларли, иккинчидан мамлакат экспорт салоҳиятидан тўла фойдаланмаётганлигидандир.

Ташки савдони назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, энг аввало, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ечишга боғлик. Иқтисодий сиёsatнинг ушбу муаммоларини ечишдаги асосий йўналиш инвестицион иқлимини яхшилаш ва тўғридан-тўғри сармоялар оқимини рағбатлантирувчи шароитларни яратишидир.

Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш миллий иқтисодий сиёsatнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Хорижий инвестицияларнинг қуликлари шундан иборатки, у экспортни кенгайтириш учун технологияларни импорт қилиш, етакчи компанияларнинг савдо белгиси, ноу-хауси, трансмиллий компанияларнинг жаҳон бозорига чиқиш каналларидан фойдаланиш имкониятини беради. Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар мамлакатнинг турли тармоқлари кенг ривожланишига тўртки беради ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхона билан рақобатдан қўшимча ижобий самара олиш эҳтимоллиги ҳам шунча юкори бўлади.

Шу боис мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирокидан максимал фойда олиш, импортни рационаллаштириш ва экспортни диверсификациялаш импорт ўрнини босувчи сиёsatдан экспортга йўналтирилган сиёsatга ўтишни талаб қиласди. Ушбу ўтиш ҳам экспорт, ҳам импорт сиёsatини либераллаштириш, иқтисодиётда рақобат муҳитини

яратиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий ва институционал ислоҳотларни чуқурлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон импорт сиёсатини либераллаштириш импортни тартибга солишининг ҳам тариф, ҳам нотариф усулларини либераллаштиришни англатади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда импортни тартибга солишининг муҳим инструменти сифатида импортни соликқа тортиш намоён бўлади.

Импорт ва маҳаллий маҳсулотларга акциз солигининг унификацияси, шунингдек, акциз солигига тортиладиган маҳсулотлар рўйхати ва унинг ставкаларини қайта кўриб чиқиши мавжуд ресурсларнинг тақсимоти ва ишлатилиши самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади.

Импортни назорат қилишининг муҳим инструментларидан бири техник тўсиқлар ҳисобланади. Техник меъёрлар, стандартлар, текширув жараёнлари ва сертификациялаш савдода ортиқча тўсиқларни яратмаслиги, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини туширмаслиги керак.

Экспортни либераллаштириш ва ташқи савдо операциялари самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши ташқи савдо ҳисобкитоблари тизимини такомиллаштириш мақсадида экспорт – импорт операцияларини миллий валютада амалга оширишни кенгайтириш чора – тадбирларини кўриш.

Ўзбекистонда хорижий тўғридан тўғри инвестициялар оқимининг ошишига таъсир қилувчи асосий омиллар арzon, лекин малакали ишчи кучи ва бой табиий ҳамда қишлоқ хўжалиги ресурсларининг мавжудлиги, бозорнинг узоқ муддатда қизиқарлилиги ҳамда мамлакатда инвестицион муҳитни яхшилаш учун олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳисобланади. Шу қаторда, сиёсий ва мақроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий сармояли корхоналарга имтиёзлар ва рағбатларнинг яхлит тизимини яратиш, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг ҳукуқий асосини шакллантириш ҳамдир.

Бугунги кунда республикадаги инвестиция мухити миллий иқтисодиётдаги айрим масалалар ечими мухим ҳисобланади.

- республикадаги макроиктисодий масалалар ва иқтисодий ўсиш суръатлари;
- ҳукумат ва давлат идораларида бюрократия даражаси;
- инвестицияларни самарали ўзлаштириш учун зарур инфратузилмани ривожлантириш, шу қаторда транспорт ва коммуникация билан боғлиқ масалаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда инвестиция бозорининг тез суръатларда ривожланишига таъсир кўрсатувчи алоҳида омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин: миллий иқтисодиётда ислоҳотларни чуқурлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш дастури ёрдамида импортни қисқартириш ва экспорт салоҳиятини ошириш; инвестициялар молиялаштиришда тижорат банкларининг ресурсларидан самарали фойдаланиш; молиялаштириш корхоналарнинг ички имкониятларини кенг ишлатиш билан бирга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ва бошқалар.

Тадбиркорликни шакллантириш ва уни қўллаб қувватлаш давлатнинг стратегик сиёсатини асосий йўналишларидан бири бўлиб, ушбу сиёсатнинг мухим жиҳатларидан бири аҳолини иш билан бандлигига ҳамда даромад манбаи сифатида намоён бўлишидир. Чунки, “... мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик мухитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда”<sup>88</sup>.

---

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-июндаги ““Хар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” ПҚ-3777-сонли қарори. // <http://lex.uz/pdfs/3772869>

Тадбиркорлик тизимини қўллаб-куватлаш, унинг халқаро тадбиркорлик тизимига интеграциясини таъминлаш Европа Иттифоқи мамлакатлари учун ҳам аҳамиятлидир.

Европа Иттифоқида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб кувватлашдан асосий мақсадларига ички ягона бозор тизимини мустаҳкамлаш, кичик корхоналарни халқаро бозорга олиб чиқиш, бошқарув тизимидағи турли тўсиқларни олиб ташлаш киради. Шу жиҳатдан олганда сўнгги йилларда иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилаётган Испания тажрибаси ўзига хос жиҳатларини қайд этиш лозим<sup>89</sup>.

Испанияда ўрта ҳисобда 1000 кишига 58 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари тўғри келади. Товар ишлаб чиқаришда ва аҳоли бандлигини таъминлашда Испания кичик ва ўрта бизнеси муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқида Испания кичик бизнес субъектларининг аҳолини иш билан таъминлашлари энг юқори ўринларда туради. Ҳозирда камдан кам йирик саноат компанияси якка ҳуқуқий шахс сифатида фаолият олиб боради. Испанияда корхоналар фаолияти “икки қатламли” (бозор-корхона) тарзида ишлайди. Испанияда кичик ва ўрта тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг 64,0 фоизи аҳоли бандлигини, маҳсулот ҳажмининг эса 65,0 фоиздан юқори қисмини таъминлайди. Испанияда кичик бизнес субъектларини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан бир қатор имтиёзли кредитлар тизимини ичига олган юздан ортиқ дастурлар ишлаб чиқилган<sup>90</sup>

Барча босқичдаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб – кувватлашга қаратилган ташкилотлар энг йириклари бўлиб *Испания тадбиркорлик қўмитаси* (CEOE) ва *Испания кичик ва ўрта тадбиркорлик қўмитаси* (Серуме) ҳисобланади. CEOE 1977 йили ташкил топган. У ўзида 1 миллиондан ортиқ иқтисодиётнинг барча соҳаларида (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, ҳизматлар соҳаси) фаолият юритаётган испан фирмаларини ва корхоналарини

<sup>89</sup> Данилов И.П., Алексеев М.Ю. Инновационное развитие как фактор конкурентоспособности экономики // Проблемы современной экономики. 2012, № 2

<sup>90</sup> [www.spain.org.ru](http://www.spain.org.ru)

бириктиради.<sup>91</sup> Қўмитанинг аъзолари 2 мингдан ортиқ турли ассоциациялар, конфедерациялар, федерациялар ҳамда 200 дан ортиқ минтақавий тадбиркорлик бирлашмалари ташкил этади. Испанияда ишчи-ҳодимлар сони 249 нафардан ошмайдиган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 99,8 фоизини маъсулияти чекланган жамиятлар ташкил этади. Шу сабабли маъсулияти чекланган жамиятлар Испания иқтисодиётидаги кичик ва ўрта бизнес соҳаларидаги энг юқори аҳамиятга эга.

Шунингдек, Испанияда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш ва молиялаштириш ташкилотлари қўйидагилардан иборат:

1. Dirección General de Política de PYME. (Испания Иқтисодиёти Министрлиги кичик ва ўрта тадбиркорлик сиёсати соҳасидаги йўналиш) Бу ташкилот асосан бутун иқцодиётнинг умумий активлигини ошириш ҳисобига кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини кўтаришга ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган.

2. ICO (Давлат кредитлаш институти).

Бу ташкилот ўзини икки йўналишда кўрсатади, бир томондан молиялаштириш давлат агентлиги бўлса, иккинчи тарафдан эса, инвестициялар ва тараққиёт банки сифатида намоён бўлади. Асосан уч хил йўналишни молиялаштиради:

- Испания инвестицияси билан чет эл корхоналарини молиялаштириш;
- саноат ва транспорт соҳасидаги режаларни;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаларини молиялаштириш;

3. COFIDES

Мақомига кўра бу ташкилот акционерлик уюшмасидир. Унинг акционерлари сифатида турли давлат ташкилотлари ва 5 та тижорат банки қатнашади. Бу ташкилот асосан ривожланаётган давлатлардаги Испания корхоналарини молиялашлаштириш билан шуғулланади.

---

<sup>91</sup> [www.spain.org.ru](http://www.spain.org.ru)

#### 4. CDTI

Бу давлат ташкилоти янги технологиялар ишлаб чиқаришни қўллаб кувватлайди. Асосан бу ташкилот Испаниядаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига янги технологиялар жалб қилиш учун молиялаштиради. Испанияда кичик бизнесни ривожланириш учун турли жамғармалар мавжуд. Испанияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз кўлами билан иқтисодиётни узлуксизлигини ва барқарорлигини таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётга таъсир кўлами бир қатор иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олади. Биз фақатгина иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар қуйидагилар:

- иш жойларини ташкил этишдаги мавқеининг юксаклиги. Ўтган 10 йил ичида Испания статистика қўмитасининг ахборотига кўра янги иш жойларининг ярмидан кўпи 100 кишидан кам ходим ишлаётган корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Тез ўсуви фирматар янги фирмаларнинг 27,0 фоизини ташкил этиб улар 60,0 фоизи янги иш жойларини яратишда қатнашмоқдалар. Шу билан бирга кичик бизнесда ҳосил қилинган иш жойларининг хусусиятлари мавжуд:

- иш хақи ва қўшимча тўловлар, имтиёзларнинг нисбатан пастлиги. Иш жойларини қарийиб 25,0 фоизи тўлиқ бўлмаган иш куни тартибида шаклланади. Уларда ишловчилар таркибининг турли-туманлиги, яъни маълумоти етарли бўлмаган, нисбатан ёш ёки нафақа ёшида бўлганларнинг салмоғини кўплиги билан ажралиб туради.

- татбиқ қилинган янги товарлар ва хизматларнинг 87,0 фоизи кичик бизнесда амалга оширилган. Бу ўта муҳим кўрсаткичdir. Ваҳолангки, кичик бизнес мамлакат бўйича изланишлар ва тадқиқотларга йўналтирилган маблағларнинг атиги 12,0 фоиздан камроғини сарфлайдилар.

Хитой Халқ Республикасида рақобатбардошликни оширишда иқтисодий ўсишининг ўзига хос хусусиятлари ва инвестицион иқлим:

Ўзбекистоннинг жаҳон турли мамлакатлари билан савдо-иқтисодий муносабатлар кенгайиши, айниқса, Хитой Халқ Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда.<sup>92</sup>.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритган. 2017 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси ҳажми 5,0 миллиард долларни ташкил қилди<sup>93</sup>. Хитой бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа товарларга талаб катта. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон учун Хитойда амалга оширилган иқтисодий сиёsat тажрибаси катта аҳамият эга. Хитой мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш мақсадида, 2001 йилнинг декабрида Жаҳон Савдо Ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиб, бу билан ташқи савдога тегишли барча боғлиқ чеклов ва мажбуриятларни бекор қилди. Натижада Хитой иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, хусусан тўғридан тўғри инвестицияларнинг кириб келиш кескин ошиб, маҳсулотлар экспортини ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Агар 2003 йилда экспорт ҳажми 325,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2260,0 млрд. АҚШ долларига етди. Шунингдек, соф экспортда ҳам кескин ўзгариш қузатилди, 2003 йилда 30,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2018 йилда экспорт ва импорт ўртасидаги соф фарқ 429,0 млн. АҚШ долларидан иборат бўлди.

---

<sup>92</sup> [www.xs.uz](http://www.xs.uz)

<sup>93</sup> <http://president.uz/uz/lists/view/1771>

## 2.3-жадвал

### 2003-2018 йилларда Хитойнинг иқтисодий кўрсаткичлари

Йиллар	Номин.ЯММ, млрд. АҚШ долл.	ЯММ ўси- ши, %	Экспорт ҳажми, млрд. АҚШ долл.	Импорт ҳажми, млрд. АҚШ долл.
2003	1641,0	10,0	325,6	295,3
2004	1931,6	10,1	436,1	397,4
2005	2256,9	11,3	583,1	552,4
2006	2712,9	12,7	752,2	631,8
2007	3494,2	14,2	974,0	777,9
2008	4520,0	9,6	1435,0	1074,0
2009	4990,5	9,2	1204,0	954,3
2010	5878,3	10,4	1578,0	1327,0
2011	6989,0	9,3	1899,0	1741,0
2012	8250,0	7,7	1818,0	1653,0
2013	8939,0	7,6	2210,0	1772,0
2014	10360,0	7,3	2244,0	1808,0
2015	11380,0	6,7	2143,0	1576,0
2016	11390,0	6,6	2011,0	1437,0
2017	12014,6	6,9	2260,0	1840,0
2018	12050,6	6,5	2354,0	1925,0

*Манба: Хитой Миллий Статистика Бюроси маълумотлари*

2018 йилга келиб Хитой номинал ялпи миллий маҳсулоти 12,0 триллионга АҚШ долларига етиб, ҳажм нуқтаи назарига кўра жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторига кириб олди. 2003 йилдан бошлаб экспортдаги ўсиш суръатлари 20 фоиздан кам бўлмаган натижани қайд этиб келмоқда. Шуниси эътиборлики, Хитой давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 30-31 фоизга teng ривожланган йирик мамлакатларга қиёслаганда жуда яхши кўрсаткичdir.

Хитой иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар асосан саноат амалга оширилиши саноат ишлаб чиқаришини жадал ўсишига олиб келди, буларниг барчаси бевосита миллий савдо тизимининг эркинлаштириш орқали эришилгани кўриш мумкин. Қуйидаги жадвалда 2003-2018 йиллар орасидаги саноат кўрсаткичлари берилган.

#### **2.4-жадвал**

##### **Хитой саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, %**

Йиллар	Ўсиш суръатлари, %
2003	30,4
2004	17,1
2005	29,5
2006	22,9
2007	13,4
2008	9,3
2009	9,9
2010	11,0
2011	13,0
2012	7,9
2013	7,7
2014	7,3
2015	7,0
2016	6,1
2017	6,3
2018	6,0

*Манба: Хитой Миллий Статистика Бюроси маълумотлари*

Ўтган йиллар мобайнида Хитой саноатида нафақат миқдорий ўзгаришлар балки таркибий ўзгаришида сифат ўзгаришлари ҳам кузатилди. Ундан ташқари электроника, кимё саноати, автомобилсозлик каби соҳаларида

Хитой ташқи савдода нисбий устунликларга эриша бошлади. 1990 йиллардан бошлаб Хитой экспортида электроника ва машинасозлик саноати товарлари ишлаб чиқарилишида асосий ўрин тута бошлади. Шунингдек, Хитой енгил саноатида тўқимачилик асосий ўрин тутиб, миллий иқтисодиётнинг асосий устунларидан бирига айланиб улгурди. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш Хитой экспортининг бешдан бир қисмини ташкил этгани ҳолда, қишлоқ жойларида 20 млн. кишини иш билан таъминлаб келмоқда<sup>94</sup>.

Экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатни олиб боришда тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиб иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошиши таъминланди. Айниқса, Хитойда тўғридан тўғри инвестицияларни юқори технологик соҳаларга жалб этишга катта эътибор қаратилиб, компьютер ва ахборот коммуникация технологиялар соҳасида жаҳон савдосида нисбий афзалликка эришди. Бу йиллар давомида олиб борилган тизимли равишда амалга оширилган ислоҳотлар натижасидир.

Хитой хукуматининг хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган сиёсати туфайли, у нафақат хом-ашё борасида, балки юқорида қайд этилган соҳалар бўйича халқаро савдода нисбий устунликка эришди. Арzon ва малакали ишчи кучи Toyota, Trutschler, IBM каби хорижий компанияларнинг Хитойда ўз филиал заводларини очишлари учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Мамлакатда хорижий инвесторлар учун яратиб берилган қулай шароит ва унинг йирик ички бозори йирик ТМКлар жалб қилиб келди. Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши ва молиявий секторининг замонавийлаштиришга қаратилган сиёсат ўз самарасини берди. Ҳар йили йирик миқдорда инвестициялар қабул қилаётган нисбатан Хитой қисқа муддатда юқори технологик маҳсулотларни, биринчи навбатда компьютер эҳтиёт қисмларини, телекоммуникация жиҳозларни ишлаб чиқариш борасида етакчи мамлакатга айланди.

---

<sup>94</sup> Чен Хойшен. Стратегии развития текстильной промышленности Китая. Бизнес информ. №3, 2012

Мамлакатга киритилгандай хорижий инвестициялар Хитой иқтисодиётини тубдан модернизация қилиш имконини бериб, мамлакат иқтисодий қонунчилеги, солиқ ва божхона тизимлари фаолияти халқаро мөйөрларга мослаштирилди.

Бирок, Хитойда хорижий инвестицияларнинг асосий қисми шарқий худудларга жалб этиляпти. Ҳозирги вақтда Шарқий худуднинг мамлакат ЯММдаги улуши 60,0 фоизни ташкил этмокда, Марказий ва Ғарбий худудларнинг ЯММдаги улуши эса 26,5 ва 13,1 фоиз атрофидадир. Бу ҳолат Хитойнинг ушбу худудларида инфратузилма яхши ривожланманганлиги билан изоҳланади. Айни пайтда Хитой ушбу худудларда ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш учун худуд инфратузилмасини яхшилаш ва инвесторлар учун қулай шароитлар яратиб беряпти. Ишлаб чиқилган дастурларга кўра, Марказий ва Ғарбий худуднинг мамлакат ЯММдаги улушини 2020 йилда 33,1 ва 16,8 фоизга, 2050 йилда 34,6 ва 18,9 фоизда етказиш мақсад қилиб олинган<sup>95</sup>.

## 2.5-жадвал

### Хитой минтақаларида даромадлар ўзгариши (2000-2050 йй.)

Йил	ЯММ, трлн юан				ЯММ ўсиши, %				Мамлакат ЯММ да улуши, %		
	Мамлакат	шарқ	Марказ	ғарб	Мамлакат	шарқ	Марказ	ғарб	шарқ	Марказ	ғарб
2000	8800	5273	2349	1179	-	-	-	-	59,9	26,7	13,4
2010	20800	12574	5509	2716	9,0	9,1	8,9	8,7	60,5	26,5	13,1
2020	73300	36690	24289	12321	6,5	5,5	7,7	7,9	50,1	33,1	16,8
2050	160000	74428	55306	30266	4,0	3,6	4,2	4,6	46,5	34,6	18,9

Умуман олганда, Хитой инвестицион дастурининг самарали эканлиги кўриш мумкин. Ташкил этилган махсус иқтисодий худудлари ва денгизбўйи

<sup>95</sup> 1996-2050 нянъ Чжунго цзинцзи шэхуэй фачжань чжанылюэ - цзоусян сяньдайхуады гоусян (1996-2050 гг.) [Стратегия социально-экономического развития Китая - на пути структурной модернизации]. Пекин, 1997

шаҳарларига хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида алоҳида солик ва инвестиция имтиёzlари яратилган. Ундан ташқари Хитой ҳукумати бир қанча эркин божхона портларини барпо этган. Жорий вазифалар қаторига Хитой мамлакатлар бошқа ҳудудларига ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қанча рағбатлантирувчи қонунчиликни ишлаб чиқяпти. Хитой маҳсус иқтисодий зоналарда хорижий инвесторлар миллий ва маҳаллий солик чегирмаларига, ердан фойдаланишда, импорт ва экспорт божлари ҳамда энг асосийси, инфратузилма хизматларида имтиёз ва чегирмаларга эгадирлар. Марказий ҳукумат экспортга йўналтирилган ва юқори технологик инвестицияларни янада кўпайтириш учун маҳсус имтиёzlар ишлаб чиқсан. Маҳсус иқтисодий зоналарда транспорт, коммуникация, энергетика, металлургия, қурилиш материаллари, жиҳозлар, кимё, фармацевтика, тиббиёт технологиялари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва электроника каби соҳаларни ривожлантириш устувор вазифалар сирасига киради.

Хитой Халқ Республикаси маъмурий-буйруқбозлик сиёсатидан воз кечиб, бозор муносабатларига асосланган сиёсатни қўллаб келяпти. У ЖСТга аъзо бўлгандан сўнг хусусий мулкни ҳимоя қилувчи бир қатор халқаро конвенцияларни қабул қилди. 1999-2004 йиллар орасида хусусий мулкчилик муносабатларининг янада ривожлантириш мақсадида бир қанча қонунлар ва мулкчиликнинг ҳимоявий тизими яратилди. Амалга оширилган ушбу тадбирлар Хитой миллий иқтисодиётида соғлом ракобат муҳитини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон ҳам Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларни жалб этишга шу орқали иқтисодиётини модернизация қилишга катта аҳамият бермоқда. Хорижий инвесторларга бир қатор имтиёzlар ва қулай инвестицион муҳит яратиб бериляпти. Ўзбекистон ўзининг солик, божхона тизимларини жаҳон стандартларига мослаштириш учун ислоҳотлар олиб бормоқда. Хитой каби кўплаб хорижий

инвестицияларни жалб этиш ва халқаро интеграциялашув жараёнининг фаол иштирокчиларидан бири бўлиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Шундай қилиб, Испания тажрибаси Ўзбекистонда миллий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни халқаро тадбиркорлик тизимиға интеграциясини таъминлаш нуқтаи назаридан биринчидан қонунчилик асосида кичик ва хусусий тадбиркорлик учун узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш; иккинчидан тадбиркорлик соҳасини иқтисодиётнинг долзарб муаммолар ечими сифатида қўллашда манзилли имтиёзларни тизимли қўлланишини кучайтириш ҳамда Испанияда шаклланган турли дастурлар миллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда фойдаланиш мухимдир.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Республикамизда инвестицияларни самарали ўзлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ечишга қаратилган сиёсати мазкур соҳада янада ижобий ўзгаришларни кузатиш имконини беради.

Ўзбекистонда хорижий тўғридан тўғри инвестициялар оқимининг ошишига таъсир қилувчи асосий омиллар арzon, лекин малакали ишчи кучи ва бой табиий ҳамда қишлоқ хўжалиги ресурсларининг мавжудлиги, бозорнинг узоқ муддатда қизиқарлилиги ҳамда мамлакатда инвестицион мухитни яхшилаш учун олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳисобланади. Шу қаторда, сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий сармояли корхоналарга имтиёзлар ва рафбатларнинг яхлит тизимини яратиш, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг ҳукуқий асосини шакллантириш ҳамдир.

Бугунги кунда республикадаги инвестиция мухити миллий иқтисодиётдаги айрим масалалар ечими мухим ҳисобланади.

- республикадаги макроиқтисодий масалалар ва иқтисодий ўсиш суръатлари;
- ҳукумат ва давлат идораларида бюрократия даражаси;

- инвестицияларни самарали ўзлаштириш учун зарур инфратузилмани ривожлантириш, шу қаторда транспорт ва коммуникация билан боғлиқ масалаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда инвестиция бозорининг тез суръатларда ривожланишига таъсир кўрсатувчи алоҳида омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин: иқтисодиётда ислоҳотларни чукурлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш дастури ёрдамида импортни қисқартириш ва экспорт салоҳиятини ошириш; инвестициялар молиялаштиришда тижорат банкларининг ресурсларидан самарали фойдаланиш; молиялаштириш корхоналарнинг ички имкониятларини кенг ишлатиш билан бирга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ва бошқалар.

## **II-боб бўйича хуносалар**

1. Ташқи бозорга интеграция Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш шартларидан биридир, чунки, одатда, бу савдо ҳажмини ошириш, қўшимча даромад олиш, капитал қийматини ошириш, шунингдек мамлакат ишлаб чиқарувчиларини олдида бир қатор янги вазифаларни ҳал қилишга олиб келади. Мамлакат иқтисодиётини ташқи иқтисодий соҳаси жадал ривожланаётганига қарамай, мамлакат иқтисодий имкониятларини тўла намоён қилиш учун тизимли ёндашувларни талаб этади.

2. Компаниялар фаолиятини молиялаштиришда тижорат банклари ҳам ҳар бир мижоз учун бўлган рақобат шароитида ишлаб чиқариш тармоқларига катта эътибор қаратадилар. Шу билан бирга тижорат банклари рискларни камайтириш мақсадида компанияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишга ҳамда корхонанинг бошқарув жараёнига фаол иштирок қилишга интилади.

3. Тадбиркорликни йириклиштиришда ташаббус саноат ёки банк томонида бўлиши қатъий назар истиқбол режаларини асосли бўлиши, ҳисоб-

китобларнинг аниқлиги, давлат органлари томонидан қўллаб – қувватлаши шарт.

4. Бу каби тадбиркорлик тузилмасини шакллантиришда ташкилий тузилманинг шаклини танлашнинг муҳим жиҳатларидан саналади. Чунки янги тузилманинг қулай шакли бошқа турли тузилмалар билан ишлаб чиқариш заруриятлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш имконини беради. Айниқса, халқаро тадбиркорлик йирик молия-саноат гуруҳ фаолиятини самарали ташкил қилиш ва молиявий ресурслар ҳаракатини таъминлашда турли туман акционерлик жамиятлари тузиш мақсадга мувофиқ

5. Тадбиркорликда молия - саноат гуруҳларини ташкил қилишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, гуруҳнинг иқтисодий, ташкилий, технологик ва интелектуал салоҳияти интеграцияси натижасида инвестицион ресурсларни мақсадли йўналтирилади ва юқори самарали ишлаб чиқаришга эришилади.

6. Йирик ишлаб чиқаришда инвестициялашни амалга ошириш учун маълум миқдордаги маблағ ёки инвестиция ресурсларига эга бўлишни ёки жамғаришни талаб этади. Бунинг учун жамғарма маблағларини банкларда тўплаш ва улар орқали капитал маблағларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига йўналтирилишини таъминлашга эришиш мумкин.

7. Йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари сезиларли миқдорда молиявий ресурслар киритиш эвазига капитал сифими юқори бўлган йирик лойиҳаларда иштирок этиши мумкин. Чунки йирик саноат ишлаб чиқариши йирик капитални жалб қилиш ва зарур тармоқларга йўналтиришнинг самарали ташкилий шаклларидан ҳисобланади. Йирик саноат корхоналари янги технологиялар-га инвестиция киритиши натижасида илмий техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқи тезлашади.

8. Иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграцияси кучайиши натижасида биринчидан, хўжалик субъектлари қўшимча молиявий ресурслар ва янги ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлади; иккинчидан, маҳаллий корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлиги ўсишини таъминланади.

9. Рақобатбардошликни бошқаришда импорт ўрнини босиш стратегияси ривожланиш жараёнига икки томонлама қаралади: аввало, меҳнат ресурсларига нисбатан юқори талабга эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланади. Сўнгра, узоқ муддатли йирик миқдорда капитал қўйилмаларга эҳтиёж бўлган кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланади. Бундай шароитда айрим мамлакатларда йирик капитал жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланишда қатор муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

10. Рақобатбардошликни бошқаришда саноат тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг амалга оширилиши, моддий-техника базасини мустаҳкамланиши, республика саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига замин яратди.

11. Рақобатбардошликни бошқаришда импорт ўрнини босиш давлат дастурининг асосий вазифа ва йўналишлари импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳалари орқали амалга ошириш мумкин.

12. Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишида масъул вазирликларнинг ваколатлари ҳамда функциялари аниқ белгилаб берилган тизимни ташкил этиш бўйича қабул қилинган ҳукumat қарорларининг ижросини мантиқий охирига етказиш бунга имкон беради.

13. Рақобатбардошликни бошқаришда импортни тиклаш сиёсатини амалга оширишда юзага келадиган муҳим масала - янги лойиҳаларни амалга оширишнинг ҳозирги шартлари ва хусусиятларидир. Шу муносабат билан бир неча асосий муаммоларни эътиборга олиш муҳим:

- молиявий ресурслар муаммоси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. Импорт ўрнини босиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш муҳим молиявий инвестицияларни талаб қиласди, бу эса компаниянинг жаҳон капитал бозорига кириш чекловлари билан мураккаблашади.

- мамлакатда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган талабнинг мавжудлиги. Импорт ўрнини босиш жараёни импортнинг ўрнини тўлдирадиган соҳаларда суръат юқори эмас: миллий маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан импорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ бўлган сотиш хавфи мавжуд.

- техник жиҳатидан мураккаб импорт товарларни миллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш муаммоси. Ушбу соҳаларда Ўзбекистон маҳсулотларига нархларнинг ўсиши хорижий компонентлар ёки импорт қилинадиган хом ашё ва асбоб-ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳаллий товарлар нархининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунга қўшимча равишда, валюта курси ўзгариши инфляция талаблари харажатлар билан қопланган ва қўшимча нарх ошишига олиб келадиган импортга боғлиқ бўлган корхоналар ва саноат учун қўшимча хавф туғдиради.

## **III-боб. Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқаришнинг замонавий асосларини шакллантириш**

### **3.1. Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқаришда рақамли трансформация экотизимини шакллаштириш**

Иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш иқтисодий ислоҳотларнинг ижросини таъминлашнинг муҳим асосидир.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун **Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича қучли ғоя ва дастур** керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишига имкон яратиши лозим” деб таъкидлаши мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитни такомиллаштиришда асосий тўртки бўлиб келмоқда<sup>96</sup>.

Шу жиҳатдан ҳозирги кунда тадбиркорликни ривожлантириш самарали ва даромадли бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мамлакат фаровонлигини оширишга йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Айни пайтда, иқтисодиётга келаётган хорижий инвестициялар ҳажми бевосита давлатнинг сиёсатидан келиб чиқаётган инвестиция иқлимига келиб тақалади. Инвестицион иқлим барча ҳолларда хорижий сармоялар ва давлат ташқи иқтисодий фаолияти, валюта молия-кредит ҳамда солиқ тизими, божхона тартиби ва бошқа омиллар билан аниқланади.

Миллий тадбиркорликнинг халқаро иқтисодий муҳит билан интеграцияси инвестиция ресурсларига бўлган рақобат шароитида қуйидаги

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1371>

устувор йўналишларга инвестицион ресурсларни жалб қилиш зарур бўлган инвестицион муҳитга боғлиқдир<sup>97</sup>:

Шу нуқтаи назарга кўра, инвестицияларни мамлакатнинг ички эҳтиёжларига мувофиқ равишда самарали мақсадлар сари йўналтириш, жумладан:

- машинасозлик соҳасидаги инвестицион лойиҳаларда энергия тежовчи технологиялар устувор бўлиши керак.
- қурилиш саноатида, якка тартибдаги ва умумий қурилиш учун керак бўлган сифатли ва арzon қурилиш материаллари корхоналарнинг энергия тежовчи технологиялар билан таъминланишига боғлиқ бўлади;
- ахборот-коммуникация тармоғини қайта куроллантириш, янги хизмат турларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлади;
- кимё саноатидаги рақобатбардошли янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлади<sup>98</sup>.

Шунингдек, мамлакатдаги инвестиция муҳити, яъни ташқи бозорга юқори сифатли товарлар чиқариш ва янги иш жойларининг яратилиши кўп жиҳатдан мамлакатда инвестиция фаолиятининг тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, жаҳон хўжалик тизимига чукур интеграция бўлиш мушкул. Инвестицион иқлим хорижий инвестициялар ва ташқи иқтисодий сиёsat, молия-кредит ҳамда солик тизими, божхона тартиби ва бошқа бир қатор омиллар билан белгиланади.

Инвестицион иқлим мазмунини очиб беришда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- инвестицион салоҳият – иқтисодиётнинг инвестиция жалб қилиш учун очиқлиги;

<sup>97</sup> Куренкова А.С. Составляющие инвестиционного климата и методы его оценки. Российское предпринимательство. — 2011. — № 6 Вып. 1 (185). — с. 32-36

<sup>98</sup> Прохорова О.В. Организационно-экономический механизм привлечения прямых иностранных инвестиций на региональном уровне. // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. 2012, №3

-инвестицион риск - инвестор нуқтаи назаридан кутилаётган даромад ва йўқотишлар.

Айни пайтда, инвестицион иқлимининг турли-туманлигини ҳам эътибор доирасида тутиш керак бўлади. Чунки инвестиция жалб қилувчилар ва инвесторларнинг мақсад ва қарашлари амалда бир-биридан бир мунча фарқ қиласи. Инвестиция жалб қилувчи ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал қилишга интилса, инвестор эса қисқа фурсатда фойда олиш ва узоқ муддат бозорда қолишга ҳаракат қиласи. Шунинг учун инвестицион иқлимда турли манфаатлар ўз аксини топиши, яъни улар энг мақбул тарзда ифодаланган бўлиши лозим.

Инвестион иқлим узоқ вақт давомида барқарор бўлиши билан бирга иқтисодий маконда рўй бераётган кескин ўзгаришларга нисбатан мосланувчан бўлиши ҳам муҳим ўрин тутади, негаки, унда инновацион жиҳатларнинг устуворлиги жалб қилинаётган инвестицияларда тадбиркорликни инновацион ривожлантириш имконини беради.

Бугунги кунда республикада хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлиб, миллий қонунчилик тизими хорижий инвесторларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш ҳамда турли солиқ ва божхона имтиёзларини ҳам ўз ичига олади. Айни вақтда, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни киритиш макроиктисодий ўсиш суръатларининг юкорилиги, хукumat ва давлат идоралари томонидан хорижий инвесторларни жалб қилишга бўлган қизиқиш, самарали инвестицияларни амалга оширишга қаратилган тегишли инфратузилманинг мавжудлиги ҳамда транспорт, энергетика ва коммуникация билан боғлиқ масалаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда инвестиция бозорининг тез суръатларда ривожланишига таъсир кўрсатувчи алоҳида омиллардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ инвестициявий дастурларни ишлаб чиқиши ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган сиёсати;

- турли йирик инвестициявий лойиҳаларда хорижий инвесторлар билан бир қаторда маҳаллий инвесторлар улушининг ҳам сезиларли даражада ошиши, унда маҳаллий корхоналарнинг ўз қўйилмалари билан иштирокининг фаоллашиши.

Хорижий инвесторларни жалб қилишда инвесторларнинг корхоналар фаолиятини бошқаришдаги иштироки ҳам катта ўрин тутади. Бундай ҳолларда хорижий инвесторлар компанияларни назорат қилишга боғлиқ бўлган ҳолда, инвестициялар «тўғридан-тўғри» ва «портфель» турларига ажратилади.

### 3.1-жадвал

#### **Бевосита ва портфель инвестициялар ўртасидаги фарқлар<sup>99</sup>**

Белгилар	Бевосита инвестициялар	Портфель инвестициялар
Капитал чиқаришдан асосий мақсад	Хорижий фирма устидан назорат ўрнатиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олиб бориш	Хорижий қимматбаҳо қофозларини сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	a) хорижий фирмага тўлиқ эгалик қилиш б) акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВЖ низомига биноан компания акционер капиталининг 25%дан кам бўлмаслиги керак)	Хорижий фирма акционер капиталининг 25%дан (АҚШ, Япония, Германияда 10%дан) камини сотиб олиш
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фаолияти фойдаси, дивиденdlар	Дивиденdlар, фоизлар

Портфель инвестициясининг тўғридан-тўғри инвестициялардан

<sup>99</sup> Акопова Е.С., Воронкова О.Н. и др. Мировая экономика и международные экономические отношения. Ростов-на-Дону: «Феникс», 2000.

афзаллик томони шундаки, улар тугатилиш вақтида қимматбаҳо қоғозлар тезда нақд валютага алмаштириб олиниши мумкин. Портфелли инвестицияларни жалб қилишнинг асосий сабаби шундаки, чет эллик инвестор риск даражасини ҳисобга олган ҳолда чет элда энг юқори даромад келтирадиган қимматли қоғозларга сармоя киритиши мумкин. Маълум маънода, портфелли инвестициялар инфляция ва чайқовчилик орқали пулни даромад олишдан сақлаш воситаси сифатида қаралади. Шу билан бирга, на инвестиция киритиладиган сектор, на хавфсизлик тури, валюта курсининг ўсишига қараб бирон фойда олиш ва дивиденд тўланади.

Шундай қилиб, инвестиция муҳити ва инвестиция муҳити иқтисодий ривожланишнинг тез суръатларини белгилаб берган бўлса-да, бу асосан ҳар қандай тизимда минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва ривожланиш даражасини акс эттиради.

Мамлакатга хорижий инвестициянинг жалб қилиш одатда ижобий деб баҳоланади. Чунки, кириб келаётган инвестициянинг кўпайиши тўлов балансини яхшилаш орқали, миллий валюта курсига ижобий таъсир кўрсатади, ислоҳотлар ўtkазишда зарур маблағлар билан таъминлайди, техник базани янгилашга хизмат қиласди, замонавий иш юритиш услубини татбиқ этади ва бу билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсишини таъминлаш, энг муҳим тармоқларини янада таркибий жиҳатдан ўзгартириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, шу жумладан, буни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириш, иш ҳақлари ва аҳоли турмуши сифатини мутассил ошириш, Буларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай иш муҳитини яратиш, хусусий мулкни мустаҳкамлаш ва банқ, молия тизими ва коммунал хизматлар соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш киради.

Аввало, барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишни, таркибий ўзгаришларни ва модернизация қилишни, унинг энг муҳим тармоқларини

техник ва технологик янгилашни ва солиқ сиёсатини янада либераллаштиришни таъминлаш асосий вазифадир.

Жаҳон хўжалик тизимиға интеграцион жараёнларнинг кучайиши шароитида республикамиз банкларининг ўрни ва аҳамияти янада муҳимдир. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро молия институтлар муроҷотни ривожлантириш зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари инвестиция лойиҳаларни молиялашда бу банклар билан алоқаларни янада ривожлантириши зарур бўлади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлари ва экспорт диверсификациясида эришилган ютуқларга қарамай, ҳозирги кунда ушбу соҳада қатор муаммолар мавжуддир. Булар биринчидан, мамлакат экспортида хом-ашё товарларининг улуши сезиларли, иккинчидан мамлакат экспорт салоҳиятидан тўла фойдаланмаётганлигидандир.

Модернизация жараёнлари миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишда ташқи иқтисодиёт омиллари ҳам муҳим ўрин тутади.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, ташқи иқтисодиёт омилларининг рақобатбардошликка таъсири ўрганилиши талаб этилади. Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади.

Корхоналарнинг рақобатбардошлигини бошқариш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига кўп ҳолларда олдиндан айтиб бўлмайдиган ва қарама-қарши бўлган кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Айнан рақобатбардошликни бошқариш жараёнида корхоналар учун бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш ўта қийин бўлганлиги сабабли моделлаштиришга алоҳида ўрин ажратадиган бошқарув қарорларини асослашнинг миқдорий усуслари катта аҳамиятга эга.

Шунга асосланиб, ишда оптималлаштириш ёндашуви қўлланилади, унинг моҳияти бошқарув қарорларини ишлаб чиқиша сифатдан миқдорий баҳолашга ўтишдир. Оптималлаштириш ёндашуви нафақат муаммони тўғри эътироф этиш ва унинг асосий ишлаб чиқариш, молиявий кўрсаткичлари муносабатларининг моҳиятини белгилаш, балки яратилган мезон бўйича оптимал бошқарув қарорларининг энг самарали варианtlарини топишни ҳам таъминлайди. Корхонанинг рақобатбардошлигини бошқаришга оид бошқарув қарорларини асослаш бўйича оптималлаштириш ёндашувининг асоси сифатида қабул қилиниши корхонани бошқариш тизимининг элементи сифатида мақбул ечимни топиш тартибини ишлаб чиқиш зарурлигини олдиндан белгилаб беради.



### **3.1-расм. Корхонани бошқариш тизимида мақбул ечимни топиш тартиби<sup>100</sup>**

Тадқиқотда тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқариш бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини моделлаштиришнинг жараёни таклиф қилинган (4-расм). Ушбу жараённи ишлаб чиқишида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг бир қатор мезонлари аниқланди, уларга қуидагилар киради: амалдаги қонунчиликка риоя қилиш; аниқ мақсад йўналиши мавжудлиги; ўз вақтида; амал қилиш муддати ва бошқалар.

Моделлаштириш жараёнида марказий ўринни қарорлар кетма-кет шаклда тақдим этилган корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган мақсадлар ва вазифалар декомпозициясини ва тегишли морфологик ечимни ўз ичига олган бошқарув қарорларини қабул қилишнинг модель эгаллайди. Моделдан фойдаланиш бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ресурсларни мақбул тақсимлаш муаммосини ҳал қилишни назарда тутади. Қарорлар кетма кетлиги ва морфологик ечимлар корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун бошқарув қарорларига таъсир қилувчи омиллар (бошқарув, ишлаб чиқариш, молиявий, ташкилий) тузилмасига мувофиқ равишда қурилади.

Тадқиқотда омиллар гурухлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ушбу муносабатларни баҳолашга ёндашув таклиф этилади. Ўзаро муносабатларни баҳолашнинг хусусияти миқдорий ва сифат усулларининг симбиозидир. Бошқарув, ишлаб чиқариш, молиявий ва ташкилий омиллар гурухлари ўртасидаги муносабатлар ушбу омиллар гурухлари таъсирини баҳолаш асосида аниқланади. Омиллар гурухлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатишга таклиф қилинаётган ёндашув бошқарув қарорларини қабул қилишда синергетик эффект пайдо бўлишига олиб келади.

---

<sup>100</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотда омиллар гурухлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ушбу муносабатларни баҳолашга ёндашув таклиф этилади. Ўзаро муносабатларни баҳолашнинг хусусияти миқдорий ва сифат усулларининг симбиозидир. Моливиявий, мижозлар, ишлаб чиқаришдаги ички жараёнлар ва меҳнат ресурслари гурухлари ўртасидаги муносабатлар ушбу омиллар гурухлари таъсирини баҳолаш самарадорликни мувозанатли кўрсаткичлари (BSC) ва самарадорликни мўҳим кўрсакичлари (KPI) билан уйғунлаштириш асосида аниқланади. Омиллар гурухлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатишга таклиф қилинаётган ёндашув бошқарув қарорларини қабул қилишда синергетик эфект пайдо бўлишига олиб келади.

### **3.1-жадвал**

#### **“Rosti Rasti Baraka” МЧЖнинг стратегик ривожлантиришда омиллар гурухлари кўрсаткичлари декомпозицияси**

1-гурух омиллари	2-гурух омиллари
Молиявий	харажатлар таркибини ўзгартириш
	активлар самарадорлигини ошириш
	даромад олиш имкониятларини кенгайтириш
	харидор қадр қимматини ошириш
Мижозлар	нарх-наво
	сифат даражаси
	етказиб бериш
	хизмат кўрсатиш ва хамкорлик
	Имидж
Ишлаб чиқаришдаги ички жараёнлар	операцион бошқарув жараёнлари
	мижозларни бошқариш жараёнлари
	инновация жараёнлари
	ижтимоий жараёнлар
Кадрлар ва малака ошириш	инсон ресурсларини ривожлантириш
	ахборот тизими
	интеллектуал капитал

Корхонанинг стратегияси, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаш бу раҳбариятнинг масъулияти бўлиб, стратегия корхона ходимлари томонидан таркибий бўлинмалар даражасида амалга оширилади. Корхонанинг ривожланиши учун муҳим риск-таҳдид унинг раҳбарияти ва ходимлари ўртасида ахборот алмашинувининг етишмаслиги. Бу, авваламбор, ахборотни

етарли даражада баҳолашга имкон бермайдиган ва натижада ходимлар томонидан стратегик вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишни имконсиз қиласидиган бошқарув тизимини шаклланишига олиб келади.

Шунингдек, ишчи-ходимлар учун аниқ стратегик мақсадларнинг этишмаслиги ва тегишли мотивация тизимининг йўқлиги, кўпинча иккинчи даражали вазифаларни бажариш учун корхона ресурсларини сарфланишига олиб келади.

### 3.2-жадвал

#### **“Rosti Rasti Baraka” МЧЖ BSC ва KPI моделларини жорий этишини иқтисодий самарадорлигини хисоблаш**

Кўрсаткичлар: З-гурух омиллари	Ўлчов бирлиги	режа	прогноз	фоизда	улуши	KPI
1. Таннархни камайтириш	%	5,4	7,5	138,9%	2	2,78
2. Харажатларни даромадга нисбати	%	67	75	111,9%	2	2,24
3. Жами харажатлар	млрд.сум	45	53	117,8%	2	2,36
4. ТМЗ айланиши	кун	85	94	110,6%	2	2,21
5. Активлар самарадорлиги	%	1,4	1,2	85,7%	2	1,71
6. Қувватдан фойдаланиш даражаси	%	91	88	96,7%	3	2,90
7. Жами активлар	млрд.сум	60	63	105,0%	2	2,10
8. Сотишдан олинган тушум	млрд.сум	65	66,1	101,7%	3	3,05
9. Ялпи даромад	млрд.сум	11	11	100,0%	2	2,00
10. Киритилган капитал рентабеллиги	%	8	9,5	118,8%	2	2,38
11. Ўз маблағлари рентабеллиги	%	12	15	125,0%	3	3,75
12. Инвестиция рентабеллиги	%	5	5	100,0%	3	3,00
13. Солиқ ва фоизлардан олдинги фойда	млрд.сум	3	3,5	116,7%	3	3,50
14. Соф фойда	млрд.сум	2,5	2,5	100,0%	3	3,00
15. Янги мижозлар сони	нафар	120	180	150,0%	2	3,00
16. Бошқа йўналишлардан даромадлар	млн.сум	250	298	119,2%	2	2,38
17. Мижозлар эътиrozлари сони	дона	1	1	100,0%	2	2,00
18. Корхонанинг бозордаги улуш	%	15	22	146,7%	2	2,93
19. Нарх рақобатбардошлиги	%	90	92	102,2%	2	2,04
20. Мижозларни қоникиш даражаси	балл	4,5	4,2	93,3%	3	2,80
21. Сифатни яхшилаш	балл	8,5	9	105,9%	2	2,12
22. Ўз вактида етказиб бериш	балл	9,5	9	94,7%	2	1,89
23. Янги бўлимлар сони	дона	12	14	116,7%	1	1,17
24. Янги маҳсулот	балл	4	3	75,0%	2	1,50
25. Маҳсулот сифати	балл	8,5	8,6	101,2%	3	3,04
26. Маҳсулот ҳажми	тн	8000	8500	106,3%	3	3,19
27. Ишлаб чиқаришдаги брак	тн	0	1	50,0%	2	1,00
28. Янги маҳсулотга муносабат	балл	3	3	100,0%	2	2,00
29. Сифат таъминоти жараёнлари сони	дона	20	10	50,0%	3	1,50
30. Мижозларни кўпайтириш	нафар	150	110	73,3%	2	1,47
31. Мижозларни ушлаб қолиш	%	100	90	90,0%	2	1,80
32. Янги foяларни амалга ошириш	нафар	4	3	75,0%	2	1,50
33. Янги лойихаларни омадли якунлаш	нафар	3	2	66,7%	2	1,33

34. Экология учун харажатлар	млн.сум	30	30	100,0%	1	1,00
35. Ижтимоий харажатлар	млн.сум	30	30	100,0%	1	1,00
36. Ишчилар учун харажатлар	млн.сум	15	15	100,0%	1	1,00
37. Жамият учун харажатлар	млн.сум	110	110	100,0%	1	1,00
38. Лавозимларни түлдириш	дона	8	7	87,5%	2	1,75
39. таълим	киши	3	3	100,0%	2	2,00
40. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш	киши	20	10	50,0%	2	1,00
41. Юкори малакали мутахассисларни ушлаб колиш ва ишга олиш	киши	5	2	40,0%	2	0,80
42. Ходимлар мотивация харажатлари	млн.сум	10	10	100,0%	2	2,00
43. Етакчилар	дона	5	2	40,0%	2	0,80
44. Стратегия ва қадриятларга мослашиш	дона	300	50	16,7%	2	0,33
45. Тажриба алмашиш	дона	10	6	60,0%	2	1,20
46. Ижтимоий тармоқларда каналларни очиш ва уни доимий янгилаш	дона	2	0	0,0%	2	0,00
47. Дастурий таъминот билан ишлаш	дона	3	1	33,3%	3	1,00
					<b>100</b>	<b>90,5</b>

Самарадорликни баҳолаш - бу корхона менежментининг стратегик мақсадларга эришиш даражасига, хусусан, компаниянинг бозор қийматини мустаҳкамлаш ва ўсишига қандай мос келишини аниқлашга имкон берадиган восита. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу техника менежментни түлиқ маълумот билан таъминлаш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини енгиллаштирадиган воситадир.

Жумладан: қарор қабул қиилшда бошқарув моделлари орасида BSC ва KPI моделлари уйғунлаштириш самарали усул эканлигини кўриш мумкин. Тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигига оид ахборотларни қайта ишлаш тезлигини ошириш, рақобат муҳити диагностикасини баҳолаш имконини беради.

Фикримизча, нархларни эркинлаштириш ва инфляциянинг суръати миллий тадбиркорларнинг рақобатбардошлик мавқеини мустаҳкамлаш билан боғлиқ жиддий муаммолар юзага келади. Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқариш механизмини шакллантириш, уни амалга ошириш ва самарадорликни баҳолаш зарур.

Тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини турли давлатлар билан таққослаганда рақобатдош устунликларни аниқлаш ва улардан

фойдаланиш асосида миллий хўжалик тизимларининг самарали фаолияти туфайли бозорда етакчи ўринни эгаллашдир.

Мамлакатни бозорда етакчи ўринни эгаллаши учун миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини бошқариш механизмини шакллантириш ва амалиётга татбиқ қилиш зарур.

Бунинг учун биз иккита асосий вазифани ажратиб кўрсатишимиизга имкон берадиган рақамлаштириш технологиядан фойдаланамиз:

- уларнинг фаолиятини баҳолаш ва кўрсаткичларни бошқа корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш;
- ўз корхоналари учун бошқаларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва қўллаш.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши иқтисодий муносабатлар тузилишига таъсир қиласи ва одатдаги ишлаб чиқариш усуллари, логистика жараёнлари, молиявий операциялар, инсон ресурслари, меҳнат унумдорлиги ва бошқаларга мамлакатнинг сунъий интеллектга тобора қўпроқ қўлланиши ахборот технологияларини иқтисодий рақобатбардошликни бошқаришдаги парадигманинг ўзгаришига олиб келади.



### 3.2.-расм. Иқтисодиёт рақобатбардошлигини бошқариш рақамли трансформация экотизими<sup>101</sup>

Табиийки, рақамли иқтисодиётда рақобатбардошликтини бошқариш мамлакатнинг асосий жиҳатларидан биридир. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги биринчи навбатда мавжуд салоҳиятдан фойдаланиши самарадорлиги билан белгиланади.

<sup>101</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Рақамли иқтисодиётда рақобатбардошликтин бошқариш аввола миллий иқтисодиётни, кейин миллий корхоналарни бошқаришнинг асосий жиҳатларидан биридир. Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлиги биринчи навбатда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги, молиявий фаолиятнинг муваффақияти, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва уларнинг сифати ва савдо фаолияти самарадорлиги билан белгиланади.

Иқтисодиётда рақамли трансформация жараёнини тўлалигича татбиқ қилиш керак, бу эса маҳаллий корхоналарда бизнес жараёнларида рақамли моделлаштириш орқали сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келади. Фикримизча, рақамли технологияларнинг миллий иқтисодиётнинг барча жабҳаларига интеграциялашуви бозор шароитдаги муваффақиятини таъминлайдиган зарурый талабга айланади.

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини бошқариш механизми замонавий ёндашуви рақамли экотизим билан чамбарчас боғлиқ, чунки у мамлакатлар, корхоналар, ташкилотлар ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқ кўрсатиб беради (2-расм). Рақамли экотизимидағи бошқарув жараёнининг иштирокчилари бир-бирини тўлдирувчи ўзаро таъсирга таяниб ривожланади.

Рақамли иқтисодиётда рақобатбардошликтин бошқариш бўйича ташкилий механизмни яратиш ва такомиллаштириш жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий тенденцияларини ўрганишга ва ўзига хос технологик ваколатларни, бошқарув ваколатларини шакллантириш ва ривожлантиришга асосланган бўлиши керак.

Ушбу схема миллий тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқариш механизмини шакллантириш билан боғлиқ фаолият кетма-кетлигидир: рақамлаштиришнинг технологик трендлари (сунъий интеллект, рақамли технологик платформалар, “Agile” технология, хавфсизлик архитектураси) асосида рақамли трансформация экотизимни шакллантириш, рақамлаштириш орқали ахборотни қайта ишлаш тезлигини ошириш, рақобат муҳити диагностикаси, рақобатбардошликтин баҳолаш,

бошқариш механизмини шакллантириш, бошқариш тадбирларини амалга ошириш натижада бизнес жараёнларни рақамлаштириш натижасида Қиймат яратишнинг рақамли моделини яратиш мумкин бўлади.



### 3.3.-расм. Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий тузилмаси<sup>102</sup>

Фикримизча, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқариш рақамли трансформация экотизимига асосланган механизми миллий корхоналар фаолиятига татбиқ этилиши (қўлланилиши) учун аниқ

<sup>102</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

мақсадларни белгилаш ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш зарурлиги англатади.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг халқаро иқтисодий муҳит билан интеграцияси инвестиция ресурсларига бўлган рақобат шароитида қуидаги устувор йўналишларга инвестицион ресурсларни жалб қилиш зарур бўлган инвестицион муҳитга боғлиқдир<sup>103</sup>:

Шу нуқтаи назарга кўра, инвестицияларни мамлакатнинг ички эҳтиёжларига мувофиқ равища самарали мақсадлар сари йўналтириш, жумладан:

- машинасозлик соҳасидаги инвестицион лойиҳаларда энергия тежовчи технологиялар устувор бўлиши керак.
- қурилиш саноатида, якка тартиbdаги ва умумий қурилиш учун керак бўлган сифатли ва арzon қурилиш материаллари корхоналарнинг энергия тежовчи технологиялар билан тъминланишига боғлиқ бўлади;
- ахборот-коммуникация тармоғини қайта қуроллантириш, янги хизмат турларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлади;
- кимё саноатидаги рақобатбардошли янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлади<sup>104</sup>.

Шунингдек, мамлакатдаги инвестиция муҳити, яъни ташқи бозорга юқори сифатли товарлар чиқариш ва янги иш жойларининг яратилиши кўп жиҳатдан мамлакатда инвестиция фаолиятининг тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Тадқиқотчининг фикрича, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришнинг замонавий механизмини асоси тадбиркорликни ривожлантиришда янги ёндашувдан иборат бўлган моделларни шакллантиришdir. Ушбу замонавий моделлар инновацион ва инвестицион фаолиятни фаоллаштиришни бошқариш, мамлакатни ва миллий

<sup>103</sup>Куренкова А.С. Составляющие инвестиционного климата и методы его оценки. Российское предпринимательство. — 2011. — № 6 Вып. 1 (185). — с. 32-36

<sup>104</sup>Прохорова О.В.Организационно-экономический механизм привлечения прямых иностранных инвестиций на региональном уровне. // [Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта](#). 2012, №3

корхоналарини ташқи мухитга доимий мослаштириш ва моддий, меҳнат, интеллектуал ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни бошқариш бўйича қўп функционал ва мураккаб ўзаро тизимни акс эттиради.

Тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришнинг инновацион моделини амалга ошириш рақобатбардошликни таъминлашнинг ташкилий-иктисодий механизмини шакллантиришни назарда тутади. (З-расм). Ушбу механизм микро даражадаги инновацион бошқарувни, тадбиркорлик субъектларни рақобатбардошлигини бошқариш корхоналар фаолиятининг бозор таркибий қисмларини, корхоналар фаолиятининг якуний натижаларини ва рақобатбардош товарлар ва хизматларга истеъмолчиларнинг қониқиши даражасини белгилайдиган макро – микро даражаларда тадбиркорлик рақобатбардошлигини ошириш жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг янги шакллари ва усувларини ўз ичига олади.

Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини таъминлашнинг ташкилий-иктисодий механизmlарининг биринчи қисми - бу микро даражадаги корхона ва товарларнинг рақобатбардошлигини инновацион бошқариш. Фикримизча, микро даражадаги корхона ва товарларнинг рақобатбардошлигини илмий асосланган бошқариш қўйидагиларга асосланиши керак:

бозор муносабатларининг иктисодий қонунлари таъсир механизmlарига;

корхона фаолияти қонунлари ва ишлаб чиқариш жараёнлари таъсир механизmlарига;

рақобатбардошликни бошқариш тизимидағи илмий ёндашувлар (тизимли, интеграл, репродуктив, инновацион, маркетинг, функционал, таркибий) талабларига мувофиқлигини;

бозорлар ва эҳтиёжларига;

бошқарувни тизимли ва комплекс автоматлаштириш учун замонавий ахборот технологиялариға;

таҳлил қилиш, башорат қилиш ва оптималлаштиришнинг инновацион усуллариға (тизим таҳлили, харажатларни функционал таҳлили, динамик дастурлаш ва бошқалар);

рақобатбардошликтин баҳолаш, назорат қилиш ва тезкор бошқаришнинг замонавий миқдорий усуллариға;

рақобатбардошликтин инновацион бошқариш тизимида стратегик маркетингдан фойдаланиш, товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ва ташқи муҳит билан алоқаларни ўрнатишга;

корхона ёки товарларнинг рақобатбардошлигини мультифакториал баҳолашда ўзига хос ва нисбий кўрсаткичлардан устунлик билан фойдаланиш, бу эса ўз навбатида вазн омиллари бўйича тартибланиши керак.

Тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизmlарининг иккинчи қисми – мамлакат доирасида бу корхоналар ва товарларнинг рақобатбардошлигини бозорнинг ўзини ўзи бошқаришидир, бу бозор қонунлари, товарларнинг рақобатдошлигига таъсир қилувчи омиллар асосида товарларнинг рақобатбардошлигини доимий равиша сақлашга қаратилган. Мазкур омилларга қуидагиларни киритиш мумкин:

товарлар бозорида рақобат турини ўзгартириш;

товар бозорида янги жой пайдо бўлиши ёки унинг мавжуд сегментларини қайта гурухлаш;

рақобатдош маҳсулотларни илгари суриш учун мавжуд рақобатчиларнинг ҳаракатларини ўзгартириш;

бозорда янги рақобатчилар пайдо бўлиши;

бозорда янги рақобатдош маҳсулотларнинг, шу жумладан ўрнини босувчи маҳсулотларнинг пайдо бўлиши;

товарларга бозор салоҳияти ва унинг салоҳияти ҳажмининг ўзгариши;

истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва хусусиятларини ўзгартириш.

Тузилманинг учинчи қисми - корхоналар ва товарларнинг рақобатбардошлигини давлат томонидан тартибга солишнинг инновацион шакллари ва усуллари - давлатнинг мамлакат корхоналари ва ишлаб чиқарилаётган маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шароит яратишга қаратилган фаолиятини акс этиши лозим.

Тузилманинг тўртинчи қисми - корхоналар ва товарларнинг рақобатбардошлигини мезо даражасида тартибга солиш макро даражада тартибга солишдан шакллари ва усуллари билан эмас, балки тартибга солиш кўлами билан фарқ қиласди.

Тузилманинг бешинчи қисми - мамлакатнинг рақобатбардошлигини тартибга солиш халқаро рақобат ва маҳаллий корхоналар ва уларнинг маҳсулотларининг рақобатбардошлигини сақлаш ва оширишга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликка асосланган. Глобал ривожланиш омиллари ва тенденциялари рақобатбардошликнинг мега-омиллари ҳисобланади. Улардан асосийси жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви бўлиб, у хам глобал, хам ички бозорда рақобатнинг кучайишига олиб келади ва давлатлардан ўз иқтисодиётларини очиқлик томон кучайтиришни талаб қиласди.

### **3.2. Тадбиркорликда рақобатбардошликни бошқаришда юқори технологиялар ва инновацион ёндашувлар**

Ўзбекистон иқтисодиётини рақобатбардошлигини таъминлашад бизнес ва тадбиркорликнинг янги соҳаларида тобора юқори технологиялар негизида шаклланишига замин яратди. Сўнгги 15-20 йил ичидаги жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улушида юқори технологиялар устуворлик қилган тармоқларнинг ҳиссаси тобора сезиларли бўлмоқда. Юқори технологиялар сирасига биотиббий технологиялар, энергия, ахборот-коммуникация

технологиялари ва дастурий таъминот соҳасидаги технологияларни қиритилмоқда.

Юқори ўсиш суръатларини намойиш этадиган юқори технологияли соҳалардаги компаниялар жадал ривожланиш тенденциялари ва инвестицион жозибадорлик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Юқори технологияли соҳаларга хорижий инвестиция қабул қилаётган ҳар бир мамлакатда уларнинг ўзига хос бўлган инвестицион муҳит шакллантириш лозим. Инвестицион муҳит - мамлакат иқтисодиётида халқаро инвестицияларнинг инновацион тармоқларда самарали йўналтирилиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуасидир. Бу мажмуа қуйидаги асосий шартларни ўз ичига олади:

- иқтисодиётнинг асосий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- инвестицияларни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсати;
- инновацион ривожланиш дастурлари;
- қонунчилик, энг аввало, инвестиция оқимларини тартибга солиш ва инновацион ривожланиш соҳасида;
- мамлакатнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки.

Ушбу шартлар қаторига номоддий активлари билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши ва ҳимоялаш даражасини (патентлар, лицензиялар, ноу-хау, дастурий маҳсулотлар) киритиш мумкин, бу компанияларнинг келгусида бозор капиталлашувини оширади.

Қайд этилган омиллардан келиб чиқадиган бўлсак, энг қулай инвестицион муҳитга бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар эга. Айни пайтда кўпгина мамлакатлар миллий ишлаб чиқарувчиларни ички бозорда ҳимоялаш мақсадида халқаро капитал қўйилмалари йўлига тўсиқлар қўйилган ва чекланишлар сақлаб қолинган.

Жумладан, миллий корхоналарда халқаро мулкка лимитлар ўрнатилади, фойдани олиб чиқиб кетиш қаттиқ назорат остига олинади, валюта операциялари тартибга солинади.

Шу жиҳатдан олганда, юқори технологиялар соҳасида чет эллик салоҳиятли инвесторларни ахборот билан таъминлаш ишларини қўйидаги йўналишларда тўғри йўлга қўйиш зарур:

- қонунлар-меъёрий хужжатлар базаси тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва халқаро инвесторлар учун юқори технологиялар соҳасига маблағлар инвестициялаш имкониятлари тўғрисидаги ахборотларни асосий хорижий тилларга таржима қилишни ташкил этиш;

- халқаро инвесторларга юқори технологиялар соҳасида амалга оширилаётган ва амалга ошириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги ахборотларни такдим этиш;

- халқаро инвесторларни юқори технологиялар соҳасида зарурий маълумотнома ахборот ва таҳлилий материаллар билан таъминлаш;

- халқаро салоҳиятли ҳамкорларни жалб этган ҳолда, инвестиция фаолиятининг юқори технологиялар соҳаси юзасидан бизнес-семинарлар ташкил этиш йўналишларида амалга ошириб бориш.

Салоҳиятли инвесторлар юқори технологиялар соҳасида ўзларини кизиктирган ахборотни мамлакатга келишдан илгари олиш имкониятига эга бўлишлари лозимлигини ҳисобга олиш муҳим омилдир. Хозир давлат идораларининг кўпчилиги ўз сайтларига эга бўлсада, уларда ахборотлар етарли даражада эмас. Бундан ташқари, алока сифати пастлиги сабабли, улардан фойдаланиш имконияти кунгилдагидек эмас.

Ахборот ресурсларидан кенгроқ ва қулайроқ тарзда фойдалана олиш мақсадида, Ўзбекистон сайтлари тўғрисидаги ахборот маълум мегасерверларда жойлаштирилиши ёки юқорида кўрсатиб ўтилган ахборотлар мажмуудан қулай тарзда фойдаланишни ташкил қилиш мумкин бўлган ўз серверимизни яратишимииз лозим.

Ўзбекистон Республикасида таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, юқори технологиялар соҳасини янада ривожлантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда,

инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида бизнинг фикримизча қўйидагиларни амалга ошириш лозим бўлмоқда:

- мамлакат экспорт нуфузини кескин оширишга йўналтирилган янги технологияларни ривожлантириш;
- юқори технологиялар соҳасида инвестициялар жалб этишнинг хуқуқий-меъёрий таъминоти, уни рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- юқори технологиялар соҳасида инвестиция фаолиятни мажмуали қўллаб-куватлаш, ишлаб-чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардошликни ва илм ҳажмли маҳсулотлар экспортини ошириш;
- ахборот таъминоти, экспертиза, сертификатлаш ва ишланмалар ҳаракати тизими, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимидан ташкил топган юқори технологиялар соҳасида инновацион жараён инфратузилмасини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигига ва маҳсулот рақобатбардошлигини ортишига таъсир қўрсатувчи кичик микдордаги базавий технологияларни танлаш орқали инвестицион сиёсатни истиқболли йўналишларини амалга ошириш.

Илм-фан тараққиётини юқори технологиялар соҳасига ёйиш, ноёб ишланмалар яратишининг мақсадли тизимини шакллантириш ва уларни амалиётга жорий этишни тезлаштириш мақсадида инновацион бизнесни ривожлантириш зарур.

Бунда технопарк тузилмалари - «бизнес инкубатор» ларини ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Уларнинг асосий вазифаси - илғор тармоқларнинг ривожланишини рағбатлантириш, инновация жараёнини, истиқболли илмий ғоялар ва қашфиётларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш, турли хилдаги хизматларни кўрсатиш ва юқори технологиялар соҳасида инновация корхоналари учун энг қулай шартшароитларни яратиш, ташкилий ишларни ҳал килишда, молиявий

маблағларни жалб қилиш ва улардан янада самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишида кўмаклашиш.

Бунга олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот марказлари ва инновациялар билан шуғулланувчи юқори технологиялар соҳасидаги корхоналарнинг саъ-ҳаракатларини бирлаштириш йўли билан эришилади.

Ҳозирги кунда мамлакатларнинг қудрати унинг иқтисодий ҳамда илмий-техник кўрсаткичларига асосланиб белгиланади. Иқтисодий ривожланишда технологик таркиб улушкининг ортиб бориши жаҳон бозорида миллий ва минтақавий рақобатбардошликтининг ошишининг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб келмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг юқори технологиялар соҳасида илмий ва инновацион сиёсатининг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- юқори технологиялар соҳаси ривожида фан ва техника улушкини ошириш;
- юқори технологиялар соҳасида моддий ишлаб-чиқариш соҳасини прогрессив ривожланишини таъминлаш;
- жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш.

Ўз навбатида, ривожланган давлатларнинг технологик ютуқларидан мунтазам фойдаланиш, бу соҳада аввало, МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорликни қучайтириб бориш, халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперациясидан имкон қадар кенг фойдаланишга интилиш зарур. Бугунги кунда технологик жиҳатдан илғор мамлакатлар ягона технологик макон тузган бўлиб, мамлакатимиз унга teng хуқуқли ҳамкор бўлиб кириши, айrim йўналишларда эса етакчилик учун курашиши лозим, бунинг учун эса миллий технологик даража етарлича юқори бўлишига эришиш зарур. Бу мамлакатимизда инновация соҳасини янада ривожлантириш ва уни молиялаштиришга бўлган талабни оширади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу соҳадаги хўжалик субъектлари кўпинча катта компаниялар эмас, балки ўз ходимларининг

интеллектуал (инсон) салоҳиятига эга бўлган қимматли ва номоддий капиталга эга бўлган тадбикорлик субъектлари, шунингдек ўзгаришларга мослашувчан тажовузкор маркетинг сиёсати инновацияларга юқори даражада амалга ошириши билан ажралиб туради.

Биринчи навбатда, инновациялар тадбиркорлик фаолиятини учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлган восита сифатида хизмат қилади, инновацияларни муайян йўналишга йўналтирилган, бирлашган ҳолда излаб, тадбиркор субъектларини мунтазам эътиборга олади. . Шундай қилиб, Ж. Шумпетер ва П. Друкер турли вакъларда тадбиркорларнинг инновацион ғоялар билан ажралиб туришини алоҳида қайд этган. Инновация - тадбиркорликнинг ўзига хос воситаси. Бошқача изоҳлагандан, бу ҳолда маркетинг ва ташкилий ўзгаришларни назарда тутилади.

Шунингдек, бошқача қарайдиган бўлсақ, инновацион тадбиркорлик технологик жиҳатдан шаклланган корхона бўлиб, унинг обьекти сифатида инновацион технологик ғояларни тижоратлаштириш ҳисобланади. Янги инновацияларга асосланган ғояларни, янги маҳсулотларни ёки янги технологияга асосланган янги бизнесни йўналишини яратиш ва инновацион технологияларни, маҳсулотларни ёки хизматларни бозорга чиқариш учун самарали янги маҳсулот механизмини яратишдир.

Инновацион тадбиркорликка татбиқ этилганидек, уни ривожлантириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ, айниқса, кичик бизнес ва стартап компанияларга нисбатан тўғридан-тўғри ва билвосита рағбатлантириш чораларининг қўлланилиши жуда мураккаб ва қийин бўлиши мумкин.

Масалан, кичик инновацион корхона амалда тўғридан-тўғри рағбатлантирувчи обьект эмас чунки, асосан бизнес-лойиҳаларга эмас, балки илмий-тадқиқот ишларига ва давлат ресурсларини тақсимлашга (буюртмалар, грантлар, давлатнинг мақсадли жамғармалар) нисбатан кенг қўлланилади.

Ўз навбатида, иқтисодиётнинг хусусий секторидаги илмий ютуқлар соҳасидаги бевосита давлатларни рағбатлантириш мавжуд ишбилармонларга нисбатан солиқ, амортизация, монополияга қраши, патент ва ташқи савдо сиёсати чораларини қўллашни назарда тутади ва лойиҳалар ўрнига компаниянинг амалдаги ва молиявий фаолиятини рағбатлантиришга мўлжалланган.

Шунинг учун иқтисодиётда қулай инновацион муҳитни шакллантириш ва тегишли инфратузилмани шакллантириш инновацион тадбиркорлик институтини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

Бу каби қулай ташкилий ва инфратузилма муҳитининг минтақавий қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятини яратиш орқали эришса бўлади. мумкин. И.Г. Куфтырёв, С.С. Переднянинг фикрларига кўра, бундай муҳитни яратишга қаратилган аниқ қадамлар қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин<sup>105</sup>:

- кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини амалга ошириш; инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш (масалан, инвестицияларнинг венчур капитал жамғармалари яратилиши орқали);

- тадбиркорлар томонидан давлат ва коммунал хизматларни олиш тартибини соддалаштириш, масалан, «электрон ҳукумат» элементларини янада кенгайтириш ва шу каби хизматлар);

- бизнесни ташкил этиш учун маъмурий тўсиқларни камайтириш ва минтақада замонавий ва қулай ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш (инновацион лойиҳалар ва компаниялар регистрлари, инновацион ҳудудлар уюшмалари ва корхона тадбиркорлари);

- давлатнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш (бизнес инкубаторлар, саноат парклари, тадқиқот консорциуми).

---

<sup>105</sup> Куфтырёв И.Г., Передня С.С. Международный инновационный коридор как инфраструктурный фактор развития технологического предпринимательства // Экономические науки Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2013, № 3 (3), с. 147-152

Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 29 ноյбрь куни “Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди<sup>106</sup>. Мазкур вазирликнинг давлат ва жамият қурилишига, иқтисодиёт тармоқларига, қишлоқ хўжалигига, ижтиомий ривожланишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимиға инновацияларни жорий этиш ҳамда илғор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш соҳасидаги асосий вазифалари белгилаб берилди. Вазирликнинг асосий фаолият йўналишлари ҳам кўрсатиб ўтилди. Ушбу вазирлик Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади<sup>107</sup>.

Шу билан бирга, тадбиркорларни халқаро бозорларда маҳсулотлари сотилишини рағбатлантириш билан бирга ҳудудларда нафақат ишлаб чиқариш, балки саноат технологиялари паркини яратиш, ривожлантириш ва бошқаришни ривожлантиришга оид функцияларини кенгайтириш муҳим.

Саноат технологиялари парки энергия таъминоти, инфратузилмаси, зарурӣ маъмурӣ-ҳуқуқий шарт-шароитлари билан таъминланган ва ихтисослашган давлат ёки хусусий компания томонидан бошқариладиган янги ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун маҳсус ташкил этилган ҳудуддир.

Технопарк ҳудудида бир ёки бир неча саноатнинг бир нечта мустақил корхоналари фаолият юритиши мумкин. Корхонанинг умумий ҳудудида ўз маҳсулотларини жойлаштирганлар кўпинча қўшма қийматли занжирлар билан боғланади ва паркнинг қўшма инфратузилмасини ва бошқарув компанияси томонидан тақдим этилган хизматлар билан бўлишади.

<sup>106</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноубрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноубрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Технопаркнинг инновацион тадбиркорлик учун аҳамияти - бу янги юқори технологияли ва истиқболли корхоналарни тарғиб қилиш ва хусусий ва жамоатчилик капиталини даромадли соҳаларга йўналтиришда аҳамиятга эга.

Фикримизча, инновацион жараёнларни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг стратегик мақсади инновацион экотизимни шакллантиришга ёрдам беришдан иборат бўлиши керак, яъни, ғояларни бизнесга айлантиришга ёрдам берадиган ва инновациянинг ва технологик тадбиркорликнинг тўлиқ таъминлайдиган қўллаб-қувватловчи муҳит бўлиши лозим.

Ҳозирги вақтда инновацион тизимнинг асосий таркибий элементлари яратилган ва ишламоқда, бироқ бошқа томондан, инновацияларни қўллаб-қувватлаш воситалари бир-бири билан бевосита боғланган, инновацион маҳсулотларнинг алоҳида циклари бир-биридан ажралиб турди.

Ҳозирги кунда ахборотнинг асосий манбаи сифатида интернет ва юқори коммуникация технологиялари саналади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатларнинг юқори технологияларни қанчалик тез суратда ривожлантирса, ушбу мамлакатда иқтисодий ривожланиш хам юқори суръатларда давом этади. 2016 йилда Жаҳон банкининг дунё мамлакатларида юқори коммуникация ва ахборот технологияларини ўзлаштириш рейтингида шу масалада тўлиқ тўхталиб ўтилган.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистоннинг 2002-2016-йиллар оралиғидаги мамлакатга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми ва унга таъсир қилувчи 3 та предикторлар олинди у қуйидагича кўринишга эга.

### 3.3-жадвал

#### Ўзбекистоннинг 2002-2016-йиллар оралиғидаги мамлакатга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми ва унга таъсир қилувчи предикторлар

Йил	Хорижий инвестициялар ҳажми (млн долл.)	Телекоммуникация соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар (млн долл.)	Энергетика соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар (млн долл.)	Ижтимоий соҳага киритилаётган хорижий инвестициялар (млн долл.)
2002	74,7	7,92	3,15	1,02
2003	82,8	9,87	7,66	0,86
2004	65,3	6,67	17,24	1,34
2005	82,6	4,82	15,60	2,60
2006	176,6	12,38	14,74	4,23
2007	191,6	27,98	19,39	9,12
2008	173,8	41,71	23,87	3,17
2009	705,2	89,24	128,61	8,48
2010	711,3	120,71	230,50	20,55
2011	842	112,08	271,02	21,42
2012	1628	320,72	514,68	34,64
2013	1651	396,24	231,81	31,31
2014	674	129,76	148,94	23,34
2015	1077	301,48	243,87	43,48
2016	1248	356,29	465,21	65,36

Манба: [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) маълумотларига асосланиб муаллиф томонидан тузилди.

Бу ерда:

Y – Хорижий инвестициялар ҳажми (млн долл.)

X1 – Телекоммуникация соҳасигакиритилаётган хорижий инвестициялар (млн долл.)

X2 – Энергетика соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар (млн долл.)

X3 – Ижтимоий соҳага киритилаётган хорижий инвестициялар (млн долл.)

Масаланинг иқтисодий қўйилиши:

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда телекоммуникация соҳасига киритилаётган хорижий инвестицияларнинг улушкини оширишдан иборат.

*Корреляцион матрица таҳлили.* Кўп ўзгарувчили регрессиянинг кўп мантиқий хуласалари худди оддий регрессиядаги каби: ўзгариши таҳлил қилинадиган ва тушинтирилиши лозим бўлган ягона боғлик ўзгарувчи ва тушинтирувчи ўзгарувчилар аниқланади. Бу ўзгарувчилардан танланма ўрганилаётган бош тўпламдан олинади ҳамда яхши башорат қиласидиган ва маълум маънода,  $Y$  учун ”энг яхши” регрессия тенгламасини берадиган башорат қилувчи ўзгарувчилар комбинацияларини ҳосил қилишга ҳаракат қилиш лозим.

*Корреляция матрицаси* – таҳлил қилинаётган ўзгарувчиларнинг мумкин бўлган барча жуфтликлари учун корреляция коэффициентининг қийматларини ифодалайди. Корреляция коэффициентини топишдаги қуйидаги формула билан ҳисобланади ёки Mini Tab программасидан фойдаланиб топиш мумкин:

$$r = \frac{n \sum xy - (\sum x)(\sum y)}{\sqrt{n \sum x^2 - (\sum x)^2} \sqrt{n \sum y^2 - (\sum y)^2}}$$

2.8-жадвалда корреляция матрицаси келтирилган ва у  $4 \times 4$  кўринишда бўлади, чунки бизда 4 та ўзгарувчи (1 та боғлик ўзгарувчи ва 3 та боғлиқсиз ўзгарувчи) мавжуд. Бош диагоналдаги қийматлар ҳар доим 1 га тенг бўлади, чунки ўзгарувчининг ўзи билан корреляцияси доимо 1 га тенг бўлади. Бундан ташқари  $r_{ij}=r_{ji}$  қонуният ҳам бажарилади.

#### *Корреляция матрицаси*

	$Y$	$X1$	$X2$
$X1$	0,958 0,000		
$X2$	0,895 0,000	0,852 0,000	

$X_3$	0,826 0,000	0,900 0,000	0,877 0,000
-------	----------------	----------------	----------------

Матрица таҳлилини кучли корреляцияланган ўзгарувчилардан бошлаймиз:

1)  $X_1$  – Телекоммуникация соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми ва  $Y$  – Хорижий инвестициялар ҳажми орасида боғлиқлик энг кучлиси, чунки корреляция коэффицент  $r=0,958$  ва қолган барча корреляция коефисентлардан катта. Бу предиктор  $Y$  билан энг кучли боғланганлиги ва бошқа предиктолар билан корреляцияси  $Y$  билан корреляциясидан кичик бўлгани учун моделга киритиш мумкин.

2)  $X_2$  – Энергетика соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар ва  $Y$  орасидаги корреляция коэффицент ҳам кучли мусбат боғланган яъни  $r=0,895$  га teng, шунинг учун унданҳам моделда фойдаланишимиз мумкин.

3)  $X_3$  – Ижтимоий соҳага киритилаётган хорижий инвестициялар ва  $Y$  орасидаги корреляция коэффицент  $r=0,826$  га teng, яъни мусбат кучли корреляцияланган шунинг учун ҳам ушбу предиктордан модел қурилишида фойдаланамиз.

Таҳлилимиз тўла қонли бўлиши учун корреляциялари аҳамиятли бўлган  $X_1$ ,  $X_2$ ,  $X_3$  ўзгарувчиларни тадқиқот иши давомида модел қуриш жараёнида Мультиколлинеарликка текширамиз. Чунки Мультиколлинеарликка нохуш ҳодиса бўлиб жуфтлик предикторлар учун VIF таҳлил коэффицент 5 дан катта бўлган ўзгарувчилар моделда бирга иштирок этиши натижани биз кутгандан бир нечамарта катта хатолик билан чиқариши мумкин.

#### *Мультиколлинеарлик таҳлили*

Мультиколлинеарлик ўртасида яққол кўринмади.

#### *VIF-test*

VIF таҳлили натижаларини қуйидаги формула ёрдамида топишимиз мумкин:

$$VIF_j = \frac{1}{1 - R_j^2}$$

Бунда  $R_j^2$  ж-предикторнинг бошқа предикторлар билан детеминация коэффициенти;

Агар  $|VIF| < 5$  бўлса бу предикторни таҳлилда олиб қолишимиз мумкин. Юқоридаги ишларни МиниТаб дастури ёрдамида ҳам осонгина амалга ошиrsa бўлади. Mini Tab дастури ёрдамида олинган VIF натижаларини таҳлил қиласиз:

#### *VIF анализ таҳлили*

$X_j$	$VIF j$
X1–Телекоммуникация соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар	4,7
X2–Энергетика соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар	4,8
X3–Ижтимоий соҳага киритилаётган хорижий инвестициялар	6,9

Юқоридаги натижалардан келиб чиқсан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки предикторларнинг 2 таси яъни, X1 ва X2  $|VIF| < 5$  шартни қаноатлантирумокда. Фақатгина X3,  $|VIF| > 5$  бўлгани учун ушбу шартга жавоб бермайди. Шунинг учун X3 кейинги шартларда тушиб қолади.

#### *Регрессия тенгламасини тузиш*

Кўп ўзгарувчили регрессия тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 \xi_1 + \beta_2 \xi_2 + \dots + \beta_{k-1} \xi_{k-1} + \varepsilon$$

Бу ерда:

Y – боғлиқ ўзгарувчи

$\xi_1, \xi_2, \dots, \xi_{k-1}$  – предикторлар

$\beta_0, \beta_1, \dots, \beta_{k-1}$  – модельнинг бош тўпламдаги параметрлари

$\varepsilon$  – тасодифий хатолик

Шунингдек, кўрилаётган масаламизнинг функсияси танланма функсия бўлганлиги учун унинг тенгламаси қуидагича кўринишда бўлади:

$$Y = b_0 + b_1 X_1 + b_2 X_2$$

Mini Tab дастури ёрдамида қуидагича регрессия тенгламасини кўришимиз мумкин:

$$Y = 106 + 2,85X_1 + 0,972 X_2$$

Бу ерда:

$b_0 = 106$  барча  $X$  ўзгарувчилар нолга тенг бўлган пайтда  $Y$  нинг баҳолангандаги ўртача қиймати

$b_1 = 2.85$  бошқа предикторларни ўзгартирганда  $b_1$  ни бир бирлик ўзгартиргандаги  $Y$  ўртача қийматининг 2.85 бирликка ўсишини баҳолайди;

$b_2 = 0.972$  бошқа предикторларни ўзгартирганда  $b_2$  ни бир бирлик ўзгартиргандаги  $Y$  ўртача қийматининг 0.972 бирликка ўсишини баҳолайди.

### *Детерминация коэффициенти*

Кўп ўзгарувчили регрессияда фойдали статистикалардан бири бу  $R^2$  – детерминация коэффициенти дир.  $R^2$   $Y$  ўзгарувчанлигининг башорат қилувчи ўзгарувчилар томонидан топилган регрессия тенгламаси ёрдамида тушинтирилиши мумкин бўлган фоизини билдиради. Тенгламанинг аниқлиги юқори бўлганда,  $R^2$  1 га яқин бўлади.  $R^2$  ни қуидагича формула ёрдамида топпиш мумкин:

$$R^2 = 1 - \frac{\sum(Y - \hat{Y})^2}{\sum(Y - \bar{Y})^2}$$

Бизнинг масаламизда бу кўрсаткич Mini Tab дастури ёрдамида топилди ва у 0.908 га тенг бўлди. Шунинг учун унинг ёрдамида  $Y$  ўзгарувчанлигини кўп қисмини тушинтириш мумкин бўлади, яъни  $R^2 = 94,1\%$  телекоммуникация соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг жами хорижий инвестициялар ҳажмидаги улишининг 94,1 % вариацияси қолган предикторларнинг вариациялари билан тушинтирилади.

*Кўп ўлчовли регрессиядаги потезани текшириши.*

Тасодифий танланма ажратилиб олиниб, ўзгарувчиларнинг номи, ўлчамлари аниқланиб, бизни қизиқтирган юқори потенсиалли предикторларни аниқлаш учун коррелациён матрица ўрганиб чиқилгандан сўнг, энг яхши модел танланади. Мақсад –  $Y$  ни башорат қилиш учун энг яхши регрессия тенгламасини танлаш ва бу тенглама зарур бўлган аниқликни берадими ёки йўқми деган саволларга жавоб беришдан иборатdir.

*F – тест.* Регрессион анализдаги муҳим статистикалардан бири бу – F – статистикадир. Бу статистика танланма регрессия тенгламаси  $Y$  ўзгарувчи дисперсиянинг кўп фоизини тушунтириб бера олмайди, деган нолинчи гипотезани текшириш учун ишлатилади. Нолинчи ва альтернатив гипотеза куйидагидан иборат:

$$H_0: \rho^2=0$$

$$H_1: \rho^2>0$$

а ишончлилик чегараси учун мос ҳал қилувчи қоида қўйидагича:

1. Агар  $F>F_\alpha(k-1, n-1)$  бўлса, у ҳолда  $H_0$  рад этилади,  $H_1$  қабул қилинади.
2. Агар  $F<F_\alpha(k-1, n-1)$  бўлса, у ҳолда  $H_0$  қабул қилинади ( $k_1=k-1$ ,  $k_2=n-k$ ).

Бу ерда

$$F = \frac{SSR / (k - 1)}{SSE(n - k)}$$

SSR – регрессия квадратларининг йиғиндиси;

SSE – қолдиқ квадратларининг йиғиндиси;

$k$  – чизиқли боғлиқ бўлмаган баҳоланаётган параметрлар сони;

$n$  – танланма ҳажми;

$F_\alpha(k_1, k_2)$  –  $F$  – тақсимотнинг эркинлик даражаси  $k_1, k_2$  га, ишончлилик чегараси  $\alpha$  га тенг бўлган критик қиймати.

Юқоридаги тенглама учун:

Analysis of Variance

Source	DF	SS	MS	F	P
Regression	2	4244245	2122123	95,38	0,000
Residual Error	12	266990	22249		
Total	14	4511235			

### 3.4-жадвал.

#### F-тест учун Гипотеза ва Статистика

<i>Гипотеза</i>	<i>Статистика</i>
$H_0: \beta_1=0$	$F = MSR/MSE = 2122123/22249 = 95,38$
$H_1: \beta_1 \neq 0$	$Pv = 0,000$ $F_{0,05} = 3,58743$

F distribution with 2 DF in numerator and 12 DF in denominator

$$P(X \leq x) = x$$

$$0,95 \quad 3,88529$$

Натижалардан кўриниб турибдики ушбу ҳолатда  $F \geq F_\alpha$  яъни  $95,38 > 3,88$ .

Демак нолинчи гипотеза рад этилади ва  $H_1$  гипотеза қабул қилинади яъни предикторлар  $Y$  ни кўп фоизини тушунтириб бера олади.

*T – тест.* Регрессион анализдаги t – статистика бош тўплам регрессия коэффициентлари нолга teng деган нолинчи гипотезани текширади.

Регрессия коэффициентларини текшириш учун нолинчи ва альтернатив икки ёқлама гипотеза ( $j=2, 3, \dots, k$  учун) қўйидагидан иборат:

$$H_0: \beta_j = 0$$

$$H_1: \beta_j \neq 0$$

Ҳал қилувчи қоида қўйидагича:

- Агар  $|t| \geq t_\alpha (n-k)$  бўлса,  $H_0$  рад этилиб,  $H_1$  қабул қилинади.
- Агар  $|t| < t_\alpha (n-k)$  бўлса,  $H_0$  қабул қилинади.

Predictor Coef SECoef T P VIF

Constant 106,29 54,11 1,96 0,073

X1 2,8483 0,5361 5,31 0,000 3,6

X2 0,9716 0,4516 2,15 0,052 3,6

Юқоридаги предикторлар учун ( $\alpha=0.05$ ):

T-тест учун Гипотеза, статистика ва хулосалар

$$P(X \leq x) =$$

$$0,025-2,17$$

<i>Гипотеза</i>	<i>Статистика</i>	<i>Хуоса</i>
$\beta_1:$ $H_0: \beta_1=0$ $H_1: \beta_1 \neq 0$	$T_1 = 5,31$ $Pv = 0,073$ $T_{0,025} = -2,17$	Ушбу ҳолатда $T_1 > T_{0,025}$ . Демак $H_1$ гипотеза қабул қилинади, $H_0$ гипотез эса бекор қилинади. Ушбу предиктор баҳолаш учун яхши предиктордир ( $PV \leq \alpha$ )
$\beta_2:$ $H_0: \beta_2=0$ $H_1: \beta_2 \neq 0$	$T_2 = 2,15$ $Pv = 0,000$ $T_{0,025} = -2,17$	Ушбу ҳолатда $T_2 > T_{0,025}$ . Демак $H_1$ гипотеза қабул қилинади, $H_0$ гипотез эса бекор қилинади. Ушбу предиктор баҳолаш учун яхши предиктордир ( $PV \leq \alpha$ )

Т – тест натижалари шуни аниқлаштирадики, юқоридаги предикторларнинг иккитаси ҳам t-тестдан ўта олди. Чунки уларда  $|t| \geq t_\alpha$  ( $n-k$ ) натижа қайд этилди. Шунинг учун ҳам ушбу предикторлар учун  $H_1$  гипотеза қабул қилинади,  $H_0$  гипотез эса бекор қилинади. Бу дегани  $X_1$  ва  $X_2$  предикторлар  $Y$  ҳажмини юқори даражада аниқлаб беради.

*Энг яхши модельни танлаш.*

Олдинги шартлар натижасидан келиб чиқкан ҳолда  $X_1$ -Телекоммуникация соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми ва  $X_2$ -Энергетика соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми предикторлари ёрдамида янги модельни тузамиз. Юқорида танлаб олинган предикторлар бўйича тузилган кўп ўлчовли регрессия тенгламаси қўйидагича кўринишга эга:

$$Y = 106 + 2,85X_1 + 0,972 X_2$$

Тенгламанинг интерпретация келадиган бўлсак, предикторларни қўйидагича таҳлил қилишимиз мумкин:

$b_0 = 106$  барча  $X$  ўзгарувчилар нолга тенг бўлган пайтда  $Y$  нинг баҳолангандаги ўртача қиймати

$b_1 = 2.85$  бошқа предикторларни ўзгартирганда ҳолда  $b_1$  ни бир миллион долларга ўзгартиргандаги  $Y$  ўртача қийматининг 2.85 млн. долларга ўсишини баҳолайди;

$b_2 = 0.972$  бошқа предикторларни ўзгартирганда ҳолда  $b_2$  ни бир миллион долларга ўзгартиргандаги  $Y$  ўртача қийматининг 0.972 млн долларга ўсишини баҳолайди.

Юқоридаги кўп ўлчовли регрессия тенгламаси учун детерминация коэффициенти қўйидагича кўринишга эгадир:

$$R^2=94,1\%$$

Бу моделнинг детерминация коэффициенти  $R^2=94,1\%$  га teng. Демак, телекоммуникация ва энергетика соҳаларига киритилган хорижий инвестициялар хорижий инвестицияларни ҳажмини ошишини 94,1% аниқликда тушунтириб бера олар экан.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги модел бизнинг масала учун энг яхши моделдир: Бундан кўриниб турибдики,  $Y$  яъни хорижий инвестициялар ҳажми юқоридаги 2 та предиктор ( $X_1$ -телекоммуникация,  $X_2$ -энергетика) ёрдамида 89,8% аниқликда тушунтириб берилади. Бу шундан далолат берадики мамлакатимиз иқтисодиётида хорижий инвестициялар ривожи учун энергетика ва телекоммуникация соҳаларининг салмоғи жуда юқори экан. Демак, бундай соҳаларни янада ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий нуфузини янада оширишга хизмат қиласи.

Фикримизча, республикамизда юқори технологиялар соҳасида инновацион фаолиятни такомиллаштиришни талаб этади. Шу билан биргаликда доимо жорий ривожланиш босқич вазифаларига мослашиб боради. Ҳозирда интелектуал мулк ва юқори технологиялар ҳисобига қўшимча қиймат улушкини ташкил этувчи юқори технологик рақобатбардош маҳсулотларни реализация қилиш ва ишлаб чиқаришдаги ўсиш ҳисобига аҳоли турмуш шароитини ҳамда ЯИМни оширишга қаратилган барча таъсир чораларини қўллаш лозим бўлмоқда.

Умуман олганда, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида юқори технологиялар соҳасига нафақат ички инвестициялар, юқори технологиялар соҳасида хорижий инвестициялардан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг жаҳонда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлишига шароит яратади.

### **III-боб бўйича хуносалар**

1. Ўзбекистон қўйидаги омиллар таъсирида жаҳондаги йирик юқори технологиялар соҳасидаги трансмиллий корпорацияларига ўзининг миллий бозорини тақдим этмоқда:

- юқори технологиялар соҳасида фаолият юритувчи корхоналарнинг халқаро даражада имиджга эга бўлишга интилиши ва саноат соҳасида содир бўлаётган инновацион ривожланишлардан фойдаланиш;
- жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан товар алмашинувни янада кучайтириш ва маҳаллий бозорга инновацион маҳсулотлар ва инновацион технологияларни жалб этиш;
- юқори технологиялар соҳасининг муҳим қисми ҳисобланган электротехника саноатини етарли даражада масштабга эга эмаслиги ва миллий электротехника саноатининг инновацион ривожланишини етарли даражада эмаслиги;
- илмий-техник ривожланишнинг юқори суратларини таъминловчи инновацион электротехника воситаларига бўлган талабнинг миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари томонидан талабнинг кескин ошиши;
- аҳол томонидан сифатли, технологик жиҳатдан замонавий ва куп функционал характерга эга бўлган маҳсулотларга нисбатан талабнинг ўсиши.

2. Юқори технологиялар соҳасининг ажралмас қисми ҳисобланган ривожланишида қўйидаги муаммолар кўзга ташланмоқда:

- илмий янгиликлар асосида, ишлаб чиқаришдан етарли даражада фойдаланмаслик;

- илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларнинг сустлиги;
- юқори технологиялар соҳасида инвестициялар жалб қилишда, лойиҳаларнинг жозибадорлигини оширишда, камчиликларни мавжудлиги ва ўз маблағларининг етишмаслиги;

3. Мамлакатимизда юқори технологиялар соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги илмий *таклиф ва амалий тавсиялар* ишлаб чиқилди:

- қонунлар-меъёрий хужжатлар базаси тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва халқаро инвесторлар учун юқори технологиялар соҳасига маблағлар инвестициялаш имкониятлари тўғрисидаги ахборотларни асосий хорижий тилларга таржима қилишни ташкил этиш;
- халқаро инвесторларга юқори технологиялар соҳасида амалга оширилаётган ва амалга ошириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш:
- халқаро инвесторларни юқори технологиялар соҳасида зарурий маълумотнома ахборот ва таҳлилий материаллар билан таъминлаш;
- халқаро салоҳиятли ҳамкорларни жалб этган ҳолда, инвестиция фаолиятининг юқори технологиялар соҳаси юзасидан бизнес-семинарлар ташкил этиш йўналишларида амалга ошириб бориш.

4. Ўзбекистон Республикасида таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, юқори технологиялар соҳасини янада ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида бизнинг фикримизча қўйидагиларни амалга ошириш лозим бўлмоқда:

- Мамлакат экспорт нуфузини кескин оширишга йўналтирилган янги технологияларни ривожлантириш;
- юқори технологиялар соҳасида инвестициялар жалб этишнинг хукуқий-меъёрий таъминоти, уни рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқиш;

- юқори технологиялар соҳасида инвестиция фаолиятни мажмуали кўллаб-куватлаш, ишлаб-чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардошликтин ва илм ҳажмли маҳсулотлар экспортини ошириш;

- ахборот таъминоти, экспертиза, сертификатлаш ва ишланмалар харакати тизими, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимидан ташкил топган юқори технологиялар соҳасида инновацион жараён инфратузилмасини ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигига ва маҳсулот рақобатбардошлигини ортишига таъсир қўрсатувчи кичик микдордаги базавий технологияларни танлаш орқали инвестицион сиёсатни истиқболли йўналишларини амалга ошириш.

5. Хорижий инвестициялар ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши учун катта аҳамиятга эга бўлсада шу билан бирга уларнинг самарадорлиги жиддий муаммолар билан боғлиқ. Бу ҳолат ишлаб чиқариш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун ҳукумат томонидан кескин чоралар кўришни талаб этади.

6. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТТХИ) ва юқори технологияларни, бошқарув кўникмаларини жалб қилиш миллий фирмаларнинг ишлаб чиқариш усуулларига муайян ўзгаришларни олиб киради. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш нуқтаи назаридан ТТХИ оқимини рағбатлантириш керак.

7. Стратегик тармоқларнинг катта саноат объектларини хорижий инвесторга хусусийлаштириш ва сотиш орқали ҳам мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш мумкин.

## **Хулоса**

Диссертация мавзуси ва мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ҳамда назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланишининг эътиборли томони шундаки, аҳолининг ўрта қатламини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити шакллантирилди ва унинг қонуний асослари яратилди.

Тадқиқотлар миллий корхоналар ва товарларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишларига доир қуйидаги асосий жиҳатлар бўйича илмий-услубий ва амалий хулосаларга келинди:

1. Тадбиркорликда рақобатбардошлигини бошқариш учун муҳим бўлган ишбилармонлик муҳитини шакллантириш эса бошқариладиган жараёндир. Лекин бошқариш усуллари маъмурий ёки директив кўринишида бўлиши мумкин эмас. Уларнинг асосий тадбиркорлик фаолияти субектларига таъсир қиласиган чоралардан эмас, балки шундай субъектларнинг таркиб топиши йўлида қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим ўрин тутиши ҳамда ишбилармонлик муҳитига ўзаро мувофиқ ва мутаносиб тарзда шаклланган ҳамда уйғунликда амал қилувчи таркибий қисмларнинг мажмуи сифатида қараш мақсадга мувофиқлиги аниқланди;

2. Мамлакатимиз учун тадбиркорликни моделлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг сабаби мамлакатимизда менежментнинг назарий ва амалий ривожланишида катта муваффақиятларга эришмаганлиги билан боғлиқ. Монополликка асосланган маъмурий бошқарув тизимида узоқ йиллар давомида менежментга паст муносабатда бўлган психология ва мотивация принципларига асосланган. Бундан ташқари, саноат ва тижорат фаолиятини

ташкил қилиш ва бошқариш бўйича мутахассисларни малакасини ошириш зарурлиги асосланди;

3. Тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги бошқаришда тадбиркорлик менежментининг роли, унинг ташкилий тузилмаси ва ваколатлар тақсимотидаги роли ҳамда методик жиҳатдан тадбиркорликни бошқаришни моделлаштиришга зарурат асосланди;

4. Қабул қилинаётган меъёрий-хукуқий хужжатларнинг амалиётга татбиғи тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини таъминлаш, бизнесни ташкил этиш ва юритиша ёрдам кўрсатиш, давлат хизматларини тақдим этиш, шунингдек, бизнес-муҳитни яхшиланишига доир тадбиркорлар билан ахборот алмашинувининг самарали усулини жорий этиш имконини яратади ва мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, чет эл инвестицияларининг кенг жалб қилиниши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари асосланди;

5. Тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқариш рақамли трансформация экотизимига асосланган механизмини миллий корхоналар фаолиятига татбиқ этилиши (қўлланилиши) учун аниқ мақсадларни белгилаш ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқилди;

6. Тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқариш замонавий моделлари инновацион ва инвестицион фаолиятни фаоллаштиришни бошқариш, мамлакатни ва миллий корхоналарини ташқи муҳитга доимий мослаштириш ва моддий, меҳнат, интеллектуал ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни бошқариш бўйича кўп функционал ва мураккаб ўзаро тизимни акс эттиради.

7. Тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини бошқаришнинг инновацион моделини амалга оширишда рақобатбардошликини таъминлашнинг ташкилий-иктисодий механизми модели ишлаб чиқилди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й. . [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикасининг Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуни Т.: “Ўзбекистон” 1998. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **II. Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий хуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-2015 йилларда «Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чукурлаштириш, мамлакатда ишчанлик мухитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги Қарори. 2011 йил 7 январь, ПҚ-1464-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 24 август, ПФ-4354-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2012 йил 18 июль, ПФ-4455-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик мухитини янада

такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2014 йил 7 апрель, ПФ-4609-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 19 июнь, ПФ-5087-сон. // <https://nrm.uz/>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 8 февраль, ПФ-4947-сон. Халқ сўзи газетаси,

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2012 йил 26 март, ПҚ-1731 сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. Ўзбекистон республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 11 апрель, ПФ-3594 сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2005 йил 14 июнь, ПФ-3619-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. Ўзбекистон республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2015 йил 24 апрель, ПФ-4720 сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 апрель, ПФ-5012-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 24 октябрь, ПФ-5583-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 29 ноябрь, ПФ-5587-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 6 июль, ПФ-6019-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609 сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, 2020 йил 13 октябрь, ПҚ-4862-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 29 августдаги 526-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 8 январь, 8-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқлари, асарлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташки ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишлиланган йиғилишдаги нутқи. <http://president.uz>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://president.uz>

3. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. <http://president.uz>

### **IV. Асосий адабиётлар:**

1. Аванесов А.Н. Правила рынка: иностранные инвестиции, внешняя торговля, трудовая миграция, конкурентоспособность, дипломатия: -М.: Международные отношения, 1994,- 350 с.,

2. Акопова Е.С., Воронкова О.Н. и др. Мировая экономика и международные экономические отношения. Ростов-на-Дону: «Феникс», 2000.

3. Ансофф И. Стратегическое управление: перевод с английского, М.: Экономика, 1998,- 120 с.,

4. Балабанов К. Т. Балабанов А. И. Внешнеэкономические связи М.: Финансы и статистика, 1998 - 512 с.,
5. Болтабоев М.Р ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. Т:2010 й.
6. Герчикова И.Н. Маркетинг и международное коммерческое дело. М.: Международныеотношения, 1990,- 504 с.,
7. Глазунов В.Н. Финансовый анализ и оценка риска рыночных инвестиций. М.: Финстатинформ, 1997,- 136 с.,
8. Горфинкеля В.Я., Поляка Г.Б., Швандара В.А.. Предпринимательство: Учебник. М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2001. 18-бет.
9. Кларк Ж.Б. Распределение богатства. М.:, Финиздат. 2004
10. Мильнер Б.З. Теория организаций // М.: ИНФРА-М, 2014.
11. Мирзаев Ф.Р. Тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. Т:2012 йил
12. Михайлов Д.А. “Европейский инвестиционный банк развивает проекты шести стран Восточного партнерства”. <http://www.belaplan.com>
13. Морковкин В.В. Словарь терминов современного предпринимательства: более 3000 терминов // М.: АСТ, 2014. - с. 182.
14. Пахомов А.А. Экспорт прямых инвестиций из России: очерки теории и практики. М.: Изд-во Института Гайдара, 2012.
15. Приходько, С.В. и др. Стимулирование экспортной деятельности в зарубежных странах и практика поддержки экспорта в России. - М.: Институт экономики переходного периода, 2007. — С. 159.
16. Стратегия социально-экономического развития Китая - на пути структурной модернизации (1996-2050 гг.) [1996-2050 нянь Чжунго цзинцзи шэхуэй фачжань чжанълюэ - цзоусян сяньдайхуады гоусян]). Пекин, 1997
17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 663-664-б.

18. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. //С.С. Гуломов таҳрири остида. Т.: «Konsauditinform-Nashr», 2006 й. – 440 б.

19. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎзР ФАИқтисодиёт институти; А.Ф.Расуловнинг таҳрири остида,- Т.:Konsauditinform-Nashr, 2011. 6-б.

20. Черкасов В.В. Проблемы риска в управлеченческой деятельности. М: Рефл-бук, 1999

21. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., 2002. 44-бет.

22. Экономический словарь./ Багудина Е.Д., Большаков А.К. и др.; /отв.ред. Архипов А.И. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект,2004. -624 с.

## **V. Монографиялар, илмий мақолалар ва диссертациялар:**

1. Алимов Р.А. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии, система показателей, факторы развития // Материалы республиканского научного семинара «Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики» Ташкент: 2004 г. – 212с.

2. Бортова М.П. Современные проблемы транснационализации производства и капитала // [www.cfin.ru/management/200-3/13.shtml](http://www.cfin.ru/management/200-3/13.shtml)

3. Бобоҷонов Б.Р., Мингишов Л.Ў. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош саноат маҳсулотларининг ўрни. [http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/20\\_B\\_Bobojonov.pdf](http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/20_B_Bobojonov.pdf)

4. Булавко О.А. Зарубежный опыт регулирования и стимулирования инвестиционной сферы // Общество. Среда. Развитие (Terra Humana), 2012, №2

5. Горохов Б. Стратегия и гибкость управления предприятием: трудный баланс // Проблемы теории и практики управления, 1994.- №4 с. 13-20.

6. Гурова И. П. Конкурентоспособность экспорта СНГ // Современные исследования социальных проблем. 2012, № 4
7. Данилов И.П., Алексеев М.Ю. Инновационное развитие как фактор конкурентоспособности экономики // Проблемы современной экономики. 2012, № 2
8. Евстигнеев В. Финансовая глобализация - явление и методологический инструмент// Мировая экономика и международные отношения, 2001, № 3, с.74
9. Ерохин В. Л. Актуальные проблемы развития предпринимательства: теория и практика // Ставрополь: АГРУС, 2010.
10. Ерошкин А. Механизмы государственной поддержки инноваций: зарубежный опыт // Мировая экономика и международные отношения, 2011, № 10
11. Ерошкин А. Механизмы государственной поддержки инноваций: зарубежный опыт. // Мировая экономика и международные отношения, 2011, № 10, с.21
12. Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.К., Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. ., Монография., Академнашр. -2010,: 160 б.
13. Захарченко Е.А. Задачи стратегии импортозамещения с учетом мирового опыта. Economics. № 2 (11) / 2016
14. Иншакова А.О. ТНК: возникновения и дальнейшие перспективы развития. Вестник ВолГУ. Серия 5. Вып.7., 2005, с.65
15. Козяйкин П.В. Влияние транснациональных корпораций на развитие процесса глокализации мировой экономики // Российское предпринимательство» № 8 Вып. 1 (189) за 2011 год, стр. 4-9.
16. Косолапов М. Глобализация: сущность и международно-политические аспекты. // Мировая экономика и международные отношения, 2001, № 3, с.69

17. Косолапов. М. Глобализация: сущность и международно-политические аспекты // Мировая экономика и международные отношения, 2001, № 3.

18. Кузнецов В. Измерение финансовых рисков.//Банковские технологии, №7, 1997.

19. Кузнецов В.П., Вазъянский А.М. Локализация производства как инструмент повышения экономической эффективности организации // Вестник Череповецкого Государственного Университета. 2012, №4

20. Куренкова А.С. Составляющие инвестиционного климата и методы его оценки. Российское предпринимательство. — 2011. — № 6 Вып. 1 (185). - с. 32-36

21. Миронова О.А. Импортозамещение: зарубежный опыт и уроки для России // Международный научно-исследовательский журнал. 2015 № 7-3

22. Папахян И.А., Лисовская Р.Н. Возможности импортозамещения и экспорт ориентирования отраслевой экономики // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского ГАУ, 2015, №111

23. Полонская А. Особенности и проблемы американской инновационной модели // Общество и экономика, 2012, №11

24. Попов В. Нетрадиционный взгляд на экспортную ориентацию и экономическое развитие//Политический журнал. 2006, №15

25. Прохорова О.В. Организационно-экономический механизм привлечения прямых иностранных инвестиций на региональном уровне. // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. 2012, №3

26. Расулов А.Ф. Экспортная ориентация национальной экономики в условиях рыночной экономики трансформации (на материалах Республики Узбекистан): Автореф. дис. док. экон. наук. Ташкент, 1996. – с. 42

27. Рогов М.И. “Снижение инвестиционной привлекательности российских проектов в связи с бизнес кризисом” <http://www.anticrisis.toptrening.ru>

28. Ткачев В.А. Ключевые детерминанты и динамика макроэкономических показателей развивающихся стран в условиях трансформации мировой экономики // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Экономика и менеджмент. 2014, № 2
29. Трушин Э.Ф. Экспортноориентированное развитие экономики в условиях перехода к рынку (на примере Республики Узбекистан): Автореф. дис. докт. экон. наук. Ташкент, 1999 г. – с.24
30. Хамаганова Л.Д. О приоритетных направлениях в области привлечения прямых иностранных инвестиций в Россию// Известия Иркутской государственной экономической академии, 2007 , №5
31. Холов Ж.М. “Тадбиркорлик муҳити: иқтичодий мазмуни, асосий вазифалари ва тамоийиллари” мавзусидаги илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. ТДИУ, №6 ноябрь-декабрь, 2014.
32. Худоренко Е.А. Промышленные кластеры, как одно из условий интенсификации интеграционных процессов в Евразийском регионе / Е. А. Худоренко //Материалы международной конференции «Региональная экономика: проблемы и перспективы развития» 27 ноября 2014 года, Махачкала, Издательство ДГУ 2014.
33. Чен Хойшен. Стратегии развития текстильной промышленности Китая. Бизнес информ. №3, 2012
34. Шимаи М. Роль и влияние транснациональных корпораций в глобальных сдвигах в конце 20 столетия. // Проблемы теории и практики управления. 1999, № 3, с. 27.
35. Шимаи М. Роль и влияние транснациональных корпораций в глобальных сдвигах в конце 20 столетия // Проблемы теории и практики управления. 1999. № 3. С. 27.
36. Ширинов С.Э. Стимулирование экспорта: проблемы и решения // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, 2015, № 4-1

37. Школяр, Н. Институты и инструменты государственной поддержки экспорта: испанский опыт / Н. Школяр // Вопросы экономики. — 2007. — № 4. — С. 146-151.

## **VI. Хорижий тилларда чөп қилинган адабиётлар**

1. Ansoff H.I. Strategies for Diversification/Marketing and Diversification: Long Range Planning. Bradford University Press, 1971. - P. 172.
2. Argenti J. Corporate Planning A Practical Guide. Homewood, III. Dow Jones Irvin, 1969, p 178
3. Brooke M., Mills W. Profits from Abroad: Managing Foreign Business. - L. Kogan Page, 1989, p 218,
4. Brooke M., Mills W. Profits from Abroad: Managing Foreign Business. - L. Kogan Page, 1989, p 218
5. Chandler A. Strategy and Structure: Chapters in the History of the Industrial Enterprise. Cambridge, L.: MIT Press, 1990, p 463,
6. Chandler A. Strategy and Structure: Chapters in the History of the Industrial Enterprise. Cambridge, L.: MIT Press, 1990, p 463
7. Day G.S. Tough Questions for Social Responsibility. Ethical Theory and Business, 1979, p 213,
8. Nevin, Seamus. "Richard Cantillon: The Father of Economics". History Ireland (JSTOR) **21** (2): 20–23.[JSTOR 41827152](#).
9. Robert D. Hisrich. Entrepreneurship. Boston, MA 02116, 1992, p. 255 c.
10. Sandberg W.R Hofer C.W. The effects of strategy and industry structure on new venture performance. Proceeding, 1986, p. 187
11. Shepherd D. British Manufacturing Investment Over seas. London
12. Soedjatmoko The Primacy of Freedom in Development. - Lanham, 1985. -91 c.
13. Stenberg E. Steering of Foreign Subsidiaries. Helsinki: Helsinki School of Economics and Business Administration, 1992, p. 234

14. World Investment Report: Transnational Corporations and the Infrastructure Challenge. UNCTAD, UN, New York, Geneva, 2010.

## **VI. Интернет ресурслари**

1. <http://era-oikonomos.org>
2. <http://president.uz/uz/lists/view/1515>
3. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/44649-import-ornini-bosuvchi-mahsulotlarni-ishlab-chiqarishga-yonaltirilgan-siyosat>
4. <http://www.ifmr.uz>
5. <http://www.imf.org>
6. [www.spain.org.ru](http://www.spain.org.ru)

